

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги: Ёш авлодни чет тилларида ўқитиш ҳамда шу тилларда эркин сўзлаша оладиган мутаххасисларни тайёрлашни такомиллаштириш негизида, ёшларнинг жаҳон цивилизацияси ютуқлари, шунингдек, бутун дунё ахборот ресурсларидан фойдаланишлари, халқаро ҳамкорлик ва мулоқотни ривожлантириш учун шарт - шароитлар яратиш асосий мақсад қилиб қўйилади. Шу сабабдан ҳам чет тилларини ўрганиш бугунги куннинг асосий талаби бўлиб қолди.

Мамлакатимизда ахборот коммуникация технологиялари жадаллик билан ривожланаётган, глобаллашув, дунё бозорида рақобат тобора кучайиб бораётган бир даврда, демократик тараққиёт, модернизация ва янгиланиш борасида белгиланган мақсадларга эришишда энг муҳим қадрият ва ҳал қилувчи куч бўлган билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш муҳим омил бўлмода.

Чет тилида ўқитишга ўргатиш – бу чет тили дарсларининг асосий мақсади саналади. Чет тилларнинг ўқитилишини янада такомиллаштириш мақсадида Президентимиз И.А.Каримовнинг 10 декабр 2012 йилдаги П – 1875 сонли “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўрисида”ги қарорнинг қабул қилинганлиги ҳам юртимизда чет тилларига бўлган эътиборни янада ортганлигининг исботидир.(Каримов И.А.”Таълим тўғрисида”ги Қонуни.1997 йил.29 август)

Таълим тизимида ўқувчиларнинг нафқат кенг билим ва профессионал малакаларни эгаллаши, замонавий педагогик ва ахборот - коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг илғор услубларини жорий этиш йўли билан ўсиб келаётган ёш авлодга чет тилларни ўқитиш, шу тилларда эркин мулоқот қила оладиган мутаххасисларни тайёрлаш ҳамда бунинг негизида, уларнинг жаҳон цивилизацияси ютуқларидан кенг қўламда фойдаланишлари, улкан интеллектуал бойликни эгаллашларига катта имкониятлар яратилмода.

Мамлакатимизнинг дунё ҳамжамиятига интеграциялашуви, фан техника ва технологиянинг ривожланиши ёш авлоднинг кўп маданиятли дунёда рақобатбардош бўлиши бир неча чет тилларни мукамал эгаллашни тақозо этади, бу эса Ўзбекистон Республикаси таълим тизимида чет тилларни ўргатиш бўйича халқаро стандартларни жорий этиш орқали таъминланади.

Европа Кенгашининг "Чет тилини эгаллашнинг умумевропа компетенциялари: ўрганиш, ўқитиш, баҳолаш" тўғрисидаги хужжати (СЕФР) умумэтироф этилган халқаро мазъарлардан биридир. Ушбу хужжатнинг айрим ҳолатларини назарда тутган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг узлуксиз таълим тизимида чет тилларни ўрганиш бўйича янги Давлат таълим стандартлари ва ўқув дастури ишлаб чиқилди.

2013-2014 ўқув йилидан бошлаб 1 – синф ўқув фанлари қаторига хорижий тилнинг киритилиши мамлакатимиз умутаълим муассасалари ҳаётида муҳим қадам бўлди. Шу боис мазкур битирув малакавий иш мавзуси бугунги кунда долзарбдир.

Ишнинг мақсади. Мавзунинг асосий мақсади 5-9 синфларда чет тили дарсларида илғор педагогик технологиялар ва интерфаол усуллардан фойдаланиш муаммоларини атрофлича кўриб чиқиш.

Таниқли олимларнинг илмий ишларидан фойдаланиб, мавзуга оид масалаларни ўрганиш ва замонавий педагогик технологиялар, интерфаол усуллар ҳамда уларнинг қўлланилиши ҳақида тўла маълумот беришдан иборат.

5-9 синфларда чет тил материалларини ўргатиш таълимига дидактик ўйинлар тадбиқи, шу асосда ўқитиш тамойиллари ва методларини ўзаро алоқадорлигини таъминлашнинг назарий асосларини аниқлаш ҳамда ушбу алоқадорликни ўқув жараёнига қўллашга йўналтирилган илмий - методик тавсиялар ишлаб чиқиш, бундан ташқари педагогик технологияларга оид турли илмий адабиётларни кўриб чиқиш, ўрганиш ҳозирги кунда бир қанча ривожланган давлатларнинг таълим тизимидаги самарали ўқитиш методларидан хабардор бўлиб, улардан намуналар олиш ва улар асосида

француз тилини ўргатиш таълимига мос интерфаол услубларни тавсия этиш ва керак бўлса уларни машғулотларда кенг қўллаш.

Ишнинг олдига қўйилган мақсадга эришиш йўлида қуйидаги вазифалар бажарилади:

Битирув малакавий иш мавзусига доир илмий - методик, педагогик, дидактик манбаларни ўрганилади, тахлил қилинади.

Ўрганилаётган мавзу долзарб педагогик муаммо эканлигини назарий жихатдан асосланади.

5-9 синфларда инглиз тилида ўқитишда илғор педагогик технологиялардан ва интерфаол усуллардан фойдаланишнинг долзарблиги ва ахамияти ҳақида маълумот берилади.

5-9 синфларда инглиз тилида ўқитишда интерфаол усуллар ва янги педагогик технологияларнинг турлари ҳамда уларнинг қўлланилиши ҳақида маълумот берилади.

Инглиз тили дарсларида 5-9 синф ўқувчиларининг билиш фаоллигини оширишга қаратилган методик тажриба ишлари жараёни ва натижалари **тадқиқот объекти** сифатида танланди.

Тадқиқот предмети. Инглиз тили дарсларида 5-9 синф ўқувчиларининг билиш фаоллигини ошириш мақсадида уларнинг нутқий кўникма ва малакаларини шакллантиришдан иборат.

Ишининг илмий янглиги. 5-9 синфларда инглиз тилида ўқитишни ўргатиш таълими унда инновацион педагогик технологияларнинг тадбиқ этилишига оид илмий - методик тавсиялар билан бойитилди. Тадқиқот мавзусига доир ўқув материалларини лойихалашнинг методик ва дидактик асослари такомиллаштирилди.

Тадқиқот мавзусига оид муайян мавзулар бўйича технологик ва тизимли ёндашув асосида тайёрланган дарс ишланмалари лойихалари ўқув материалларини ўзлаштириш самарадорлигини ошишига ёрдам берди.

Тадқиқот мавзусига оид ишланмалардан, шунингдек, илғор педагогик технологиялар асосида лойихаланган ўқув материалларидан 5-9 синфларда

чет тилини ўргатишда муайян мавзулар бўйича дарсларни ташкил этиш жараёнида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти. Илмий - тадқиқот ишимиздан инглиз тили ўқитувчилари услубий қўлланма сифатида фойдаланишлари мумкин. Хозирги кунда содир бўлаётган инновацион жараёнларда таълим тизими олдидаги муаммоларни ҳал этиш учун янги ахборотни ўзлаштириш ва ўзлаштирган билимларини ўзлари томонидан баҳолашга қодир, зарур қарорлар қабул қилувчи мустақил ва эркин фикрлайдиган шахслар керак. Шунинг учун ҳам, таълим муассасаларининг ўқув – тарбиявий жараёнида замонавий ўргатиш услублари – интерфаол услублар, инновацион технологияларнинг ўрни ва аҳамияти бекиёсдир.

Педагогик технология ва уларнинг таълимда қўлланишига оид билимлар, тажриба ўқувчиларни билимли ва етук малакага эга бўлишларини таъминлайди.

Бугунги кунда таълим жараёнида интерфаол услублар, инновацион педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланиб, таълимнинг самарадорлигини кўтаришга бўлган қизиқш, эътибор кундан – кунга кучайиб бормоқда. Замонавий технологиялар қўлланиладиган машғулотлар ўқувчилар эгаллаган билимларини ўзлари қидириб топишларига, мустақил ўрганиб, таҳлил қилишларига, ҳатто ҳулосаларни ҳам ўзлари келтириб чиқаришларига қаратилган. Ўқувчиларнинг билиш фаоллигини оширишда инглиз тилига оид қоидаларни назарий жиҳатдан асослаш билан бирга амалий топшириқлар, мустақил ишлар, мусобақалар, дидактик ўйинлар ва стратегиялар сингари қизиқарли усуллар кенг қўламда қўлланди. Ўқитувчи бу жараёнида шахс ва жамоанинг ривожланиши, шаклланиши, билим олиши ва тарбияланишига шароит яратди, шу билан бир қаторда, бошқарувчилик вазифасини бажаради. Бундай ўқув жараёнида ўқувчи асосий фигурага айланади.

Тажриба босқичида 5-9 синф ўқувчиларининг инглизча оғзаки нутқларини ўстириш, уларга пухта билим бериш, мустақил фикрлаш, матн

устида ишлаш кўникма ва малакаларини шакллантириш учун зарур бўладиган илмий-текшириш методлари аниқланди тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари юзасидан илмий тажриба-синов ишлари ўтказилди.

Тажрибавий-умумлаштирувчи босқичда ўқувчиларнинг билиш фаоллигини оширишда замонавий методик усулларнинг самарадорлик даражаси аниқланди;кутилган ҳамда эришилган ижобий натижалар билан таққосланди ва умумлаштирилди;олинган натижаларга қараб илмий хулосалар чиқарилди.

Тадқиқот методлари.Илмий тадқиқотда педагогика психология ва ўқув предметлари хусусий методикаларида ижобий деб тан олинган методларнинг тадқиқот мақсади ва вазифаларига мос келувчи жиҳатларидан фойдаланилди.Умумий илмий методларга системали таҳлил асосида ёндашилди.Тажрибадан муваффақиятли ўтган методик тавсия ва турли ўқув-методик қўлланмалар ва назарий манбалардан танқидий-ижодий фойдаланилди.Таълим-тарбия жараёнини кузатиш соҳавий адабиётларни ўрганиш ва таҳлил қилиш, сўровлар ўтказиш ва тажриба-синов методлари билан бир қаторда замонавий математик статистика методидан ҳам кенг фойдаланилди.

Тадқиқотда махсус педагогик методлардан замонавий педагогик ва ахборот технологиялари ютуқларидан,кузатиш, тажриба оғзаки ва ёзма сўровлар инглиз тилида ўқитиш бўйича мавжуд ўқув дастурлари, ўқув методик қўлланмалар ҳамда ўқитиш соҳасининг тавсия ва хулосаларидан мавзу доирасида фойдаланилди.

Ишнинг мазмуни. Битирув малакавий ишимиз кириш, 3 боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Битирув малакавий ишнинг 1 бобида ҳозирги кунда таълим тизимида қўйиладиган талаблар ҳамда етук малакали кадрлар тайёрлаш давлат сиёсатида кўтарилганлигининг назарий асослари ёритилган,5-9 синфларда хорижий тилларни ўқитишнинг мақсади, вазифалари, инглиз тилида

ўқитишни ўргатиш мазмуни ҳамда аҳамияти тўғрисида маълумотлар беришга ҳаракат қилинди.

2 бобда эса илғор педагогик технологияларнинг умумий тавсифи, уларнинг таълим тизимидаги аҳамияти ва роли ва уларнинг таълим тизимида тадбиқ қилишнинг дидактик асослари ҳамда унинг таркибига кирувчи ўқитишнинг интерфаол услублари ҳақида тушунчалар берилган.

5-9 синфларда хорижий тилларни ўргатишда интерфаол услубларнинг қўлланилиши, замонавий педагогик технологиялардан фойдаланишнинг афзалликлари, интерфаол усуллар ва янги педагогик технологиялар турлари, уларнинг қўлланилиши, тўғрисида тўлиқ маълумотлар беришга ҳаракат қилинди.

Чет тилларни ўргатишда таълим жараёнига илғор педагогик технологиялардан фойдаланиш йўллари, воситалари, афзалликлари илмий асосланган ва ёритиб берилган. Янги технологиялар таркибига кирувчи дидактик ўйинларнинг моҳияти кенг ёритилган ва улардан намуналар берилган.

1БОБ Умумий таълим мактаблари 5-9 синфларида инглиз тилида

ўқитишнинг илмий назарий асослари

1.1.Умумий таълим мактаблари 5-9 синфларида инглиз тилини

ўргатишнинг методологик асослари;

Дунёда интеграциялашув жараёни жадал суръатларда давом этаётган бугунги кунда, табиийки, чет тилларни мукамал биладиган мутахассисларга эҳтиёж тобора ортиб борапти. Мамлакатимизда таълим тизимидаги ислохотлар самарадорлигини янада оширишда “Таълим тўғрисида”ги ҳамда “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” конунлари доирасида амалга оширилган чора-тадбирлар муҳим аҳамият касб этаётир. Ушбу ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар асосида таълим олаётган ёшлар бугун нафақат юртимиз, балки халқаро миқёсда ҳам қатор ютуқларни қўлга киритишмоқда. Бунинг асосий ва энг муҳим омили юртимизда чет тилларни ўрганишга қаратилаётган эътибордир. Президентимизнинг “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий меъроси, унинг замонавий цивилизация ривожигаги роли ва аҳамияти” мавзусидаги халаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқида: “Илгари хорижлик меҳмонларга экзотика намуналарини кўрсатардик. Бугун эса уларга болаларимиз қандай ўқиётгани, уларга қандай замонавий шароитларда билим бераётганимизни, қандай авлод вояга етаётганини кўринг, деймиз. Яна шуни таъкидламоқчиманки, ушбу коллежларда тахсил олаётган ёшларимиз икки-уч мутахассисликка эга бўлиш билан бирга, хорижий тилларни, аксарият ҳолларда инглиз тилини ўрганмода”, дея таъкидланган.

Тил одамларинг бир – бирлари била муомилада бўлиши учун ёрдам берадиган энг муҳим восита ҳисобланади. Одамлар тил воситасида ўз фикрларини, хис – туйғуларини ифодалайдилар. Инсоният жамиятнинг шаклланишида тилнинг роли беқиёсдир. Тил пайдо бўлгандан жамият тез ривожлана бошлаган. Тилсиз жамият, жамиятсиз тил бўлиши мумкин эмас, шунинг учун тил ижтимоий ходиса ҳисобланади, яъни тил яқка одамга эмас,

балки бутун жамиятга дахлдор бўлиб, шу жамият аъзолари ёрдамида шаклланиб, ривожланиб боради.

Чет тилининг ўргатишнинг барча асосий компонентлари (ўқитиш мақсади, метод ва воситалари, ўқув фан мазмуни) бир-бирлари билан чамбарчас боғлиқ. Чет тилига ўргатишнинг мақсади муомила асосларини яратишга, ўз фикрини эркин баён қилишга ва шунингдек оддий коммуникатив вазиятларда суҳбат олиб бориш малакаларидан иборат. Шундан келиб чиққан ҳолда биринчи навбат таълим мазмуни ва унинг таркибини кенгайтириш ва чуқурлаштириш, хусусан бу мазмунга нафақат билим, кўникма ва малака, балки умуминсоний маданиятини ташкил қилувчи ижодий фаолият тажрибаси, теварак атрофга нисбатан муносабатларини ҳам киритиш масаласи катта аҳамият касб этади. Таълим жараёни нутқ фаолиятининг тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш ва ёзишлардан иборат кўникмаларини шакллантиришга бўйсундирилган бўлади.

Умумий таълим мактаблари 5-9 синфларида инглиз тилида ўқитишни ўргатиш ўз хусусиятига эга бўлиб, махсус ўқитиш методикасини қўллашни тақозо этади. Ўқитиш методикаси яхлит тизим бўлиб, таълим шароити, мақсади, мазмуни, методи, воситаси каби таркибий қисмлардан иборатдир.

Маълумки, ҳар қандай мақсад эҳтиёж туфайли пайдо бўлади. Мақсад – таълимда умумий йўналиш бўлиб, муайян вазифани ҳал этиш режасидир. Чет тил ўқитишда амалий, умумтаълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадлар эътироф этилган.

Инглиз тилида ўқитишни ўргатишдан мақсад – ўрганилаётган тилдан фикр алмашиш воситаси сифатида фойдаланиш малакаларини шакллантириш, ўқувчиларни билиш фаолиятини ошириш, уларда нутқий ва касбий малакаларни ҳосил қилишдан иборатдир. Барча кўзланган мақсадлар бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиб, таълим жараёнида бир-бирини тақозо этади.

*Амалий мақсад*нинг маъносини унинг номидан фахмлаш мумкин: ўрганилаётган тилдан ўқувчи фаолиятида фойдаланиш назарда тутилади.

Тилни амалий мақсадда ўрганиш атамасига чет тил ўқитиш методикасида турли таъриф ва тавсифлар берилган бўлишига қарамасдан, ўқитувчилар орасида тилни амалий мақсадда эгаллаш деганда, оғзаки нутқ ёки гапириш фаолиятини тушуниш каби хато фикрлар ҳам мавжуддир. Бундай тушуниш нотўғри талқинлардан бири ҳисобланиб, ахборот бериш/олиш нафақат, озаки нутқ (гапириш, тинглаб тушуниш)да, балки ёзма нутқ (ўқиш, ёзув) орқали амалга оширилишини таъкидлаш ўринлидир.

Чет тил ўқитиш методикасида амалий мақсад юзасидан мавжуд талқинларда методист олимларнинг фикри бир хил эмас, яъни улар амалий мақсадни турли шароитда турлича талқин қиладилар.

Бир гуруҳ чет тил ўқитиш методистлари амалий мақсад атамасини ихтисос талаби ёки тил ўрганувчи қизишига қараб, кейинчалик мукамалроқ ўрганиб олишга имкон берувчи тилни касбий даражага етарли бўлмаган ҳолатда эгаллаш маъносида қабул қилишган. Айни чоғда чет тилни нокасбий даражада билиш, нутқ фаолиятининг асосий турларини ўрганиш, яна бир нуқтаи назарга кўра, нутқ фаолиятининг барча турларини билиш ёки чет тилда оғзаки ва ёзма мулоқот юритиш кабилар амалий мақсад доирасида муҳокама қилиб келинади.

Яна бир гуруҳ методист-олимлар чет тилда оғзаки ва ёзма шаклда фикр баён этиш ҳамда ўзгалар фикрини тушунишни амалий мақсад деб эътироф этишган. Ушбу тушунчага тили ўрганилаётган халқ маданиятини ўргатиш деб қаровчилар ҳам мавжуд.

Замонавий концепцияга кўра амалий мақсад ўқувчиларга коммуникатив (нутқий мулоқот), лингвистик (тилга оид билимлар), мамлакатшунослик (тили ўрганилаётган мамлакат)га оид ва лингвокултурологик (тили ўрганилаётган халқлар маданияти) маълумотларни эгаллашни таъминловчи нутқий малакаларни шакллантиришни тақозо этади. Инглиз тили дастурида эса амалий мақсад сифатида ўқувчиларни қуйидагиларни билиши зарур деб топилган:

1. Танланган мутахассислик бўйича соҳавий, ижтимоий-сиёсий ва илмий-

оммабоп адабиётларни ўқиб тушуниш. 2. Дастур талаби доирасида инглиз тилида озаки ва ёзма мулоқот қила билиш.

Ўқувчиларга инглиз тили ўргатишдан кўзда тутилган якуний амалий мақсад эса – ўқиш, оғзаки нутқ (гапириш ва тинглаб тушуниш) ва ёзув каби нутқий кўникма ҳамда малакаларни шакллантиришдан иборатдир. Қисқаси, инглиз тилини амалий мақсадда ўрганиш ушбу тил ёрдамида керакли ахборотни олиш ва бошқаларга етказиш маъносини билдиради. Ўзлаштирилган ахборот ўқувчиларни билим савиясини ошириш, уларни тарбиялаш ҳамда ривожлантириш учун хизмат қилади.

Амалий мақсад инглиз тилида мулоқот орқали таълим, тарбия ва ўқувчи шахсини ривожлантиришда асос ҳамда шароит вазифасини ўтайди. Ўқувчи таълим якунида ўрганган инглиз тилидаги нутқни идрок этиб (тинглаб ёки ўқиб) тушуниш ва ушбу тилда фикр баён эта олиш (гапириш ва ёзиш) имкониятига эга бўлади.

Мазкур вазифалар ушбу ўқув юрти ўқув режасига киритилган барча фанлар улушини қўшади. Инглиз тилидан кўзланадиган умумтаълимий мақсад ҳақида фикр баён этишдан, аввал, мазкур мақсаднинг дидактикадаги талқини тўғрисидаги баъзи фикр ва мулоҳазалар ҳақида тўхталиб ўтиш жоиз.

Таълим билиш фаолиятнинг тури сифатида таълимшуносликда қуйидагича талқин этилади:

- а) ўқувчиларда муайян билим, кўникма ва малакаларни хосил қилиш;
- б) уларда муайян фикр, дунёқараш, ва эътиқодларни шакллантириш;
- в) ўқувчиларни муайян даражада ўқимишли, тарбияли, маданиятли, баркамол инсон бўлиб етишишларига эришиш;
- г) уларнинг муайян касбга оид қобилиятларини ривожлантиришдан иборатдир.

Чет тил предметининг *умумтаълимий маққсади* бўйича бир талай тадқиқотларда қимматли фикрлар баён этилган. Ўқувчилар инглиз тилини умумтаълимий мақсадда ўрганар эканлар, улар икки турдаги

- 1) тил ҳақидаги янги билим ва маълумотларни,

2) тил воситасида олинадиган хаётий ва касбий ахборотларни ўзлаштирадилар. (Бўтаев Ш.Т. Инглиз тили.-Т.,2001.)

Биринчи тур тилга оид маълумотларни ўзлаштиришга мўлжалланиб, улар инглиз тили материали (лексика, грамматика ва талаффуз)ни изохлашга доир қоида, тушунча кабиларни ташкил этади. Инглиз тили ўрганиш жараёнида қўлланадиган бирликлар, янги ходисалар ўқувчилар учун қизиқарли бўлиб, уларнинг тил тажрибасини бойитади.

Иккинчи турдаги маълумотлар хаётий ва касбий ахборотлар инглизча матнларда ўз аксини топади. Улар *Ўқувчи теварак-атрофи, Ватанимиз Ўзбекистон* (Geographical position of Uzbekistan, Independence of Uzbekistan, History of Uzbekistan, Administrative subdivision of the Republic of Uzbekistan va h.k.), *Тили ўрганилаётган мамлакат(лар)* (Great Britain, Political system of the USA, Parliament of Great Britain, Holidays of the USA and Great Britain, etc.) ва мактаб йўналишидаги сохавий матнларда берилишини кузатишимиз мумкин. Юқоридаги матнларни ўқиш, биринчидан, ўқувчиларнинг умумий билимларини мазкур мамлакатлар маданияти, санъати, тарихи, адабиёти, урф-одатлари, анъаналари каби янги маълумотлар билан бойитса, иккинчидан, инглиз тилида мутахассислик бўйича сохавий матнларни ўқиш ўқувчиларни ихтисослик билимларини янада бойитишга ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади.

Инглиз тилида умумтаълимий мақсад тилни амалий эгаллаш чоғида рўёбга чиқади. Амалий билиш тарбия бериш учун ҳам асосий йўл саналади.

Тарбия кишилик жамияти ибтидосида пайдо бўлган ва башарият манфаатлари учун хизмат қилиб келаётган ижтимоий ходисадир. Шу билан бирга, тарбия авлодлар орасидаги алоқани таъминловчи восита ҳамдир. Хар бир даврнинг ўзига хос тарбиявий усул ва воситалари мавжуд бўлган.

Қадим замонларда тарбияга кекса авлод тажрибаларини ўзлаштириш шаклларида бири сифатида қараб келинган. Тарбия асосан меҳнат фаолияти (овчилик, чорвалик, дехқончилик ва шунга ўхшаш) жараёнларида, турли урф-одат билан боғлиқ маросимлар ўтказиш орқали амалга оширилган. Ўша

даврдда жисмонан бақувват, кучли кишиларни тарбиялаш кўзда тутилган. Ижтимоий тузум ва ишлаб чиқариш муносабатларининг ўзгариши ва тараққиёти тарбия жараёнини такомиллашиб боришига ҳам таъсир ўтказди.

Тарбия – шахсни мақсадга мувофиқ такомиллаштириш учун уюштирилган педагогик жараён бўлиб, ўқувчи шахсига мунтазам ва системали таъсир этиш имкониятини беради.

Тадқиқотларда тарбиянинг қуйидаги тамойиллари эътироф этилган:

- 1) тарбиянинг муайян мақсадга қаратилганлиги;
- 2) тарбиянинг инсонпарварлик ва демократик тамойили;
- 3) тарбияни ҳаёт ва меҳнат билан боғлиқлиги;
- 4) тарбияда миллий-маданий ва умуминсоний қадриятларни устуворлиги;
- 5) тарбияда ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиш;
- 6) тарбиянинг изчиллик, тизимлилиги;
- 7) тарбиявий таъсирларнинг бирлиги ҳамда узлуксизлиги ва ҳ.к.

Тарбиядан кўзланган асосий мақсад – ҳар томонлама ривожланган, ақлий ва ахлоқий жihatдан баркамол инсонни шакллантиришдан иборатдир. Мустақиллик йилларида шаклланаётган янгича дунёқараш ёшларда Ватанга садоқат, миллий қадрият ва анъаналарга муҳаббат, атрофдагиларга меҳрибонлик, танлаган йўли, касби, маслаги ҳамда эътиқодига содиқлик туйғуларини шакллантиришни назарда тутди. Ҳозирги куннинг асосий мақсади – ҳар томонлама ривожланган, комил инсонни тарбиялаш ўрта махсус, касб-хунар таълими концепциясида ҳам алоҳида таъкидлаб ўтилгандир. Тарбиявий мақсадга эришишга инглиз тили ҳам муносиб ҳисса қўшади.

Тарбиявий мақсад инглиз тили предметининг тарбиявий аҳамияти билан ифодаланади. Ўқувчилар инглиз тилидан билим, кўникма ва малакаларга эга бўлиб бориш баробарида уларда меҳнатга муҳаббат, меҳнат аҳлига ҳурмат, Она Ватан ифтихори, дўстлик, ўртоқлик туйғулари камол

топади, шу билан бирга, ахлоқий, эстетик, байналмилал тарбия беришни кўзда тутди.

Комил инсон – ватанпарвар, халқпарвар, маънавий бой, ахлоқан покиза, бағри кенг, эгулик, яхшиликни, меҳнатсеварлик, ҳалоллик ва шарқона андишани қалбига жо қилган, ўз тарихи, миллий қадриятларини билувчи, эъзозловчи шахсдир. Шунингдек, у жаҳон сивилизациясидаги энг илғор фан ютуқларидан боҳабар, жаҳон маданиятидаги умумбашарий ғоялар билан қуролланган замонавий инсондир. Бундай инсонни тарбиялашда инглиз тили муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу мақсад чет тил материалида асосан икки йўл билан рўёбга чиқарилади. Биринчидан, тил ўрганувчининг таълим жараёнида бевосита тарбияланиши кузатилади (шу тилда саломлашиш, хайрлашиш, теварак-атрофга муносабат билдириш), иккинчидан, тингладиган, айтиладиган, ўқилладиган ва ёзилладиган инглиз тили материали мазмунида шундай тарбиявий жиҳатлар мавжудки, улар ўқувчини маърифатга етаклайди, унинг маънавий эҳтиёжини қондиради.

Маълумки, умумий таълим мактаби инглиз тили таълимида ижтимоий-маиший, бадий, сиёсий, маданий, ўқув-таълимий ва соҳавий мавзуларга оид матнлар ўқиш учун берилади ҳамда улардан олинладиган маълумотлар ўқувчи тарбиясига бевосита дахлдор ва фойдали бўлиши талаб этилади.

Ўқувчилар Ватанимизнинг машҳур кишилари (Outstanding people of Uzbekistan: Амир Темур, Кожаманой Яссавий, Баҳоуддин Насрқанд, Алишер Навоий ва б.), давлатимиз рамзлари, тарихий обидалари, маданияти, санъати, тарихи, урф-одат ва анъаналарини ўзида акс эттирган инглиз тилидаги матнлар (Symbols of Uzbekistan: National anthem, flag, state emblem of Uzbekistan, Famous cities of Uzbekistan: Samarkand, Bukhara, Khiva, Tashkent ва б.)ни ўқиши уларда Она Ватан ифтихори, ўз юрти ва аجدодлари билан фахрланиш туйғуларини камол топишига кўмаклашади.

Бундан ташқари, инглиз тилини ўқитишда тарбиявий мақсад тили ўрганилаётган халқлар нутқий муомала маданияти, ахлоқи, турмуш тарзи кабиларни ўрганиш орқали ҳам амалга оширилади.

Инглиз тили таълими орқали ўқувчиларни тарбиялаш:

а) дарсда;

б) дарсдан ташқари ишлар жараёнида (турли тадбирлар, кечалар ўтказиш орқали) олиб борилади.

Ўқитиш методикасида яна бир – *касбий (профессионал) мақсад* ҳам мавжудки, у ихтисослик берувчи ўқув юртларида амалга оширилади. Бугунги кунда мазкур мақсад тадқиқотчилар томонидан турлича талқин этилмоқда. Бизнингча, бу масалани ёритишда, аввало, “ихтисослик”, “касб” ва “касбий йўналтирилганлик” тушунчаларига мухтасар изох бериш лозимдек кўринади.

Ихтисослик (мутахассислик) деганда, муайян соҳада, масалан, инглиз тили мутахассислиги соҳасида махсус назарий билим, кўникма ва малакага эга бўлиш тушунилади. Касб тушунчаси сифатида эса муайян фаолиятда инглиз тилидан амалиётда фойдаланиш назарда тутилади. Чет тил мутахассислари фақат ушбу соҳага оид олий ўқув юртларида тайёрланади. Бундай ўқув юртларида талабалар инглиз тилидан ихтисосликни эгаллаш учун мазкур тил бўйича муайян назарий ва амалий фанларни ўрганишларига тўғри келади. Ўқувчиларни инглиз тилида мутахассисликка оид соҳавий матнларни ўқиши ўқувчиларни умумдастурий билимларини бойитади, жумладан, касбга оид соҳавий атамаларни пухта ўзлаштиришларига ижобий таъсир кўрсатади. Демак, инглиз тили талабаларнинг муайян касбий соҳага оид малакаларини шаклланишига кўмаклашади.

Таълимни касбий йўналтиришнинг моҳияти шахснинг касбий хислатларини таркиб топтириш, бўлажак мутахассислик малакаларини ҳосил қилишга қулай шароит яратиб беришдан иборатдир. Бу, албатта, касбий мақсад доирасига киради.

Умумий таълим мактаблари 5-9 синф ўқувчилар таълим-тарбиясига муносиб эътибор берилиб, юқоридаги мақсадларга эришиш орқали бўлажак

кичик мутахассисларнинг шахси ва касбий малакалари шаклланади, демакки, ривожлантирувчи мақсадга эришилади.

Ривожлантирувчи мақсад инглиз тилида ўқитишни ўргатиш жараёнида ўқувчилар дунёқарашининг кенгайиб бориши билан белгиланади. Инглиз тилини ўрганиш ўқувчилар мантикий тафаккури фикрлаш, фахмлаш, тахлил, умумлаштиришни ўстиради, мустақил ишлаш қобилиятларини ривожлантиради. Ривожлантирувчи мақсад тил материалларини тахлил қилиш, умумлаштириш, хулосалар чиқариш, сўзлар маъносини мустақил фахмлаш малакаларини ўстиришда намоён бўлади. Демакки, инглиз тили ўқитишда ўқувчилар савиясини қуйидан юқорига кўтариш, ақлий жихатдан раванқ топтириш, мазмунан юксалтириш, ақлан янада улғайишини таъминлаш ушбу мақсаднинг рўёбга чиқишидан кўзланадиган биринчи вазифадир. Иккинчи вазифа, инглиз тили ўрганишда ўқувчиларнинг ҳис-туйғуларини камол топтириш, ташқи таъсирни сезгилар ва анализаторлар ёрдамида идрок этиб тушунишни раванқ топтиришни назарда тутати. Учинчидан, ривожлантирувчи мақсад фаолият кўрсатиш, таълим олишга бўлган ички туртки (мотивация)ни кучайтиришни тақозо этади.

Ривожлантирувчи мақсад нутқий амаллар орқали рўёбга чиқади. Умумтаълимий мақсаддан унинг фарқи шундаки, олинадиган маълумот ёки ахборот мазмунининг амалиётга татбиқи ва уни олиш малакалари ривожлантирувчи мақсад доирасига киради.

Инглиз тили ўрганиш жараёнида фан олдига қўйилган мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб, ўқувчининг коммуникатив компетенцияси (лаёқати) шакллантирилади, яъни тилни нутқий мулоқот воситаси сифатида ўрганиш малакалари ҳосил қилинади. Нутқий компетенция лингвистик , ижтимоий-маданий (social and cultural knowledge), нутқий кўникма ва малакаларга оид билимлардан ташкил топади.

Лингвистик билимлар лисоний қоидаларни билиш, лексик, грамматик, талаффуз ходисаларини яхлит тарзда эгаллаш оқибатида нутқий объект ўқиш

ва тинглаб тушуниш учун берилган матнлари)ни идрок этиб тушуниш ва нутқий хосила (гапириш ва ёзувни эркин ярата олиш кабиларни такозо этади.

Ижтимоий-маданий сохага оид билим коммуникатив фаолиятни юрита олиш малакаларини эгаллаш орқали миллий, маданий ўзига хослик, жумладан, маданиятлараро мулоқот ходисаларини билиш кабилардан ташкил топади.

Нутқий кўникма ва малакаларга оид билимларда ўқувчиларнинг тил билими, нутқий кўникма ва малакани ўзлаштириши назарда тутилади. Нутқий вазиятда тил воситаларини эркин қўллаш, тасвирлаш, хикоя қилиш, мулохаза юритиш, ўз фикрини баён қилиш, ўзгалар нутқини идрок этиб тушуниш, чет тилдаги матн мазмунини пайқай олиш кабиларни билиш талаб этилади.

Коммуникатив компетенция бўйича ўқувчилар қуйидаги амалий билимларга эга бўлишлари керак: тил материалини нутқий вазиятда қўллаш; тайёрланган ва тайёрланмаган якканутқ ва жуфтнутқда фикр юрита олиш; ўқиш турлари: танишув, ўрганув, кузатув ўқишни эгаллаш, аслиятдаги ва адаптация қилинган матнни ўқиб ахборот олиш кабилар.

Тадқиқотимизда эндиги билдириладиган фикрлар ўқитиш мақсадларининг ўзаро боғлиқлигига доир. Чет тил таълимшунослигида таълим ва тарбия бирлиги етакчи тамойиллардан биридир. Таълим ва тарбия жараёнида ўқувчининг онги шакллана боради, хис ва туйғулари ривожланади, ижтимоий ҳаёт учун зарур бўлган хулқий одатлар хосил бўлади.

Таълим ва тарбия бирлигини таъминлаш мазкур жараённи тўғри ташкил қилиш, турли ўқитиш методларидан унумли фойдаланишга кўп жихатдан боғлиқдир. Таълим ва тарбиянинг бирлигини таъминлаш учун айниқса:

а) баён қилинаётган ўқув материалларининг мазмуни илмий ва ғоявий жихатдан тўғри ташкил қилиниши;

б) ўрганиладиган мавзунинг таълимий ва тарбиявий моҳиятини очиб бериш учун мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланиш;

в) ўргатилаётган билимларни пухта ва мустахкам ўзлаштириш;

г) таълим жараёнида ўқувчиларнинг қизиқишларини орттириш, фаоллик ва ташаббускорлигини ошириш алоҳида аҳамият касб этади.

Буюк мутафаккир Абу Наср Форобий кўплаб хорижий тилларни мукаммал билган. У ушбу тилларда бемалол сўзлашган, ўқиган ва ижод қилган. Бундай имконият алломага буюк кашфиётлар қилиш, ўлмас асарлар ёзишга туртки берган. Сўз мулкининг султони хазрат Алишер Навоийнинг “Тил билган – эл билади”, деган хикматли сўзлари асрлар оша дунёдаги барча миллатларни ўзаро ахил-иноқликда, хамжихатликда яшашга даъват этиб келаётгандек, гўё. Дунё илм-фанига улкан хисса қўшган улуғ алломаларнинг қонлари бугун юртимизда камол топаётган ёш авлод томирларида оқмоқда. Улар шонли ўтмишдан ўрнатилган олиб, буюк келажак сари дадил одимламакдалар.

Айни пайтда юртимизда яратилган барча шарт-шароит фарзандларимизни улкан марраларга чорламоқда. Президентимиз Ислам Каримовнинг 2012-йил 12-декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан, 2013 – 2014-ўқув йилидан бошлаб умумтаълим мактабларининг биринчи синфларида ўйин тарзидаги машғулотлар ва озаки нутқ дарслари шаклида хорижий тилларни узлуксиз ўргатиш жорий этилди. Ёш авлодга хорижий тилларни ўқитишда кўшимча манбалардан самарали фойдаланиш, кўргазмали воситалар кўмагида ўқувчиларнинг хорижий тилга қизиқиш ва муносабатини янада юксалтириш, дарсларни интерфаол усулда олиб бориш, ўқувчиларни кўшимча машғулотларга жалб этиш ва бу жараёнда ноанъанавий услублардан кенг фойдаланиш яхши самара беради. (Каримов И.А. “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. 1997 йил.)

Хар бир таълим босқичида чет тилларни билиш даражасининг аниқ мезонларини назарда тутувчи янги таълим стандартларини тасдиқлаш, умумий ўрта таълим мактабларининг биринчи синфидан бошлаб чет тиллар

таълимини узлуксиз жорий этиш, барча таълим муассасалари учун ўқув дастурлари, режалари ва дарсликлар ишлаб чиқиш ёш авлоднинг таълим-тарбияси, уларнинг ёру истиқболини белгилайди. Мамлакатимизда умумий ўрта таълим мактабларининг 1 – 9-синф ўқувчилари учун янги давлат таълим стандартлари лойихаси ишлаб чиқилган. Биринчи синфларга мўлжалланган дарслик ҳамда ўқув-методик мажмуалар яратиш бўйича ҳам изланишлар олиб борилмода. 5–9 синфлар учун амалдаги ўқув дастурлари такомиллаштирилиб, дарсликлар ўрта махсус, касб-хунар таълими давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари билан узлуксизлиги ва узвийлиги таъминланган ҳолда қайта ишлаб чиқилмода. Ушбу адабиётларни ўқувчиларга бепул етказиш баробарида уларга электрон иловалар ҳам тақдим этиляпти. Энг муҳими, биринчи синфлар учун яратиладиган мажмуалардаги ўйин-машғулотларнинг болалар ёшига мослиги таъминланди. Бола хорижий тил оламига илк қадамни танишув, саломлашиш маданияти, ранглар ва кундалик сўзларни диалог шаклида ўрганишдан бошлайди. Мутахассисларнинг фикрича, 6-7 ёшда бола иккинчи тил ўрганишга физиологик жihatдан тайёр бўлади. Аммо бу даврда таълимий ўйинлар орқали мантиқий ва ижодий фикрлаш қобилиятини ўстириш, ҳаракатли материаллар ёрдамида айвон номлари, уй-рўзор буюмлари ва айрим кичик деталларни эслаб қолиш етарли. Унутмаслик керакки, чет тилини ўрганиш борасидаги дастлабки қадамданок болани ортиқча зўриқтириш акс натижа бериши ҳам мумкин. Хорижий тилларни ўрганишга қизиш бугун ҳар қачонгидан ҳам ортигани рост. Мустақиллик туфайли чет давлатлар билан мулоқот қилишга йўл очилди. Бугун умумий ўрта таълим, академик лицей, касб-хунар коллежлари ҳамда олий ўқув юртлари талабалари юртимизда яратилган шароитдан унумли фойдаланиб, хорижий тилларни ўрганишмода.

Мактаб ёшларни ҳар томонлама етук инсонлар қилиб тарбиялаш, уларга фан асосларидан чуқур билим бериш, уларда замонавий дунёқарашни шакллантириш ва кенгайтириш, уларни эстетик тарбиялаш ҳамда халқ хожалигининг турли соҳаларида меҳнат қилишга таёрлаш лозим. Чет тилини

ўқитиш методикаси шу соҳа бўйича мутахассисларни таёрлашда етакчидир.Методика фанининг ўз мақсадлари,мазмун,илмий текширув методлари,воситалари мавжуд.

Чет тили ўқитиш методикаси фани ўз олдига қуйидаги мақсадларни қўяди:

1.Бўлажак мутахассисларда чет тили ўқитиш методикасидан кенг назарий замин яратиш;

2.Ўқувчиларда таълимнинг тамойил,метод,воситаларини самарали ижодий қўллаш,малака-кўникмаларини ҳосил қилиш;

Чет тили ўқитиш методикаси,проф.Михаил Васильевич Ляховитский таърифлашича,таълимнинг мақсадлари,мазмун,воситалари,шунингдек,чет тил ёрдамида таълим-тарбия бериш усуллари тадқиқ этувчи фандир.Методика чет тил ўргатиш илми болиб,’’чет тил’’ни ўқув предмети сифатида белгилайди,муаллим ва ўқувчи фаолиятини ўрганади ва боша фанлар ютуқларини ўзлаштириш ва ўз қонуниятларини ишлаб чиқиш йўллари тадқиқ этади.

Чет тили ўқитиш назарияси дейилганда,чет тил ўргатишнинг амалий,умумтаълимий,тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадларига эришувни таъминловчи муаллим ва ўқувчи фаолиятининг мажмуи тушунилади.Метод термини ‘’таълим усуллари йиғиндиси’’ ва ‘’таълимнинг йўналиши’’ маъноларида қўлланилади.Биринчиси таълим назариясида ишлатилса,иккинчи маънода уни ўқитиш методикаси тарихига оид асарларда учратамиз.

Проф.Йефим Израилевич Пассов фикрича,метод ўқув жараёнида қўйилган мақсад сари йўналтирилган ва нутқ фаолияти турлари билан боғлиқ принциплар тизимисидир.Демак, принциплар методни шакллантиради.

Чет тилларни ўргатишни ташкил қилишнинг амалдаги тизимини таҳлил этиш шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кундаги ўқув дастурлар ва дарсликларни замон талабларига жавоб берадиган, инглиз тили дарсларини ноанъанавий услубларда ташкил қилиш ва унда илғор ахборот ва медия – технологиялардан фойдаланишни татбиқ қилиш зарурлигини кўрсатади.

Бу эса, Республикамизда таълимнинг барча узлуксиз босқичларида инглиз тили таълимига Умумевропа стандарти намуналари асосида янги таълим мухитини яратиш заруратини пайдо қилди. Жумладан, ушбу хужжатга асосан, умумий ўрта таълим мактаблари учун ишлаб чиқилган янги Давлат таълим стандартига биноан, узлуксиз таълим тизими учун хорижий тилларга ўргатишнинг қуйидаги янги шакли жорий қилинди: унда битирувчиларга талаблар ҳар бир таълим турлари учун СЕФР (Common European framework of reference) (A1, A2, A2+, B1, B1+, B2, B2+, C1, C1+)нинг баҳолаш тизими кўзда тутилган.

Бугунги кунда умумий ўрта таълим мактабларида инглиз тилини ўқитиш жараёнига энг самарали методик ёндашув муҳимдир. Чунки таълим соҳасида ислохотларнинг зарурлиги жамиятнинг ижтимоий – иқтисодий талаблари билан боғлиқ равишда келиб чиқмода. Мамлакатимиздаги ижтимоий, итисодий ва сиёсий ўзгаришлар таълимнинг умумжаҳон тизимига интеграция бўлиши чет тиллар таълими тизимини модернизациялаш вазифасининг янада долзарблигини намоён қилади. Таълим босқичларидаги самарадорликни ошириш билан бир қаторда, ўқувчининг инглиз тилида ўқиш, ёзиш, тинглаб тушуниш ва гапириш малакаларини мустаҳкам эгаллаш муҳимдир. Бундай концепция таълимда компетентли ёндашув асосида амалга оширилади. (Ҳошимов Ў., Ёқубов И. Инглиз тили ўқитиш методикаси. - Т.: Шарқ 2003.)

1.2. Умумий таълим мактаблари 5-9 синфларида инглиз тилини ўргатишнинг дидактик шарт-шароитлари

Инсоннинг фаолиятида ўқитиш ҳар доим жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган. Таълим тасодифий, интуитив хусусиятга эга бўлганда ҳам ва асосан тасодифан ахборотларни бериш ҳамда тақлид қилишдан иборат бўлганда ҳам шундай бўлган; кейинчалик ҳам, таълим мақсадга мувофиқ мунтазам ва режалаштирилган жараёнга айланганда, мактаб пайдо бўлганида ҳам шундай бўлган. Бироқ узоқ вақт давомида таълимни назарий таҳлил қилиш ва ўрганиш ишлари олиб борилмади, шунинг учун ўз назариясига эга бўлмади. Фақатгина XVIII аср бу соҳада муҳим ўзгаришлар олиб келди: айнан ўша пайтда таълим алоҳида ном олди ва тарихда биринчи дидактик фаолиятнинг илмий асосланган тизимига асос солинди. Дидактика (таълим назарияси: юнонча «дидактикос» “ўргатувчи, «дидаско» эса – “ўрганувчи маъносини билдиради) таълимнинг назарий жихатлари (таълим жараёнининг моҳияти, тамойиллари, қонуниятлари, ўқитувчи ва ўқувчи фаолияти мазмуни, таълим мақсади, шакл, метод, воситалари, натижаси, таълим жараёнини такомиллаштириш йўллари ва хоказо муаммолар)ни ўрганувчи фан. Бу сўз 1613 йили Германияда немис педагоги Волфганг Ратке (1571-1635 йиллар) томонидан киритилди. Бу тушунчани шунга ўхшаш усулда буюк чех педагоги Ян Амос Коменский (1592-1670 йиллар) “Буюк дидактика” номи машҳур асарида тилга олади. Лекин Коменский “дидактика” бу фақат таълимгина эмас, балки тарбиялаш ҳам, деб таъкидлайди. Мазкур асарда олим таълим назариясининг муҳим масалалари: таълим мазмуни, таълимнинг кўргазмалилиги, кетма-кетлиги каби тамойиллари, синф-дарс тизими борасида сўз юритади. Дидактиканинг предмети, функциялари ва вазифаси. Педагогика фани таълим ва тарбия жараёнини уларнинг яхлитлиги ва бирлиги асосида ўрганади. Икки фаолиятнинг ҳар бирининг моҳиятини аниқ баён этиш учун дидактика (таълим назарияси) ва тарбия назариясини ажратиб кўрсатадилар. Хозирги даврда дидактика ўқитишнинг мазмуни, методлари ва ташкилий шакллари илмий асослаб берувчи педагогика

соҳаси сифатида тушунилади. Умумий дидактикадан ташқари хусусий дидактикалар ёки алоҳида фанлар бўйича таълим методикаси деб аталувчи дидактикалар ҳам мавжуд. Уларнинг мазмуни таълимнинг маълум босқичларида у ёки бу фанларни ўрганиш ва таълим беришнинг назарий асосларини белгилайди. Хар бир ўқитувчи дидактика асосларини пухта билиши ва уларга таянган ҳолда фаолиятни ташкил этиши зарур.

Дидактика предметини аниқлаш бўйича турли қарашлар илгари сурилган. Қарашларнинг турлича бўлиши дидактиканинг методологик категорияларини аниқ ажратилмаганлиги билан боғлиқ. Кўпчилик олимлар таълим объект деб ўқитиш жараёнининг мақсади, мазмуни, қонуниятлари, методлари ва тамойилларини кўрсатадилар. Дидактика таълимни ижтимоий тажрибани бериш воситаси сифатида эътироф этади. Таълим ёрдамида ёшларни қатъга тайёрлаш амалга оширилади. Таълимий фаолиятини ташкил этишда ўқитувчи - ўқувчи, ўқувчи – ўқув материалы, ўқувчи - бошқа ўқувчилар ўртасидаги муносабатлар юзага келади.

Дидактиканинг предмети таълим тарбия муассаси шароитида муаллимнинг раҳбарлиги остида амалга ошадиган Ўқув жараёнидир. Дидактикада ана шу жараённинг қонуниятлари тадқиқ қилинади, хар хил типдаги таълим тарбия муассасаларида у ёки бу даражада бериладиган таълим мазмунини белгилашнинг илмий асослари ўқитиш воситалари ва методларининг саморадорлигини ошириш йўллари ҳамда таълимнинг ташкилий шакллари ишлаб чиқилади. Дидактика педагогиканинг таълим ва ўқитиш назариясини ишлаб чиқадиган тармоғидир. Яқин ва Урта Шарқда Хоразмий, Киндий, Форобий, Ибн Сино, Умар Хайём каби мутаффакирлар илмий дидактика асосчиларидир. Швецариялик педагог И.П.Пестолотцси, немис педагоги А.Дистверглар Европада дидактиканинг ривожланишига хисса қўшдилар. Юқорида айтиб ўтилган Шарқ мутаффакирлари қарашларининг муҳим хусусияти шундаки, мазкур олимлар доимо предметнинг қиёфаси инсон онгида мавҳумлашуви жараёнига, мана шу предметнинг моҳияти ва ўзига хослигини тушуниш содир бўлиши ҳамда шаклланишига эътибор

берганлар. Улар билишнинг предмети ва манбаларига, билиш жараёни қандай босқичлардан таркиб топишига, билиш фаолияти билан амалий фаолият ўртасидаги муносабатларга қизиққанлар.

Хоразмий шахснинг узлуксиз камол топиш назариясини ривожлантириш борасида муҳим хизмат қилди, индуктив ва дедуктив таффакурдаги алоҳидалик ҳамда умумийликнинг бирлиги принципини муайянлаштирди. Киндий субстанцияни барча илмий билимларнинг предмети сифатида кўриб чиқишда энг аввало миқдор ва сифатни хиссий идрок этиш зарурлигини тасдиқлади. Кимки миқдор ва сифатни билмас, у субстанцияни билишдан ҳам махрумлигини уқтирди. Олим ўзининг дидактик ғояларида хиссий ва рационал бўшлиқни ифодалади. Хиссий билиш ва нарсаларни билишдан иборат бўлса, рационал билиш умумий нарсаларни билиш эканини таъкидлади. Унинг фикрича хиссий билиш фақат ақл учун материал беради. Форобий ўқитиш методларининг таснифини ишлаб чиққан. Уларни амалий ва назарий методларга ажратган, шу тариқа ўқитишнинг амалий йўналиши ва кишиларнинг ҳаёти ҳамда кундалик фаолияти билан болиқлиги ғояларини олға сурган. Олим ўқитишнинг тажриба-курсатмали, индуктив ва дедуктив, амалий методларига алоҳида эътибор берган. Барча методларни ўқувчининг ҳаётий тажрибасига, мантикий тафаккурига таянган ҳолда бирлашган. Форобий математика фани мисоллари асосида ўқитишнинг илмийлик, курсатмалилик, тушунарлилик ва изчиллик принципларини ишлаб чиққан. Билиш жараёнининг ва фандаги билим шакллари моҳиятини ёритган. Борлиқнинг акс этилиши сифатидаги хиссий билиш муаммоси ва энг асосий масала-билишнинг манбалари доимо Беруний назарий билиш фаолиятининг диққат марказида турди. Олим билишнинг назарий асосини чексиз ва узлуксиз жараён сифатида таҳлил ҳамда талқин қилди. Ўқиш ва такрорлаш орқали, -деб езган.

Беруний, -дунёнинг тузилишини, осмоннинг ва ер шакллари билиш астрономия фани учун ғоятда фойдалидир.

Ибн Синонинг билим орқали эришиладиган натижалари хақидаги таълимоти ўқитиш назариясида алоҳида ўринни эгаллади. Унинг фикрича, буюмларни чинакам билишга ташқи куринишини тахлил қилиш сабабларини аниқлаш асосида ақл билан эришилади. Ибн Сино ақлнинг ривожланиш босқичларини ишлаб чиққан. Мушоҳада билан идрок қилишнинг биринчи босқичи ақлий категорияларни тушунтиришдир. Иккинчи босқич икки хил фикрни идрок этишдир. Ривожланишнинг учинчи босқичига ўзлаштирилган фикрларни идрок этиш билан эришилади. Шунда уни хақиқий ақл дейилади.

Абдулла Авлоний (1878-1934) ўзининг барча тадқиқотларида илм муаммосини биринчи ўринга қўйган. «Алхосил-деб ёзган эди у, -бутун ҳаётимиз, саломатлигимиз, саодатимиз, сарватимиз, маишатимиз, ҳимматимиз, ғайратимиз, дунё ва охиратимиз илм билан боғлиқдир. Шунинг учун ўқимоқ, билмак замонларини қўлдан бермай вужудимизнинг душмани бўлган жаҳолатдан қутулмакка, жонимиз бориға шукур қилмоғимиз лозимдур.»

Ҳамза ўз тадқиқотларида товушли савод ўрганиши методини ишлаб чиққан. Унинг бош ғояси ўқитиш ва тарбиялашга комплекс ёндашиш, ёшларнинг ақлий, ахлоқий ва эстетик тарбиясини ўзаро боғлиқ ҳолда амалга оширишдан иборат эди.

Дидактика тушунчасини Ян Амос Коменский (1592-1670) ҳам ана шу йўсинда шархлаган. Унинг бу борадаги фикр мулоҳазалари 1657 йилда нашр этилган. Ҳаммага ҳамма нарсани ўқитишнинг универсал санъати ифодаланган. "Буюк дидактик" номли асарида баён қилинган. Лекин Коменский дидактика фақат ўқитиш санъатигина эмас, балки тарбиялаш санъатидан ҳам иборатлигини қайд қилган ва тарбия ҳар тамонлама ахлоқийлик йўналишдаги феъл атвори шакллантиришнинг зарур шарти эканини ҳам уқтирган. Дидактикани юқоридагича тушуниш XX аср бошигача, яъни таниқли немец педагоги ва файласуфи Логанн. Генрих Гербарт (1776-1841) дидактиканинг асосий назариясини ишлаб чиққунигача давом этган.

Дидактиканинг асосий категориялари ўқитиш назарияси билимлар, маълумотлар ва фактларнинг катта захирасига эга, уларнинг бир қисми тизимлаштирилган, тартибга солинган. Ўқитиш жараёнинг структуравий компонентлари-мақсадли рағбатлантириш-мотивлаштириш, мазмуний, ҳаракат -фаолият ўқитишнинг шакл ва методларининг ажратилиши алоҳида аҳамият касб этади. Мана шу компонентларнинг ажратилгани ўқитувчи билан ўувчиларнинг биргаликдаги фаолияти қонуниятларининг табиатини чуқурро тушуниш имконини беради. Педагогик ечимларни танлаш назарияси ишлаб чиқишнинг методологик асоси ўқитиш жараёнинг мавжуд барча қонуниятлари ҳисобга олиш фикри билан мунтазам алоқада бўлади. Педагогик ва психологик шарт шароитларни аниқлаш асосида ўқитишнинг оптималлиги мезонларининг асослари таркиб топтирилган ва уларнинг энг аҳамиятлилари қуйидагилардан иборат:

- ўқитиш оптимал бўлиш учун ҳар бир ўқувчи ўзининг ўқиш имкониятларига мувофиқ даражада ўзлаштиришлари тарбияланиши ва камол топиши шарт:
- ўқитиш оптимал бўлиши учун ўқувчилар, ўқитувчилар дарсдаги ва уйдаги ишлар вақтининг ўзлари учун гигиеник жихатдан белгиланган нормасига эга бўлиши керак.

Режалаштиришнинг олптималлаштиришнинг асосий йўллари ўқитишнинг вазифаларини тўлим бериш, тарбиялаш ва камол топтириш билан биргаликда лойихалашга комплекс ёндашиш ҳамда ўқитиш вазифаларини у омалга ошадиган тизимнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда муайянлаштиришдир. Ишни режалаштиришда қуйидаги режалардан фойдаланилади. Ўқитиш мазмунининг қуйилган вазифаларини энг муваффақиятли ҳал қилишни таъминлайдиган оптимал вариантини танлаш. Ўқитишнинг қуйилган вазифаларини белгиланган ватқ ичида муваффақиятли ҳал этишни таъминлайдиган методлари ва воситаларини танлаш,масалаларни муваффақиятли ҳал этишни, шу жумладан ўқувчиларга табақали ёндашишини таъминлайдиган ташкилий шакллари танлаш.

Таълим мазмунида жамиятнинг маънавий ва моддий элементлар шу жумладан табиат жамият ва инсон ҳақидаги билимлар, ижодий фаолият тажрибаси, инсоннинг муносабатлари, бошқариш фаолияти хулқи ва ҳаёти ифодаланиши лозим. Таълимнинг мазмуни умумий политехник ва касбкорлик компонентларининг бирлигини акс эттириши керак. Таълимнинг мазмуни муайян ишга қаратилади ва жамиятнинг ривожланиш даражасидан келиб чиқади. Таълимнинг мазмунидаги ажратилган тўрт компонент ҳажми ва мазмуни бўйича айнан мувофиқ бўлиши керак. Мактаб ривожланишнинг ҳозирги босқичида таълимнинг компьютерлаштириш масаласи ғоят муҳим аҳамият касб этади. Таълим назариясидан муаммоли камол топтирувчи ўқитишни жорий этиш, шунингдек ўқув жараёнини табақалаштириш ва индивидуаллаштириш йўллари излаш бўйича фаол ишлар олиб борилмода.

Муаммоли камол топтирувчи ўқитишнинг назарияда ишлаб чиқилган асосий ғояларини қуйидагича таърифлаш мумкин. Таълимий билишни илмий билишга мувофиқ моделлаштириш ғояси, яъни муаммоли вазиятни вужудга келтириш гипотезани олға суриш –гипотезани асослаш ,гипотезани ҳал қилиш, уни тасдиқлаш ёки рад этишдек зарур звеноларни ўз ичига олган муаммоли ўқитиш. Ўқувчиларнинг ижодий имкониятлари ва қобилиятларини ривожлантириш, уларда тадқиқотчилик йўсиндаги кўникма ва малакаларни ўстириш ғояси. Муаммоли ўқитиш назариясида қатор қонуниятлар ифодаланди ва эксперимент йўли билан асосландики, улардан муаммоли дарс ўтиш билан муаммоли ўргатишнинг бирлиги ва бир-бирини тақозо этиши, ўқувчиларнинг тайёрлиги даражаси билан муаммоли ўргатиш даражасининг мувофиқлиги каби қонуниятларни ажратиш мумкин. Ишлаб чиқилган фаоллик назарияси ўқув жараёнида билимларни ўзлаштириш, уларни қайта ишлаш ва қўллашнинг муаммоли ва репродуктив усулларини ўрганиш бўйича ташкил этиладиган ўзини-ўзи бошқариладиган фаолликдан иборатдир. Мазкур қонуниятлар асосида амалий жихатдан муҳим аҳамиятга молик қуйидаги назарий қоидаларни ифодалаш мумкин: Фаоллаштириш воситалари тизими, таълимнинг мазмуни, ўқитишнинг шакл ва методлари

Ўқитишнинг асосланган, мақсадга мувофиқ ўз-ўзини бошқарадиган жараён сифатида ташкил қилишни таъминлаш учун улар қуйидаги талабларга жавоб бериши керак.

-таълимнинг ҳамма босқичларида ўқувчиларда ўқитишнинг ички мотивларини кузатиш ва ривожлантириш;

-ўқувчиларни ўз олдиларига тегишли мақсадларини қўйиш ва келгусидаги фаолиятларини режалаштиришга рағбатлантириш механизминини такомиллаштириш;

-ўқувчиларда ахборотларни қайта ишлашга доир таълимий ва ақлий кўникмаларнинг шаклланишини таъминлаш;

-ўқувчиларнинг ўқув-билиш мақсадларига эришиш учун жисмоний ва ахлоқий, ифодавий кучларини ошириш;

-таълим жараёнида назорат ва ўзини-ўзи бошқариш орқали ўқувчилар ўзининг ўқув билиш фаолиятини баҳолашини таъминлаш.

Шу қойдаларга риоя қилиш таълим саморадорлигини янада оширади. Хар қандай жараён- ҳаракатдир, моддий дунёдаги нарсалар ёки ходисаларнинг аста-секин ўзгаришидир. Ўқитиш жараёни ҳам ёш авлодда ақлий кучларни ривожлантиришга ва ахлоқий сифатларни шакллантиришга қаратилган ҳаракатдир..

Биз ўқитиш жараёнини қандай тушунамиз. Ўқитиш жараёни-ўқитувчининг ва у раҳбарлик қиладиган ўқувчиларнинг-уларда ақлий қобилиятларни ўстириш, диалектик дунё қараш асосларини таркиб топтириш ва ҳаётига таёргарликни амалга ошириш мақсадида-билим, кўникма ва малакалар тизимини онгли ҳамда пухта ўзлаштиришга қаратилган илмий асосдаги ишларнинг мажмуидир.

Мактабдаги ўқитиш жараёни қандайдир тасодифий айниқса педагогнинг хусусий фикридан келиб чиқадиган нарса эмас. Ўқитиш жараёни билиш назарияси асосида таркиб топади ва жамиятнинг ривожланиш қонуниятларидан келиб чиқадиган талабларни акс эттиради. Ҳозирги илғор педагогика инсон шахсини мақсадга мувофиқ

шакллантиришга тарбия, ўзини-ўзи тарбиялаш ва ижтимоий тажрибадан иборат тизим сифатида қарайди. Ўқув жараёнидаги тарбия асосан ўқитиш шаклида, ўзини-ўзи тарбиялаш ва ижтимоий тажрибанинг бирлиги шаклида намоён бўлади. Шунга кўра ўқув жараёнига таълим (педагог фаолияти), ўқиш (ўқувчининг мустақил иши) ва маълумотнинг мазмунини кичик тизимлардан иборат ижтимоий педагогик тизим сифатида қаралади. Ўқитиш ўқув жараёнининг профессионал томонини ташкил қилади.

Инсон шахс сифатида шаклланишининг икки тамонлама табиати, шунингдек ички структураси йўл йўриқ кўрсатиш ва ўқувчилар ўқув билиш топшириқларини мустақил ҳолда бажаришдан иборат ҳаракатдир. Бунинг йўл йўриқ кўрсатиш жихати муаллим ўқувчига ўқув материали бўйича ўргатадиган нарсалар ва улар устида ишлаш методлари билан изоҳланади. Ўқувчилар ана шу асосда ўзларининг маълумот мазмунини ўзлаштиришга доир фаолиятларини ташкил қиладилар.

Шундай қилиб, ўқув жараёнининг моҳияти ўқувчи билиш фаолиятининг мантиқи бўлиб, у биринчидан билиш биздаги билимларнинг ягона манбаи бўлиши амалиётини ўрганишдан бошланиши ва маҳкум фикрлаш асосида назарий умумлаштириш кереалигидан, иккинчидан билиш олинган билимларни, назарий умумлаштиришларни инсондаги билимлар ҳақиқатлигининг ягона объектив мезонлари сифатида ҳам хизмат қиладиган амалиётга таққослаш зарурлигидан келиб чиқади. Ўқув жараёни билиш жараёнини инсон фаолияти сифатида психологик-педагогик жихатдан лойихалашга асосланиши ва олинган билимларни амалиётда қўллашни албатта ўз ичига олиши зарур. Ўқув жараёни асосида умуман бутун жараёнга таълуқли ва барча ўқув фанларига тақаладиган маълум талаблар ҳамда принциплар мавжуд бўлади. Бугунги дидактика ана шулардан энг муҳимлари.

Тарбияловчи таълим принципи. Илмийлик принципи назария билан амалётнинг боғланиши принциpidан иборатдир. Таълимнинг методлари ва ташкилий шаллари асосида ўқувчиларнинг онгли фаоллиги, кўрсатмалилик,

билимлари асосли ўзлаштириш, ўзига хос фарқлари тушунарлилиги ва ҳисобга олиниши принциплари ётади. Ўқитувчи фаолиятининг муваффаияти аввало у таълимнинг мазмуни, методлари ва ташкилий шаклларида умумий дидактик принципларни қанчалик тўғри амалга оширишга боғлиқ.

Педагогик адабиётларда улардан қайси бири дидактика учун асосий ҳисобланиши кераклиги борасида ҳам турли фикрлар келтирилади ҳамда ўқувчининг ўқув материалига бўлган муносабати, яъни, билимларни ўрганиш муносабатини асосий деб этироф этувчи қарашлар сони нисбатан кўп.

Дарҳақиқат, ўқиш, ўрганиш таълим жараёнининг ажралмас хусусиятидир. Таълимга психология нуқтаи назаридан ёндашилса, ушбу муносабатнинг устуворлигига шубҳа қолмайди. Бироқ, таълимга педагогик, яъни, ижтимоий тажрибани бериш, ўргатиш нуқтаи назаридан қаралса фаолият учун асосий саналувчи муносабат – икки шахс (ўқувчи ва ўқитувчи) ўртасидаги муносабатлар етакчи ўрин эгаллаши лозим эканлиги англанади. Дидактика предметини моҳиятини очишга хизмат қилувчи яна бир қараш таълим-тарбия жараёнини яхлит ўрганиш зарурлигини илгари суради. Таълимнинг тарбиявий вазифалари ўқувчининг билимни ўзлаштиришларини таъминлабгина қолмай, шахс хусусияти, унинг ривожланиши, маълум маънавий-ахлоий сифатларни ўзлаштириши, феъл-атвори, ҳуққини тарбиялаш учун зарур шарт-шароитни яратишдан иборат. (Ж.Ж.Жалолов Инглиз тили.9-синф.-Т.:Ўқитувчи.1998)

Дидактикага таълимнинг мазмунли ва жараёнли жихатларини биргаликда ўрганиш хосдир. Амалиётни қайта ташкил этиш ва такомиллаштириш масалаларини назарда тутган ҳолда дидактика таълимни фақатгина ўрганиш объекти сифатидагина эмас, балки илмий асосланган лойихалаштириш объекти сифатида қарайди. Умумий дидактиканинг предмети дарс ўтиш (ўқитувчи фаолияти) ва билим олиш (ўқувчининг ўрганиш фаолияти)нинг ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлиги исобланади. Дидактиканинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- таълим жараёнлари ва уларни амалга ошириш шартларини таърифлаш ва тушунтириш;
- таълим жараёнини янада мукаммал ташкил этиш, яъни, таълим тизимлари ва технологияларини ишлаб чиқиш;
- таълим жараёни учун хос бўлган умумий қонуниятларни аниқлаш, омилларини таҳлил қилиш ва таърифлаш. Дидактика назарий ва бир вақтнинг ўзида меъёрий-амалий фан.

Дидактиканинг илмий назарий вазифаси таълимнинг мавжуд жараёнларини ўрганиш, унинг турли жихатлари ўртасидаги боғлиқликлар, уларнинг моҳиятини очиқ бериш, ривожланиш тенденциялари ва келажагини аниқлашдан иборатдир. Ўзлаштирилган назарий билимлар таълим амалиётини йўналтириш, таълимни жамият томонидан қўйилаётган ижтимоий талабларга мувофиқ такомиллаштиришга имкон беради. Таълим мазмунини англаб олиш, таълим тамойиллари, таълим метод ва воситаларини қўллаш меъёрларини аниқлаш асосида дидактика амалий-меъёрий ҳамда ташкилий-технологик вазифани бажаради. (Жалолов Ж.Ж.Инглиз тили.-Т.:Ўқитувчи,1998)

Таълим жараёнининг моҳияти ва вазифаси. Инсонни тарбиялашда,инсон шахсини камол топтириш ва шакллантиришда ўқитиш ва таълим бериш катта роль ўйнайди. Таълим бериш кишилиқ жамиятида унинг илк ривожланиш босқичларида пайдо бўлди.Болалар катта ёшдагиларга тақлид қилиб,уларнинг иш-харакатини,мехнат қуролларини яшаш ва ишлатиш жараёнларини такрорлашлар, уларнинг хулқ-атворларидан андоза олишар, сўзлашув терминларини ва уларнинг маъносини эслаб олишарди.Катта ёшдаги одамларга тақлид қилишиб,ўса борган сари болалар табиат қонунларини билиб олади, ўз билимларини чуқурлаштиради ва янада оширади.

Билимлар-одамларнинг ижтимоий-тарихий амалиёт жараёнида тўплаган умумлашган тажрибасидир. Таълим жараёнида ўқувчилар инсоният ижтимоий-тарихий тажрибасининг муайян жиқатлари идеологиясини,

сиёсатини, фанни, ахлоқни, меҳнатни, адабиёт ва санъатни, умумий ва жисмоний маданиятни ўзлаштиради. Ҳозирги пайтда таълим шахснинг ҳар томонлама уйғун ривожланиши учун негиз яратади.

Таълим-диалектик тарзда тараққий этиб борадиган ички зиддиятли жараёндир. Унда ҳамиша бир томон ва унинг қарама-қаршиси бўлган ўқиш ва ўқитиш, эскилик ва янгилик, яққа ва умумий нарсалар мавжуд. Таълим жараёни икки томонлама бўлиб, унда икки шахс-ўқитувчи ва ўқувчи бўлади. Улар муайян жараёнгагина хос бўлган маълум муносабатда бўладилар. Ўқитувчи билан ўқувчи бир-бирига мутлақо зид ролларни-ўқитиш ва ўқиш ролларини бажарадилар. Таълим бериш ўқувчиларга билимлар бериш, уларда кўникмалар ва малакалар ҳосил қилиш, янги ҳақиқатларни оча олишга қодир бўлган ижодий, мантикий тафаккур тарбиялашдир.

Инглиз тилини ўзлаштириш дидактик нуқтаи назардан бошқа бир фанни ўзлаштириш билан бир ҳодиса эмас. У ёки бу фанни ўзлаштириш жараёнида дидактик асарнинг асосий вазифаси билимни киши онгига сингдиришдир. Шу мақсадда бу билимни талқин қилишга қаратилган дидактик матнлар яратилади, уларни ўзлаштиришнинг мукамаллигини таъминлайдиган, тезлигини оширадиган турли машқлар яратилади, семинар машғулотларни таъминлайдиган турли ўйин, савол-жавоблар уюштирилади ва хоказо. Инглиз тилини ўзлаштириш эса икки йўналишда фаолият кўрсатиш зарурлигини тақозо қилади. Биринчи йўналишда инглиз тилни ўргатаётганимизда ўқувчи онгига шу тил структураси ҳақидаги билимни сингдириш керак бўлади. Иккинчи йўналишда эса инглиз тили нутқ фаолиятида иштирок этиш кўникма ва малакаларини шакллантириш кўзда тутилади.

Демак, инглиз тилини ўзлаштиришга қаратилган ҳар бир дидактик тадбир, билим беришга мўлжалланган машқлардан ташқари инглиз тилида нутқий кўникма ва малакаларини ҳосил қилувчи машқларни ҳам ўз ичига олади.

Замонавий технологияларни ўқитиш жараёнида ишлатилиши ўқитувчи назорати остида ўтказиладиган ва “актив” билимни ўзлаштиришга қаратилган дарсхонадаги икки соатни “пассив” билимни ўзлаштирилишига мўлжалланган 4-6 соат мустқайл иш билан тўлдирилишига имконият яратади. Шунинг ҳисобига ўқитиш жараёни жадаллаштирилади, ўқувчиларда эса адабиёт билан мустақил ишлаш кўникма ва малакалари ҳосил бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги қонунлари академик лицейлар ва касб-хунар коллежларида янги педагогик технологияларнинг киритилиши режалаштирилганлигини инобатга олиб ушбу ўқув дастури яратилди. Мазкур дастурдан кузатиладиган мақсад академик лицей ва касб-хунар коллежларида инглиз тили ўқитишни такомиллаштириш, жадаллаштириш ва яратиладиган инглиз тили дарсликлари учун асосий услубий манба хизматини ўтишдир.

Бундай технологиялар таълим тизимида ўз аксини топиши чет тили ўқитиш савиясини ўстиради. Чет тилида, жумладан, инглиз тилида мутахассис қилиш малакаларини шакллантиришга ёрдам беради

Таълим ва тарбияни келишиш ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги, узлуксиз таълим тизимида инглиз тилини ўзлаштирган мутахассислар тайёрлашда изчилликни таъминлаш бунда самарали шакллар ва усулларни, янги қўшимча матнлар ўқитиш технологияси методикасини жорий этиш ва шу каби бошқа илғор таълим услубларидан кенг фойдаланиш ижобий натижалар гаровидир. 5-9 синф ўқувчиларига инглиз тилини ўқитиш жараёнида қўшимча матнлар технологиясини қўллаш бўлажак мутахассисларни тил ўрганиш имкониятларини оширади. Бунда муқобиллик усулларида ҳам фойдаланиш мумкин, яъни бошқа давлатларнинг таълим тизимидаги муқобил услубларини қабул қилиш йўли билан ўқувчи, талабаларга бўлган талабни қондириш, башоратлашга юқорида қайд этилган барча ёндашувлардан турли комбинацияларда фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Чет тилида муносабатлар шартлари нутқ, қўшимча касбий матнлар ўрганишнинг кўплаб турларини билиш давр талаби эканлигини кўрсатиб беради. Бошқа тиллар мохиятини камситмаган холда, айниқса, инглиз тилида мулоқот қилишда, нутқини тушуниш мутолаа қилиш ва ёзиш, нутқий фаолият амалиётида, ихтисослик, мутахассислиги бўйича кенг тармоқли ва касбий адабиётларни ўқишда уларга тушунтириш аннотациялар, тезислар, шунингдек, ёзма ахборот алмашиш жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларининг аҳамияти яққол намоён бўлади ва аниқланади. Методист олимларимиз, таъкидлаганларидек, талабалар матн мазмунини образга кириб ифодалаш, матнда акс этган воқеликни, унда иштирок этаётган персонажлар фикрини баёнидан бошқа, ўз фикр-мулохазаларини ҳам суҳбат мавзусига қўшимча тариқасида баён этиши, ўқувчини луғат бойлигини ортишига инглиз тилида тўғри фикрлашга ёрдам беради. Бундай услубдан ўқув жараёнида тўғри фойдаланилса, ўзлаштириш бўйича ҳам, ўқитиш муддатлари бўйича ҳам, инглиз тилини мукамал ўрганишда ҳам ижобий натижаларга эришишга имкон яратилади.

Ўқув жараёнига йўналтирилган қўшимча матн дастурлари қўлланилиши инглиз тили ўқитиш масаласини муносиб равишда хал этишга яхши имкон берувчи методик ёндашувларнинг биридир. Бундай методика асосида ўқитишга ёндашувлар ҳозирги кунда миллий услубиятда кенг тарқалиб бормоқда.

Мана шу барча ёндашувлар соф кўринишда эмас, турли комбинацияларда фойдаланилган холда намоён бўлади. Инглиз тили ўқитишда бундай ёндашув эътибордан четда олиб кетмаслиги зарурлигини айтиб ўтиш муҳим, чунки бу каби ёндашув технологияси ҳисобига бошқа технологияларга қараганда, қатор ўқув масалаларини анча муваффақиятли хал этиш мумкиндир. Касб-хунар коллежларида инглиз тили дарсларида нутқни ривожлантириш учун компьютер техника воситалари, магнит дискларидан фойдаланган холда, турли дастурлар асосида ахборотни, матн мазмунини қабул қилиш осонлашади.

Қўшимча матн моҳиятидан келиб чиқиб, компьютер воситасида таълимий тил ўрганиш бўйича турли ўйин шаклида яратилган дастурлар воситасида тузилган композицияни ёзиб кўрсатиш ёки сўзлаб бериш таклиф этилиши, ёки олдиндан ажратиб олинган расмлар ёрдамида маълум вазиятни яратиш сўнгра ўша композицияни сўзлаб бериш кабилардан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, матннинг қисмлари ёки матндаги мазмун бўйича суҳбат ўтказиш нутқни ривожлантириш учун фойдалидир. Бунда ўқувчиларда олган билимларини амалда қўллашлари учун сўз бойликларини кенгайтириш, изланиш фаолиятида иштирок этиш имкониятлари яратилади.

Матбуот, даврий нашрлар, оммавий ахборот воситалари материалларидан фойдаланиб қўшимча матн мавзуларини тайёрлаш мумкин. Қизиқарли изланишлар ва илмий кашфиётлар ҳақидаги матнларни ўқувчилар қизиқиш билан ўрганадилар. Матнда тушунишга қийин бўлган қандайдир сўз бирлиги ёки иборалар бўлса, уларни ўқувчилар тушуниб олишларига ёрдам берадиган ва бир мунча соддалаштирилган шакллари кўзда тутиш лозим. Бундай ишлар натижасида ўқувчилар олган билимларини амалда қўллаш, ўз билим доираларини кенгайтириш ҳамда изланиш жараёнида қатнашиш учун уларда имконият пайдо бўлади. Энг қувонарли томони тил ўрганиш билан бир қаторда, талабаларда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, интернетнинг беқиёс имкониятларидан кенг фойдаланишга қизиқишлари ортади.

Инглиз тилига ўқитишда янги ғоялар, технологиялардан фойдаланилгандагина ривожланишга, тараққиётга эришиш мумкин бўлади. Машғулотлар жараёнида уларга амал қилинса, яхши самара бериши шубҳасиздир. Қўшимча матн ўқитиш технологиясидан фойдаланишдан мақсад, таълим олишда энг умумий ғоялар билан ўқувчиларни таништиришдан иборатдир. Бу технология шахсга йўналтирилган ёндашувни акс эттиради, ҳар бир ўқувчининг билим, малака ва кўникмаларни эгаллашларигина эмас, балки унинг ривожланиш индивидуал

хусусиятларини ҳисобга олгандагина унумли, ижобий натижаларга эришиш мумкин.

Ўқилган қўшимча матнни тушунганлигини текширишга мўлжалланган машқлар қуйидагича ифода этилиши мумкин:

Answer the questions on the text Tashkent.

Савол-жавоб машқларидан қўйилган матнни ўзлаштирилганини билиш учун, фойдаланилганда айрим саволларни соддалаштириш мумкин.

Қўшимча матн ўқитишда махсус хоналарда дарс олиб бориш, ҳақиқатда самарали бўлиши учун дарсда лингофон қурилмасидан фойдаланиб, ўқувчиларнинг мустақил ишлашларига шароит яратиш керак бўлади. Сўнгги пайтларда дарсда бундай услубдан фойдаланишга эътибор кучаймоқда. Сўнгги илғор методикаларга таяниб, инглиз тили дарсларида ўқувчиларнинг мустақил ишлари деб уларнинг нутқий кўникмаларини шакллантириш ва такомиллаштириш, берилган топшириқ билан ўқув жараёни услублари маълум тартибда нутқий малакаларини ривожлантиришга оид мустақил ишларни тушунамиз.

Шундай қилиб, чет тилини ўрганиш ҳозирги давр талаби экан, ўсиб келаётган ёш авлодга тил ўрганишнинг янги услубларини, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»га асосланган ҳолда ишлаб чиқиб, ўқиш жараёнига тавсия этиш олимлар, мутахассислар олдида турган долзарб масалалардан ҳисобланади. Истеъдодли ёшларимизнинг ўз қизиққан соҳаларида етук мутахассислар бўлишлари учун, авваламбор чет тилини жумладан, инглиз тилини мукаммал билишлари зарур.

Ўқитиш мазмуни жаҳонда эътироф этилган дидактик таълимотга биноан билим, кўникма ва малакаларни ўз ичига олади. Чет тилини амалий ўрганишда лингвистик назарий билимлар умуман баён этилмайди. Билим тил материаллини билиш ва уни ўзлаштиришда юз берадиган қийинчиликларни оддий сўзлар билан содда тилда тушунтириш, яъни хатоларнинг олдини олишга қаратилган кўрсатма маъносини билдиради.

Биринчи боб юзасидан хулоса

Тил инсон меҳнати фаолияти давомида ижтимоий ходиса тарзида шаклланиб, ривожланиб боради ва намоён бўлади, инсон салоҳиятининг ривожланиб боришида асосий омил вазифасини ўтайди.

Бошқа дунёвий билимлар катори, чет тили таълиминг ҳам ўзига хос мақсад ва вазифалари мавжуд. Мақсад шундан иборатки, ўқувчилар тил ҳақидаги билимларни шунчаки ўзлаштириб қўя қолмай унинг бутун гўзаллигини ҳис этиш, тил сезгирлиги таркиб топиши, француз тилидан нутқ вазиятига қўра ўринли ҳамда саводли фойдалана олиш малакларига эга бўлишлари лозим.

Олимларнинг таъкидлашича, ҳар бир инсон камолот сари интилади. Жамиятда яшаш учун инсондаги туғма неъматларнинг ўзи етарли эмас. У тарихий тараққиёт жараёнида инсоният томонидан бунёд этилган неъматлардан баҳраманд бўлиши ва улардан имкон қадар ўрганиши, ўзлаштириши керак. Инсон олдида аجدодлар томонидан асрлар давомида тўпланган беҳисоб моддий ва маънавий бойлик мавжуд. Йиллар ўтгани сайин аجدодлар ўрнини авлодлар эгаллайди, бироқ аجدодлар қолдирган бой маданий меърос авлоддан авлодга ўтиб, бойиб, ривожланиб, такомиллашиб боради. Тил ана шундай ноёб маданий меросдир.

Мазкур битирув малакавий иши кириш, асосий исм (Асосий қисм 2 бобдан иборат), хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг кириш қисмида мухтарам Президентимиз И.А.Каримовнинг «Юксак маънавият йенгилмас куч» асари (2008 йил) ва 2012 йил 10 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти қабул қилган "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўрисида"ги қарори мавзусида ва таълим соҳасини ривожлантиришга оид қилган барча маърузаларидаги билдирилган фикр ва мулоҳазалар ҳамда Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланишининг энг муҳим устувор йўналиши хусусида белгилаб берган вазифалари тўғрисида маълумот беришга ҳаракат қилдик. Мазкур қисмда мавзунинг долзарблиги, мақсади ва вазифалари хусусида фикр юритилади.

2БОБ. Умумий таълим мактаблари 5-9 синфларида инглиз тилида ўқитишни дидактик лойихалаштириш

2.1. Умумий таълим мактаблари 5-9 синфларида инглиз тилида ўқитишнинг илмий-назарий асослари

Ўқишнинг шахс тарбиясидаги ўрни бекиёс бўлиб, у том маънода маънавий-маърифий озуқа олиш йўлидаги нутқий фаолият, ҳаракат туридир. Рецептив нутқ фаолияти тури хисобланмиш ўқишни ўргатишдан инглиз тилида умумтаълимий мақсад кўзда тутилади. Ўқиш график коддаги ахборотни ундан бутунлай фарқ қиладиган товуш кодига ўтказиш жараёни, харфий белгиларда ифодаланган ёзма нутқий ахборотни идрок этиш ва унинг мазмунини тушуниш, ўзлаштиришга қаратилган нутқий фаолият туридир.

Ўқиш мотиви мулоқот қилиш, мақсад эса ахборот олишдир. Ўқишнинг инглиз тилидаги бундай мақоми ўқувчиларни унга нутқ фаолиятининг мустақил тури сифатида ёндашишга ундайди, унинг амалий аҳамиятини кучайтиради. Ўқишга нутқ фаолиятининг мустақил тури сифатида тўғри ёндашув унинг коммуникатив вазифасини аниқлашга ҳам ёрдам беради. Лекин халигача баъзи чет тил ўқитувчилари орасида тилни амалий эгаллаш тушунчасини оғзаки нутқни ўрганиш деб қабул қилиш одатлари мавжуддир, яъни оғзаки нутқ кўникма ва малакаларини шакллантиришни – тилни амалий мақсадда эгаллаш деган талқинлар учрамода. Бундай методик янглишиш инглиз тилида ўқишни амалиётдаги ролининг пасайишига оғзаки нутқни шакллантиришда восита сифатида арилишига олиб келмода. Вахоланки, ўқишни ўргатиш бўйича тил таълимшунослигида фундаментал илмий-тадқиқотлар олиб борилган ва уларда мазкур фаолиятнинг ўзига хос хусусиятлари, уни чет тил, шунингдек, ахборотни ўзлаштиришдаги ўрни методик жихатдан атрофлича таҳлил этиб берилган, қимматли фикрлар баён этилгандир (М. Уест, И. М. Берман, В. А. Бухбиндер, З. И. Кличникова, С. К. Фоломкина, Ж. Ж. Жалолов, Н. В. Баришникова, М. Л. Вайсбурд ва б.).

Инглиз тили ўқитиш методикасида ўқиш мақсад ва восита мақомларида ўргатилиши жорий дастурларда кўрсатиб ўтилган. Ўқишни

мақсад ва восита мақомларида ўргатилишини тўғри талқин этиш учун унинг таълимнинг айрим босқич ҳамда ташкилий қисмларда тутган ўрнига тўхталиш жоиздир.

Ўрта мактабнинг илк босқичида ўқиш бошқа нутқ фаолияти турларини шакллантиришда восита вазифасини бажаради. Бошланғич босқичда асосий эътибор овоз чиқариб ўқишга қаратилади, аста-секин ичда (овозсиз) ўқиш тури ҳам ўргатиб борилади. Ичда ўқишга кўпроқ вақт ва куч сарфланиши методик жиҳатдан мақсадга мувофиқдир. Овоз чиқариб ўқиш асосан ўрганилган тил бирликларини узоқ муддатли хотирада сақланиши учун фойдалидир.

5-9синфларда ўқишни ўргатиш тилни билиш/ўрганиш жараёни сифатида ташкил этилади, матн орқали ўқувчи билишга, ундан ўзи учун янги, фойдали маълумотлар олишга ҳаракат қилади. Ахборот олиш билиш фаолиятини ҳаракатлантирувчи восита эканлиги маълум. Ўқиш фаолиятининг натижаси эса билишга олиб келувчи восита ҳисобланади. Албатта, ўқилган матн ахборотини ўзлаштириб олиш учун ўқувчи инглиз тилида ўқиш малакаларини эгаллаган бўлиши талаб этилади. Ўқиш малакаси уч босқичли фаолият бўлиб, нутқ бирлигининг кўрув тимсоли, унинг нутқ ҳаракат тимсоли ва маъносидан ташкил топади. Учала кўникмани эгаллаш ўқиш малакасини ҳосил қилинганлигидан далолат беради.

Ўқишга нутқ фаолиятининг мустақил тури сифатида ёндашув унинг амалий-коммуникатив вазифасини аниқлашга ёрдам беради. Инглиз тили ўқув соатларининг чегараланганлиги, ўқув режасининг ўзига хослиги, тил табиий муҳитининг мавжуд эмаслиги, ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари ҳар қандай инглиз тилидаги матнни ўқишга имкон бермайди. Шунинг учун амалиётда мазкур соҳада лозим бўлган мақсад ва вазифаларни тўғри аниқлаб олиш зарурдир. Бу эса ўқиш фаолиятининг амалий жиҳатдан аҳамиятини кучайтиради. Тилни амалий мақсадда эгаллаш инглиз тили ўрганувчининг келажакдаги мутахассислик хусусияти, ўқув юртининг йўналиши ва унинг амалий фаолиятда ахборот олиш қобилиятига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Ахборот олиш масақдида ўқиш, аввало, амалий мақсад, иккинчидан, таълимий восита эканлиги назария ва амалиётда исботланган. Ўқишдан ахборот олиш мақсадида унинг танишув, ўрганув, кузатув турлари ўргатилади.

Танишув ўқиш матндан ўзи учун фойдали ва қизқиарли маълумотларни олиш ҳамда умумий мазмунини тушунишни назарда тутди. Ўқишнинг мазкур турида ахборотнинг 75 фоизигача тушунарли бўлиши лозим. Бундай матнларнинг ҳажми катта, тили равон бўлиши тавсия этилади. Танишув ўқишни назорат қилишга қўйиладиган топшириқлар қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- 1) матннинг асосий мазмунини баён этинг;
- 2) матннинг таянч сўзларини топинг;
- 3) муаллиф хулосалари учун асос бўлиб хизмат қиладиган фактларни санаб ўтинг;
- 4) матнда акс эттирилган ҳодисаларнинг қайсилари асосий, қайсилари иккинчи даражали эканлигини аниқланг ва .к.

Ўрганув ўқиш – матнни, жумладан, тилнинг ифодавий воситаларини ўрганиш, таҳлил қилишни назарда тутди. Ўқишнинг ушбу тури ўзлаштирилган ахборотни тўлиқ тушуниш ва кейинчилик уни айтадан тиклашни тақозо этади. Тушуниш юқори даражага етказилади. Матннинг қийинчилик туғдирган, тушунилмаган қисмларини такрор ўқиш мумкин. Ўрганув ўқиш аввал синфда, сўнгра уйда бажарилади. Тушунганликни текшириш усулларида бири сифатида таржимадан фойдаланилади. Одатда, матннинг қийинчилик туғдирадиган қисмларинигина таржима қилинади. Матннинг ҳажми унчалик катта бўлмаслиги тавсия этилади. Матн қамровидаги ахборот синчиклаб ўрганилади. Ўрганув ўқишда ўқувчи матн мазмуни бўйича ўз муносабатини билдириши, танқидий фикрлаши, изоҳлай олиши, ахборотларни қиёсий таҳлил қила олиши лозим.

Кузатув ўқиш – матн мазмуни ҳақида умумий тасаввур ҳосил қилишга қаратилган ўқиш туридир. Мазкур ўқишда ўқувчи кўпроқ сарлавха, кичик

сарлавхачалардан бошлаб, матнни тўлиқ ва тезликда ўқиб чиқиши талаб этилади. Кузатув ўқишда тил материалини таниш бўлиши, ўқувчи матндан муайян ахборот, рақамларни қидириши талаб этилади. Кузатув ўқиш матндан қўйилган саволга жавоб топиш, ўқиш жараёнида ўзлаштирилган ахборотни кейинчалик, албатта, ишлатилиши лозим эканлигини тушунилишига асосланган ўқиш туридир. Мазкур ўқиш турларидан инглиз тили таълимида қўшимча ва фойдали соҳавий ахборотлар олишда кенг фойдаланилади.

Инглиз тилини амалий мақсадда эгаллаш нафақат ундан келгусида касбий фаолиятда фойдаланиш, балки ўқувчининг умумий маданияти, тафаккурини ривожланиб боришига имкон яратади. Бунинг учун инглиз тили дарсларини самарадорлигини янада ошириш, ўқувчиларни тили ўрганилаётган мамлакатлар жуғрофияси, тарихи, иқтисоди ва сиёсий тузуми, адабиётидан ҳамда мутахассисликка оид соҳавий манбалардан мунтазам боҳабар этиб боришни тақозо этади. Юқоридаги вазифалар ҳам ўқишга ахборот олишда асосий восита сифатида қарашга ундайди.

9 синф ўқувчилари ихтисосликка оид илмий матнларни ўқишга эҳтиёж сезадилар. Бироқ, бундай матнларни ўқиш оддий сўзлашув ёки бадиий услубдаги матнларни ўқишга қараганда анча мураккабро кечади. Бунинг сабаби ихтисосликка оид матнларда расмий белгилар, соҳавий атамалар кўпроқ учрайди. Ўқувчи бундай матнларни ўқиганда номаълум сўз маъноси контекстга таянган ҳолда аниқлай олса, таянч сўзларга суянган ҳолда матн асосида берилган топшириқларга жавоб қайтара олади.

9 синф ўқувчилари ўз касбий соҳаларига оид матнларни ўқишни ўрганиб боришлари лозим. Чет тил ўқитиш методикасида ўқишга мўлжалланган матн мазмунига қуйидаги талаблар қўйилади:

- 1) матннинг тарбиявий ақамиятига эътибор берилади (чет тил ўргатиш масадларидан бири тарбиялашдир, жамият ахлоқ қоидаларини сингдириш, яъни маънавий тарбия беришга қаратилган матнлар танланади);
- 2) ўқувчиларнинг ҳаётий билимларини ошириш, яъни дунёқарашини бойитишга хизмат қиладиган матнлар сараланади. Бу ўқувчини билиш

фаолиятини ўстиришда муҳим шартлардандир. Ахборотга бой матнни ўқиш ўқувчида жозоба уйғатади. Чунки ўқувчи билишга ошиқади, билишга мойиллиги рағбатлантирилса, ушбу ўқув предметига унинг қизиқиши ошади;

3) ўқишга тавсия этилган матн илмий, яъни ундаги маълумотлар воқеаликни объектив акс эттирадиган бўлиши талаб этилади;

4) танланаётган матн ўқувчи ёшига мос тушиши лозим. Ўқувчи эҳтиёжини кондиритиш чет тилда нутқий фаолиятга ундашнинг муҳим чорасидир. Хуллас, матн мазмуни ўқувчининг маънавий савиясига мувофиқ бўлиши, билиш ва хиссий талабларига жавоб бериши керак.

Инглиз тилида ўқиш-нутқ фаолияти тури ҳисобланади. Ўқиш-кўз билан кўраётган харф, харф бирикмалари, сўзлар, гапларни овоз чиқариб, чиқармай ўқиш ва ўқиганнинг мазмунини тушуниш, ўқиб маълумот олишдир. Ўқиш ёзма нутқда берилган матндан маълумот олиш нутқ туридир. Ўқиш-таниш тил материаллари асосида нотаниш мазмунли матнни ўқиб маълумот олиш, мазмунини тушунишдир. Ўқиш алоқа (коммуникация) қилишнинг бир туридир. Ўқиш орқали ўқувчи, талаба инглиз тилида гаплашиладиган мамлакатлар тили, маданияти, ҳаёти, тарихи, урф-одати билан танишади. Ўқиш- маълумот олиш манбаидир.

Ўқиш кишиларнинг коммуникатив-ижтимоий фаолият соҳасига тааллуқли бўлиб, унда у ёзма шаклдаги сўз орқали муомалани таъминлайди. Кишиларнинг турмуш, таълим ва ишлаб чиқариш соҳаларидаги фаолиятларида ўқишдан кенг фойдаланилади. Ўқиш орқали маълумот олиш турли фаолиятларни амалга оширишга хизмат қилади. Ўқишда бошқа ҳар андай фаолиятдаги каби мазмун ва жараён режалари мавжуд бўлиб, биринчисига доимо катта аҳамият берилади. Фаолиятнинг предмет мазмунини ташкил қилувчилар ўқишнинг мазмун режаси саналади. Фаолият жараёнининг элементлари ўқишнинг жараён томони ҳисобланади.

Фаолият мазмунига, энг аввало унинг мақсадини, натижаларини киритадилар. Одатда ўқишда фаолият ана шу мақсадга эришишга қаратилган бўлади. Мазмун алоқаларини очиш-нутқ махсулотини, яъни ёзма шаклда

тақдим қилинган матнни тушуниш ўқишдаги ана шундай мақсадни ташкил қилади.(Ҳошимов Ў.,Ёқубов И.Инглиз тили ўқитиш методикаси-Т.:Шарқ методикаси 2003)

Ўқиш доимо тайёр ҳолдаги нутқ ахборотини идрок қилишга, маълумот олишга йўналган бўлади, шунинг учун уни нутқ фаолиятининг рецептив турига киритишади.Ўқишнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, унинг муваффақиятли амалга оширилганлиги ҳақидаги баҳо китобхоннинг олинган маълумотдан қониқиш ҳосил қилганлигида ўз ифодасини топади.

Ўқиш мураккаб рецептив ақлий фаолият ҳисобланиб, унинг жараён томони аналитик-синтетик характерга эгадир.Ўқиш орқали биз маълумот оламиз, билимимизни, дунёқарашимизни кенгайтирамыз, шунинг учун ўқиш нутқ фаолиятининг туридир.

Ҳозирги даврда методика ўқишни инглиз тилини ўқитиш усули, йўли деб қаралмай, уни тил материалларини ўзлаштиришга ёрдам берувчи, уни асосида матндан нутқни ривожлантириш учун қўлланиладиган материал манбаи, маълумот олиш манбаи деб қаралмода.Шу сабабдан ўқиётганда асосий диққат матн мазмунига қаратилади.

Дастурда ўқиш бўйича умумий талаблар ва ҳар бир синфлар, курслар учун талаблар белгиланиб берилади. Ўрта мактабда ўқишни ўргатиш ҳам мақсад, ҳам воситадир, яъни ўқиш чет тили ўргатишда ҳам мақсад, ҳам восита вазифасини бажаради.Инглиз тилида ўқиш кўникмасини эгаллаш ўрта мактабда, лицейда инглиз тили ўқитишдан қутилган амалий мақсадлардан бири ҳисобланади.

Агар ўрта мактабни битириб чиқувчиларнинг ўқиш кўникмаси мукамал бўлса, улар ўзлари эгаллаган ана шу кўникмадан амалий равишда мустақил фойдаланиш имконига эга бўладилар.Ўқишнинг етуқлик даражаси ҳар хил бўлиши мумкин, шунинг учун ўрта мактаб олдида ўқишнинг минимал ривожланиш даражасига эришиш вазифаси туради.

Ўқишнинг амалий мақсади ўқиб маълумот олишдир.Амалий мақсаддан ташқари ўқишни ўргатиш умумтаълим ва тарбиявий мақсадларини ҳам

назарда тутати. Булардан ташқари ўқишни ўргатиш ривожлантирувчи мақсадни ҳам амалга оширади. Ўқиш пайтида ўқувчи, талабанинг ўрганилаётган инглиз тили матни билан унинг кузатувчанлиги ривожланади ва уларнинг тил материали, матн мазмунини анализ ва синтез қилиш қобилиятлари такомиллашади.

Энди ўқишнинг восита сифатидаги вазифаси устида тўхталамиз. Ўқиш тил материалини эгаллаб олишда муҳим восита ҳисобланади. Шу нарсани алоҳида таъкидлаш керакки, матнларни ўқишни ўргатиш, луғатни бойитиш усулларида бири сифатида муҳим аҳамиятга эга. Ўқиш, гапириш кўникмасини шакллантиришда муҳим восита ҳисобланади. Ўқилган матнларнинг мазмуни бўйича савол-жавоб машқларини бажариш, ҳикоя қилиб бериш, суҳбат ва муҳокамалар қилиши кўп машқларга асос бўлади. Ўқиш орқали гапириш учун маълумот, материал тўпланади. Уларни инглиз тилида гапиришга тайёрлайди. Овоз чиқариб ўқиш эса тўғри талаффузга ўргатишда янги тил материалини тушунишда муҳим босқич саналади. Бундан ташқари овоз чиқариб ўқиш овоз чиқармай ўқишнинг йетук кўникмасини шакллантиришда ҳам муҳим восита ролини ўйнайди.

Демак, ўқиш, ўқитиш мақсади вазифасини бажаришдан ташқари, муҳим ўқитиш воситаси вазифасини ҳам ўтайди. (Golebiowska, A. *Getting Learners to Talk*. Hemel Hempstead: Prentice Hall International (UK) Ltd., 1990.)

Ўқишни ўргатиш, ривожлантириш ўрта мактабда 2 та босишда 5-6-7-8-9-синфларда олиб борилади. Дастур талаби бўйича 2 босқичда 5-6-синфларда ўқиш учун мазмуни нотаниш матнларнинг тил материаллари олдиндан ишлаб чиқилади, 2 босқичда 7-8-9-синфларда эса матнлардаги баъзи тил материалларни фахмлаб тушуниш учун қолдирилади ҳамда дастурда 9-синф ўқувчиларини матбуот матнларидан, яъни рўзнома, ойнома мақолаларини ўқиб, маълумот олишга ўргатишни талаб қилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрда “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги П-1875-сонли қарорида белгиланган вазифаларга кўра ўқувчиларнинг ўқиш

қобилиятларини ривожлантириш бугунги кунда 2-синфдан амалга оширилади.

Ўқувчи талабаларнинг ўқиш қобилиятларини ривожлантиришда ўқиш турларини фарқлай олиш ва шу асосда дарсларда замонавий педагогик технологияларни тадбиқ этиш ҳозирги кун талабига мос ва ҳосдир.

Турли типдаги ўқув юртларидаги мақсад, вазифаларни ҳисобга олиб, турлича ўқиш турлари ўтказилади. Методик адабиётларда чет тилидаги ўқиш турлари куйидаги мезонларга кўра фарқ қилинади: она тилининг иштирок этишига қараб таржимали ва таржимасиз ўқиш; анализ ва синтез элементларнинг нисбатига кўра - аналитик ва синтетик ўқиш; ўтказилиш жойига қараб синфда, аудиторияда, уйда ўқиш; мажбурийлик даражасига кўра, мажбурий ўқиш ва ёрдамчи ўқиш; тайёргарлик даражасига кўра, қисман тайёрланган, тўла тайёрланган ва тайёргарликсиз ўқиш, шу билан бирга мактабгача ва бошланғич синф ўқувчиларининг ўйинқароликларини, ақлий қобилиятларини, ўзлаштириш кўрсаткичларини ҳисобга олиб расмлардан ва жихозлардан фойдаланиб, ўқиш каби турлари борлиги айтиб ўтилади. Яна кўз югуртириб ўқиш, танишиш мақсадида ўқиш, таълимий ўқиш, изланиб ўқиш, синчиклаб ўқиш турлари ҳам мавжуд.

Умуман айрим манбаларнинг гувоҳлик беришича, фаолият натижасига кўра, 50 дан ошиқ ўқиш турлари бор. Масалан, кўз югуртириб ўқиш мақола ёки китоб мавзуси ҳақида тасаввур ҳосил қилишга йўналтирилгандир. Бу маълумотни олиш учун сарлавха ёки кичик сарлавхага қараш, айрим хатбоши ёки гапларни тез ўқиб чиқиш, яъни мақола ёки китобни кўриб чиқиш етарли ҳисобланади.

Танишиш мақсадида ўқишда эса китобхон китоб ёки мақоланинг аниқ мазмуни билан танишишга ҳаракат қилади. У бу пайтда ўз эътиборини асосий маълумотга қаратади. Шу боисдан бу ўқиш тури матн мазмунини умумий ҳолда тушуниб ўқиш деб ҳам юритилади. Танишиш мақсадида ўтказиладиган ўқиш тури тез маромда равон ўқиш тури саналади. Таълимий ўқиш тури ўтказилганда ўқувчи, талаба матндан ифодаланган маълумотни тўла, аниқ

тушунишга ва уни танқидий қабул қилишга интилади. Ўқувчи, талаба олинган маълумотдан кенгрок фойдаланиш кўзда тутилади. Шу сабабли талаба, ўқувчидан матн ёки мақолани батафсил билиши учун обдон ўқиб чиқиш, айрим жойларини эса қайта-қайта ўқиб чиқиш талаб қилинади.

Ҳозир ўрта мактабда учта ўқиш турлари мавжуд.

- Танишув ўқиш тури;
- Синчиклаб ўқиш тури;
- Кўз югуртириб ўқиш тури.

Танишув ўқиш тури учун тил материаллари жиқатдан таниш ва осон бўлган катта хажмдаги матнлар ўқиш учун олинади. Бу ўқиш тури орқали ўқиб, маълумот олишга ўргатишдан олдин ўқиш синфда, аудиторияда ўтказилади, кейин уйга кўчирилади. Дарсда эса тушунганлик даражаси текширилади. Ўқитувчи тушунишни осонлаштирадиган сўз, ибора, жумлаларни саралайди, тушунтиради, текшириш объектларини аниқлайди. Танишув ўқиш тури орқали энг кўп, 80-90% маълумот олишга эришилади. Ўқувчи матн мазмуни билан танишади. Бу ўқиш тури 6-7-8-9-синфларда овоз чиқармай ўқиш шакли орқали амалга оширилади. (Қодирова Ф. Р., Ходирова Р.М. Болалар нутқини ривожлантириш назарияси ва методикаси. Т., 2006.)

Синчиклаб ўқиш-ўқувчи, талаба матндаги қизитирадиган фикрни, маълумотни, далилни, топшириқни топиш мақсадида синчиклаб ўқийди. Далил, топшириқлар, вазифалар ўқитувчи томонидан олдиндан берилиши мумкин. Маълумот кўпроқ топшириқ, вазифа, далил ҳақида олинади. Матн бўйича умумий маълумот кам олинади. Ўқиш овоз чиқармай амалга оширилади, синфда ўтказилади, уйда ўқилиб, синфда текширилишлиги ҳам мумкин, у 7-8-9-синфларда ўтказилади. Матнлар мазмуни турлича бўлади. Иш бутун матнга кўз югуртириб чиқишдан бошланади. Кейин матн синчиклаб ўқилади. Тушунганликни текшириш машиқ сифатида энг кўп ҳолларда айрим қисмлар эса она тилига таржима

қилинади. "Синчиклаб ўқиш" турида мазмунни тушиниш 100% бўлмоғи керак. Бунда энг муҳими ўқиладиган матн, мақола ёки китобдаги ахборотни тўлиқ тушиниш талаб этилади. Ўқиш тезлиги иккинчи даражали, лекин у минутига 50-60 та сўздан кам бўлмаслиги керак.

Кўз югуртириб ўқишда энг кам маълумот олинади. Олдиндан фахмлаш, хулоса чиқариш, фақат керакли маълумотни кўз югуртириб тезда топиш кўникмалари ривожлантирилади. Топшириқлар матн ёки мақоланинг ким ёки нима ҳақида эканлигини тез аниқлаш, бирон киши ёки жой, нарс ҳақида матнда ёзилган жойни тез топиш кабилар бўлиши мумкин. Ўқишнинг бу турида ўқувчидан кенг ҳажмдаги тил материалига эга бўлишлик талаб этилади. Шунинг учун ҳам ўрта мактабда ўқишнинг бу турини айрим элементларнигина ўрганиш талаб этилади. Масалан: мантининг темасини аниқлаш каби. Минутига 1-1,5 саҳифани кўздан кечириб чиқиш керак. Ўқишга қўйилган ушбу талабларни бажариш ҳосил қилинадиган ўқиш малакасини амалда қўллаб билишга имкон беради. Шунини айтиб ўтиш керакки, ўқишга ўргатиш яъни чет тили ўқиш амалий мақсадни амалга оширишга ёрдам беради.

Ўрта мактабда чет тили ўқитишда ўқиш малакаларини ҳосил қилиш амалий мақсадлардан бири ҳисобланади. Ўқиш малакаларининг даражаси ўқувчини чет тилида ўқишни нутқ фаолиятининг тури сифатида қўллаш билан ўлчанади.

Бу эса ўқиш вақтида ўқувчи олдида қўйган мақсаддан келиб чиқади. Шунга кўра ўқиш жараёнидаги вазият турлича бўлиши мумкин.

Матндан информация олиш учун ўқиш;

Матндан информация олиш билан бирга уни айтиш пайтда бошқа ўқувчига узатиш;

Бунда, биринчи ҳолатда, овозсиз ўқишга ўргатилса, иккинчи ҳолатда овоз чиқариб ўқиш тавсия қилинади. Ўрта мактабда овозсиз ўқишга ўргатиш керак, чунки овоз чиқариб ўқиш ўқитувчилар, актёрлар, суҳандонлар каби айрим соҳа кишиларига таълуқли. Кўпчилик учун ўқиш вақтида информация

олиш асосий мақсаддир. Бу эса овозсиз ўқиш малакаларини ўстиришни талаб этади.

Ўқиш - чет тилини ўргатиш воситаси. Ўқиш нутқ фаолияти турларидан бири бўлганлиги учун ҳам у чет тили ўқитишнинг эффектив воситаси бўла олади. Масалан: тил материали кўриш сезгилари орқали идрок этилганда хотирада яхши сақланиши илмий жихатдан асосланган. Шунинг учун ҳам юқори босқичда 5-9 синфлар матнларини ўқиш ўқувчиларнинг луғат бойлигини ўстириш усулларида бири ҳисобланади.

Ўқиш жараёнида эслаб қолиш 2 хил бўлади,

- Ихтиёрсиз ("танишиб чиқиш")
- "Ихтиёрли" диққатда ўқувчиларнинг диққати онгли равишда маълум бир вазифага қаратилади. Масалан: мазмунигагина эмас, балки уни ифодаловчи тил бирликлари ҳам қаратилади.

Методик адабиётларда экстенсив (фақат мазмун) ва интенсив (мазмундан тил материали) ўқишга қаратилган матнлар танланади. Чет тил ўқиш "Тил тажриба"сини ҳосил қилишга ёрдам беради. Ўқиш оғзаки нутқ ўстиришга ҳам ёрдам беради. Масалан: овозсиз ва овоз чиқариб ўқишда гапиришда иштирок этадиган барча анализаторлар қатнашади. Айниқса овоз чиқариб ўқиш катта аҳамиятга эга. Масалан:

- Талаффузни ўстиришда;
- Гапириш малакасини ҳосил қилишда қимматли машқ ҳисобланади. (кўриш сигналлари овоз сигналларига айланади).

Ўқиш пайтида ақлий фаолиятнинг қай томонга йўналтирилганлигига кўра ўқишнинг

- аналитик
- синтетик турлари
- таржимасиз
- таржимали фарқланади.

Ўқувчиларга берилган ёрдамнинг характери ва даражасига кўра луғат ёрдамида ва луғатсиз ўқиш фарқланади.

Тайёрланган ва тайёрланмаган ўқиш форма турлари ташкил қилиш формасига кўра:

- Синфда ва уйда ўқиш турлари.
- Ўқитувчини топшириғига кўра ўқиш.
- Ўз ихтиёри билан ўқиш.
- Фронтал ўқиш (хамма бир текстни ўқийди).
- Индивидуал ўқиш.

Овоз чиқариб ўқиш кўникма ва малакаларни назорат қилиш, текшириш учун ҳам қўлланилади. Ўқиш малакаларини ўстиришда ўқувчи етарли даражада лексик ва грамматик материални билиш керак. Етарли даражада деганда биз текстдаги тил бирликларини 70-80% ўқувчига тушинарли бўлиши керак.

Ўқишга ўргатишни мазмуни ҳақида сўз юритганимизда ўқиш учун танланган матнларга қўйилган талабларни кўриб чиқишимиз зарур.

1) Матнларнинг ғоявий ва тарбиявий қиммати зарур.

2) Матнларни таълимий аҳамияти. Улар тил ўрганилаётган мамлакат ва халқ ҳаёти тўғрисида аниқ маълумот беришдадир.

Ўқиш учун танланган матнлар ўқувчиларни қизиқишини ва ёшини ҳисобга олган ҳолда танланмоғи керак.

Ўқишга ўргатшнинг махсус принциплари.

- Ўқишга ўргатиш - нутқ фаолиятига ўргатишдир. Баъзан ўқишни чет тили ўқитиш воситасида қўллашга зўр берилади. Бу эса ўқишни нутқ фаолиятининг тури сифатида ўргатишга тўсқинлик қилади.
- Ўқишга ўргатиш, ўрганиш, билиш асосига қурилмоғи лозим. Энг муҳими ахборот олиш. Бунинг учун эса матнлар мазмунига катта эътибор бермоқ керак. Шунинг учун ҳам ўқиш учун танланган матнлар ўқувчилар учун қизиқarli бўлиши керак. Бу матнлар ўқувчиларда активлик уйғотиши керак.

Чет тил ўқишга ўргатиш ўқувчиларнинг она тили ўқишдаги тажрибасига суянмоғи лозим. Ўқилганни тушинишда ўқувчилар тил структураларини яхши эгаллаган бўлишлари керак. Тил структураларининг (грам.) вазифаси маънони ифодалаб беришдир. Уларни яхши эгаллаш эса ўқиш жараёнини осонлаштириб ва тезлаштирибгина қолмасдан гапларни турли синтагма ва маънавий гуруҳларга бўлиб улар ўртасидаги муносабатни ҳам ўргатади. Бу эса матнни тўла тушунишга ёрдам беради.

Ўқишга ўргатиш ўқувчиларнинг рецептивгина эмас, балки репродуктив фаолиятини ҳам ўз ичига олади. Ўқишни нутқ фаолиятининг турларидан бири бўлишлиги, ўқиш жараёнида кечадиган операцияларни автоматлаштиришни талаб қилади.

5-9 синфларда ўқувчилар ўқув техникасини эгаллашга қаратилган операцияларни ўрганиб олишлари керак. Лекин шу билан бирга овоз чиқармай ўқишни ҳам ўрганишни бошлашлари керак.

6-7 синф ўқувчилари ўзларига таниш материал асосида тузилган матнларни ўқиш жараёнида ўқишнинг "Танишиб чиқиш" турини эгаллайдилар. Овоз чиқармай ўқиш тезлиги овоз чиқариб ўқиш тезлигидан ўтиб кетиши керак эди. (нотаниш сўзларни луғатсиз ва луғат ёрдамида тушиниб олиш).

8-9 синф ўқувчилари кўздан кечириб чиқувчи ўқиш турини айрим элементларини ўрганишади. Ўқишга ўргатувчи машқлар системасини такомиллаштириш ва унга технологик нуқтаи назаридан ёндашиш ҳозирги вақтдаги долзарб масалалардан биридир.

Ўқиш жараёнида асосан 3 вазифани ечиш керак.

- График белгиларини декодлаштириб маънога айлантириш;
- Матндаги аниқ ахборотни ажратиб олиш;
- Матндаги аниқ ахборотни аниқлаб олиш;

Ўрта мактабда ўқувчилар ўқишнинг барча турларига хос бўлган умумий малакаларни эгаллашади.

Овоз чиқариб ўқиш ўқишнинг барча босқичларида бўлиши шарт, лекин у юқори босқичга ўтган сайин камайиб боради. Ўқиш жараёнида ўқилганни тушиниб олиш тўла аниқ бўлибгина қолмасдан, балки тез бўлиши ҳам керак. Тез-тез ўқувчиларнинг матнни ўқиш тезлигини текшириб турмоқ керак. Масалан: 1 ойда бир марта. Ўқишга ўргатишдан келиб чиқадиган қийинчиликлар инглиз тилида 26 та харф, 146 графема, 46 фонема мавжуд. Инглиз тили алфавити ўзбек ўқувчилари учун қийинчилик туғдиради. (Инглиз тили билан ўзбек тилидаги ўхшаш харфлар ва ўхшаш бўлмаган харфлар) А,В,С,Д,Н,О,Р,Х,У, иккала тилда ҳам бор, лекин ўқилиши бошқача. "how" ўқувчилар кўпинча [нау] деб ўқишади. Янги харф тушинтирилганда уни она тилида ўхшаш харф билан ҳам солиштириш керак.

Графемаларни билиш (у ёки бу харф бирикмасини ўқилишини) ҳам катта аҳамиятга эга.

[ou] – tion – igh

ow

[au]– oh – ture

Унлиларни урғули бўғинда ўқилиши ҳам шундайла ёпиқ бўғинда "g" харфидан олдин ўқилиши маълум қийинчиликларни туғдиради.

au, oo, ou, ow каби диграфлар g, e, s, ундошлари, т, ш, th, sh, th, ng, ck, tion, ssion, каби харф биркмалари ўқувчилар учун маълум қийинчиликлар туғдиради.

Ўқишга ўргатишда айрим айтилиши жихатдан бир хил, лекин ёзилиши ва маъноси хар хил бўлган омонимик сўзлар ҳам анча қийинчилик туғдиради. Масалан: tail - tale, too - two, write - right, eye - I

Инглизча талаффузни ўргатишда техник воситалар яхши самара беради. Улар ёрдамида товуш, сўзлар талаффузи, интонация осон ва тез ўрганилади. Техник воситалар мураккаб ўқитиш тизимининг таркибий қисмларидан бири бўлганлиги сабабли уларнинг ақамияти ката.

Г.В.Рогова ўқитиш воситалари ва ўқитиш материалларини қўлланиши тўғрисида тўхталиб, уни қуйидагича таърифлаган:

Ўқитиш воситаларини қўллаш ёки улардан фойдаланиш деганда биз ҳар хил турдаги шундай мосламаларни назарда тутамизки, улардан биз инглиз тили материаллини ўқувчиларга тақдим қилишда, онгида мустаҳкамлашда, малака ва кўникмаларини шакллантиришда, текширишда фойдаланамиз. У механик воситаларга магнитофонни (tape recorder), радио, рекорд плеер, диафильм кўрсатувчи проекторларни (a film projector), жадвал, карта, слайдларни кўрсатувчи проекторларни (overhead projector), телевизор, ўқитиш машиналарини (teaching machines), тил лабораторияларини киргизади. Унинг фикрича, магнитофон, радиодан инглизча сўзларнинг талаффузини, матнни ўқилишини эшиттириш, ўқувчилар нутқини ёзишда фойдаланиш мумкин.

Юқорида санаб ўтилаган техник воситалар қаторига инглизча нутқни ўргатишда ДВД, компьютерлар ва улар ёрдамида фойдаланиш мумкин бўлган программалар, мобил телефонларда мавжуд бўлган диктофонларни киритишимиз мумкин. Бу воситалардан фойдаланган ҳолда биз мактабларда ўқувчиларга инглизча талаффузни ўргатишимиз мумкин.

Ўрта мактабларда инглиз тилини ўргатиш 2 та босқичда олиб борилади. Ҳар босқичда талаффуз устида ишлашнинг ўзига хос хусусияти бор.

1 босқичда 5-6-синфларда талаффуз қилиш малакасини шакллантиришга, талаффузни ўргатишга асос солинади.

5-6-синфларда товуш бирикмаларини талаффуз қилиш, урғу, оҳанг ўргатилади. Бу босқичда талаффуз қилиш кўникмаси фаоллашади.

2 босқичда 7-8-9-синфларда талаффуз кўникмалари фаоллаштирилади, бунинг учун турли машқлар бажарилади. Айниқса, талаффуз бўйича нутқ машқлари бунга мос келади.

Фонетик машғулот

Фонетик машқлар ўқувчиларнинг талаффуз қилиш кўникма ва малакаларини ривожлантириш учун олиб борилади, яъни ўқувчилар бу машқлар ёрдамида инглиз тили товушларини тўғри талаффуз этадилар. Ҳар бир дарсда ўқувчилар учун қийинчилик туғдираётган товушларни машқ қилиш учун бир неча дақиқа ажратиш лозим. Бунда олдин ўрганилган товуш, товуш бирикмалари, сўзлар, сўз бирикмалари, намуналар, исм ва жой номлари олиниши мумкин. Ўқитувчи товуш бирикмаси иштирок этган сўзларни устун-устун қилиб ёзиб биргаликда сўнг яқка талаффуз қилдириши мумкин. Бунга олинган фонетик материал кейинг материални, дарснинг босқичини тўлдиради, дарсни ўтказишга ёрдам беради.

Олдин бир ўқувчи талаффуз қилади, сўнгра сўзларни ўқувчилар биргаликда талаффуз қиладилар, ҳато қилсалар ўқитувчи тўғирлайди. Талаффуз лексика ва грамматика билан биргаликда ўргатилади. Паст Симпле ни ўқувчилар ўрганаётганда ўқитувчи тўри феълларга -d, -ed қўшимчаси қўшилганда қандай талаффуз қилиниши кераклигини ўргатади. Бу сўзлар уч гуруҳга бўлинади:

[t]	[d]
Wash – washed	open – opened
Thank – thanked	close – closed
Watch – watched	live – lived
Stop – stopped	smile – smiled
Work – worked	

[id]

Want – wanted	rest - rested
Skate – skated	decide – decided

Талаффузни ўргатиш муҳим ва мураккаб ишлардан ҳисобланади. Техник воситалардан фойдаланиш ва ўқувчиларда ўрганилаётган тилга

бўлган хавасни орттиради, янги-янги машқ турларини ўтказишга имкон беради. Ўқитувчининг ҳам, ўқувчининг ҳам меҳнатини енгиллаштиради.

Инглизча талаффузни ўргатишда кўпинча фонограммалардан кенг фойдаланилади. Улар магнитофон, ДВД, шунингдек лингафон кабинетидagi техник аппаратлар орқали эшиттирилади ва улар асосида турли машқлар бажарилади. Техник воситалар ёрдамида талаффузни ўргатишда қуйидаги машқларни бажариш мумкин:

- Эшитинг, билиб олинг. Товушлар сўзларда берилади, ўрганаётган товушни ўқувчи эшитиб билиб олиши, топиши зарур. Масалан, bad, bed, bird сўзларида [e] товуши қайси сўздалигини топиш керак.
- Эшитинг – эътибор беринг. Эшитиш жараёнида ўқувчилар маълум товуш, товуш бирикмаси, интонация ва шу кабиларга эътибор бериши керак.
- Эшитинг – тушунинг. Бунда кўпроқ ўқувчиларга жумлалар, шеърлар, кўшиқлар ҳамда матнлардан парчалар берилиб, тинглатилиб, улардаги товушларни эшитишлари ва мазмунни тушунишлари талаб этилади.
- Эшитинг – фарқланг. Товуш ва товуш бирикмаларини фарқлаш учун улар алоҳида ҳамда сўз ва жумлаларда берилади. Масалан: man – men, bad – bed, сўзларида [e] товуши фарқланиши керак.
- Эшитинг – ёдда тутинг. Ўқувчилар товуш, товуш бирикмаси сўзларни тинглаб уларнинг талаффузини ёдда тутишга ҳаракат қиладилар.
- Эшитинг – такрорланг. Бунда фақат товуш ва товуш бирикмаси берилади. Ўқувчилар буларни тинглаб, тақлид йўли билан такрорлайдилар.

Инглизча талаффузни ўргатишда техник воситалардан фойдаланиш учун машқларни бажаришда албатта ўқитувчи ўзи олдиндан товуш, товуш бирикмаларини, сўзларни тинглайди, тўғри талаффуз қилиб, фанаграммасини тайёрлаб, тинглаб кўриб, сўнг ўқувчиларга тинглатади, машқларни бажартиради. Бунда турли хил машқларни ишлаб чиқиш мумкин.

Масалан:

Кўшиқ матнини бериб, унда нуқталар ўрнини керакли харфлар, сўзлар билан тўлдирилиши кераклиги ўқувчиларга айтилади. Ўқувчилар ўқишини тинглаб бир вақтнинг ўзида нуқталар ўрнини тўлдиришлари керак бўлади. Агар ўқувчиларнинг жавоблари турлича бўлса, ёки хатога йўл қўйган бўлсалар, кўшиқ ката қўйиб эшиттирилади. Сўнг ўқитувчи тўғри жавобни айтади ва ўқувчилар хатолари бўлса тўғирлаб оладилар.

Бу машқни бажариш давомида ўқувчилар нафақат сўз талаффузига, балки уни тўғри ёзишга ҳам эътибор қаратишлари лозим. Шу орқали эшитиб тўғри талаффуз қилиш, эшитган сўзларни тўғри ёза олиш, тўғри ўқиш, оғзаки нутқда ҳам талаффузга эътибор бериб гапиришга катта ёрдам беради. Биз ҳозирги пайтда кенг тарқалган, кўп ўқув юртларида, академик лицейлар ва баъзи мактабларда мавжуд бўлган лингафон кабинетларининг имконияти катта, аммо ҳамма ерда ҳам бу имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаяпти. Ундан тўлиқ фойдаланиш таълим сифатини оширади.

Инглиз тилида эркин ва равон ўқиш, тўғри талаффуз қилиш малакасига эга бўлган ўқувчи бу тил билан келажакда мустақил шуғулланиш имкониятига эга бўлади. Бу малакани шакллантириш ҳамда осон йўл билан тўғри талаффуз қилишни ўргатишда лингафон кабинети ёки ўрта мактабларда мавжуд техник воситалардан фойдаланамиз. Бунинг учун аввало талаффуз материалларини тақсимлаб олинган тартиб бўйича танлаб оламиз. Улар лингафон аппарати ёрдамида ўргатилади. Материал мазмуни ўқувчиларнинг талаффуз фаолиятида содир бўладиган нуқсонларни бартараф қилишга қаратилган бўлади.

Товушнинг аниқ талаффуз этилиши сўз ва жумлаларнинг тўғри айтилишини, натижада нутқнинг тушунарли бўлишини таъминлайди. қўйидаги машқлар ана шу мақсадга хизмат қилиб, улар лингафон воситаси ёрдамида ўзлаштирилади. Ўқувчи ўзлаштирилаётган материални тинглаш билан бирга ўқитувчи доскада ёзган график образни ҳам кузатади. Инглиз тили материални бир вақтнинг ўзида кўриш ва эшитиш ёрдамида

ўргатилиши туфайли таълим жараёни интенсивлашади: (“The Audio-lingual Method”. SIL International. 15 Jan. 2007. www.sil.org/lingualinks/)

Чўзиқ унли товушни ўзлаштиришга хизмат қилувчи бу машқни бажаришда ўқувчиларни [i:] товушининг чўзиқлик хусусияти, қисқа унлидан кескин фарқ қилиши каби фонетик ходисаларни ўзлаштиришлари назарда тутилади.

e, ee, ea, ie – [i:]

be	seed	sead	field	seeing
he	feed	meal		evening
she	need	heat		eager
Pete	knees	peace		

Бу машқни бажариш пайтида ўқувчилар лингафондан диктор талаффузидаги сўзларни тинглайдилар, паузада эса хар бир сўзни такрорлайдилар.

Илмий ишнинг 1.1 қисмида таъкидлаб ўтилганидек, унлилар чўзилигига риоя қилмаслик ўқувчиларнинг типик хатоларидан биридир. Бунинг олдини олиш ёки бартараф этиш учун кўп машқ бажариш ва ўқувчиларнинг хатолари ўқитувчи томонидан тўғриланиб бориши керак. Шунингдек техник воситаларни қўллаган холда дарс ўтиш яхши самара беради. Юқорида келтирилган чўзиқ [i:] товушини ўргатишда диктафондан фойдаланиб, ўқитувчи хар бир сўзни талаффуз қилиб ёзади. Бу фонаграммадан дарс давомида фойдаланиш ёки ўқувчиларга ўзлари мустақил равишда , ўқитувчи тушунтиришлари асосида товушларни талаффуз қилиб, диктафонга ёзишлари учун намуна қилиб кўрсатишлари мумкин.

2.2. 5-9 синф ўқувчиларида инглиз тилини ўқитишда интерфаол методлардан фойдаланиш

Ҳозирги вақтда нафақат чет тилига ўқитиш бўйича балки барча фанларга ўқитишни, ўргатишни янги-янги методларини излаб топиш ва уни амалда синаб кўриш тўғрисида кўп ишлар қилинаяпти. Бу ҳозирги кундаги таълим тарбия жараёнини яхшилаш, учун хал қилиниши керак бўлган энг муҳим муаммолардан биридир.

Агар аввал чет тили ўқитиш шу тил системасини ўрганиш деб қаралган бўлса, кейинги йилларда ўқитишдаги муҳим кўзланган нарсаси бу ўқувчиларни чет тил нутқини ўстиришдан иборат бўлди. Шунини айтиш керакки, чет тил ўрганишдаги бу мақсадлар, ўз-ўзидан ёки бошқа кимсалар ёки шахс томонидан қўйилмайди, балки лингвистика ва психология фанларидаги ўзгаришлар ва жамиятнинг ижтимоий ривожланиб бориши билан ҳамбарчас боғлиқдир. Масалан: Аудиолингвал методни олиб кўрайлик. Бу методнинг юзага келишига лингвистика фанидаги ўзгаришлар, яъни структурал оқимни таъсири бўлди.

У қуйидаги омилларни ўз ичига олади:

- Чет тил ўргатиш аввал оғзаки нутққа ўргатишдан бошланмоғи зарур;
- Тил ўрганиш турли структуралар, нутқ наъмуналари асосида амалга оширилади;
- Машқлар ҳам тилга асосланган ҳолда тил материалини кўп марта такрорлашни талаб қилувчи машқлар бўлиши кераклигини тақозо этади;
- Грамматик намуналар ва лексикани танлаш чет тили билан она тилини қиёслашнинг натижаларига боғлиқ бўлиши керак.
- Талаффузга катта эътибор талаб этилади.

Бу методнинг асосий камчилиги, механик машқларнинг кўплиги ва ҳақиқий нутқ машқларининг озлигидир. Бу метод асосчилари методист олимлар Ч.Фриз ва Р.Ладолардир. Масалан: Ч.Фриз: бошланғич этапнинг асосий мазмуни структураларни ўрганишни ташкил қилиши керак дейди.

Грамматиканинг кўникмаларни ҳосил қилиш ҳам шунга асосланган бўлиши мақсадга мувофиқ.

Ч.Фриз билан Р.Ладонинг фикрича ўқувчилар аввал оғзаки нутқда ишлатилувчи структураларнинг (гапларнинг) йиғиндисини эслаб олишлари керак.

Кейинчалик шу структуралар асосида янги-янги гаплар тузиши талаб этилади, яъни малака ва кўникмалар моил қилиниши керак. Булар тренировкага мўлжалланган машқлар ёрдамида амалга оширилади.

Кейинроқ ғарбда янги бир метод шакллана бошлади. Бу “аудиовизуал” метод эди. Унинг асосчилари сифатида Югославялик методистлар П.Губерин ва Франтсуз Пер Ривон, Л.Гугенейм ва бошқаларни келтириш мумкин. Бу метод тилни (тил материални) эшитиш ва кўриш орқали тез эслаб қолишга асосланган. Бу методнинг асосий фойдаси шундаки, у ўрганаётган тил материални ҳаётий ситуатсияга боғлаб ўрганишни тақозо этади. Тил ўрганиш асосан кўриб, тинглаб, тушунишга асосланган. Бу метод муаллифларининг фикрларига кўра кундалик турмушда кўп учраб турадиган мавзуларни ўз ичига қамраган (масалан: квартира, уй жихозлари, савдототиқ ва х. к.) ўрганишни мақсад қилиб қўяди. Уларни ўзлаштириш эса асосан кўриб қабул қилиш сезгилари асосида ва техник воситалардан кенг фойдаланиш орқали амалга оширилади.

Чет-тил ўқитишни интенсивлаштириш масаласи юзасидан мамлакатимизда ва чет элларда анча ишлар қилинди ва қилинмода. Булар янги интенсив методларни юзага келишига сабаб бўлди. Хўш, интенсив метод ўзи нима? Уни қандай тушиниш мумкин?

Интенсив ўқитиш деган, сўзнинг биринчи маъноси бу- қисқа вақт ичида ўқувчиларни ўрганилаётган чет тилида нутқ фаолиятини амалга оширишга, яъни гапиришга ўргатишдир. Бу асосан ўқувчиларнинг ички психологик имкониятларига ва хотира захирасига таянган ҳолда амалга оширилади. (Леонтев А. А. Китайгородская). Демак, интенсив метод (ёки

интенсив) ўқитишнинг қуйидаги икки характерли хусусиятини кўрсатиш мумкин:

Қисқа вақт ичида маълум ҳажмдаги ўқув материалини ўрганиш ва шунга мос чет тилидаги нутқий фаолиятни амалга ошириш;

Шахс хотирасининг барча захираларидан (психологик имкониятларидан) максимал даражада фойдаланиш яъни ўқувчиларнинг фаоллигини ошириш.

Кейинги йилларда дарс жараёнида ўқувчилар фаоллигини ошириш юзасидан кўп ишлар қилиш зарурлиги тақозо этилмоқда.

Талаба шахси хотирасининг ички имкониятларидан фойдаланган ҳолда уларнинг дарсдаги фаоллигини оширишда нутқий мулоқот муҳитини шакллантириш энг муҳим вазифалардан бири. Ўқитувчи томонидан қўлланилаётган усуллар ва турли кўргазмали куроллар шу мақсадга йўналтирилмоғи лозим. Нутқий мулоқотга йўналтирилган психиологик вазият ўқувчиларнинг фаоллигини оширишдаги зарурий вазифалардан биридир. Таниқли методист олимлардан бири Е.И.Пассовнинг айтишича, ҳозирги вақтдаги чет тил ўқитишда амалда қўлланилаётган коммуникатив ёндашиш нутқий вазиятларга асосланган тезкор (intensive) ўқитишнинг бир кўринишидир.

Интенсив метод дастлаб XX асрнинг бошларида "Тўғри" метод асосида шакллана бошлади. Проф. Е. И. Гезнинг айтишича "Тўғри метод чет тилини интенсив ўқитишга қулай имконият ва асос яратиб берди". Тўғри методнинг баъзи бир принципиал томонларини чунончи, оғзаки нутққа бўлган қизиқиш, айниқса диалогик нутқ учун нутқий вазиятлар танлаш, ўқувчиларнинг дарсдаги фаоллигини ошириш каби талаблари ҳозирги замонавий интенсив методларнинг у ёки бунисига асос қилиб олинган. Бу табиий албатта, чунки ҳар бир янги метод ўзидан олдин ўтган методнинг яхши томонларини сақлаб қолади.

Сўнги йилларда аудиолингвал, аудиовизуал, гипнопедия, релаксopedия, суггестopedия, ритмопедия каби янги бир йўналишни

билдирувчи сўзлар тез-тез методик адабиётларда учраб турадиган бўлиб олди.

Шуни айтиш керакки, бу номи тилга олинган методлардан аудиолингвал ва аудиовизуал методлар интенсив ўқитиш амалиётида қўллана олмайди. Бунга уларнинг принципиал томони, яъни она тилини ишлатишга суянмаслик, тил имитациясига тақлид қилиш орқали ўрганиш, ёд олиш ва ижодий машқларнинг кўплиги халақит беради.

Гипнопедия, Релаксопедия - бу методлар фақат тил материалини эслаб қолишда яхши натижалар беради, лекин нутқда қўллашни таъминлай олмайди. Шунинг учун ҳам таниқли олим проф. Гегечкори Л.Ш. гипнопедия билан релаксопедияни чет-тил ўқитишда ишлатилиши мумкин бўлган приёмлардан деб қарашни таклиф қилади, чунки улар берилаётган информацияни эслаб қолишга қаратилган холос.

Кейинги йилларда шахсни объект сифатида ўрганиш ва уни барча ижодий имкониятларини аниқлашда педагогика, психология, социал психология, медицина фанларидаги изланишларни бирлаштиришга катта эътибор берилмоқда. Ҳозирги вақтдаги муҳим масала ўқувчиларни янгича фикрлашга, ижодий фикрлашга ва уларни ҳаётга тайёрлашга катта эътибор берилмода. Бу эса шахсни ҳар томонлама ўрганишга бўлган талабни кучайтиради. Шундай қилиб ўқувчи шахси ўқув процесининг марказий, асосий фигурасига айланиб қолди.

Г.Лозанов - психотерапевт, тиббиёт фанлари доктори болгар олими - инсонни ички резерв имкониятларини ўрганишга қаратди.

У 3 муҳим факторни ўрганнишга киришди:

- 1.Хотирани резервларини очиш;
2. Ўқувчи шахсини интеллектуал активлигини ўрганиш;
3. Ижобий эмоция, (чарчаш хиссини юқотади).

Ўқитувчининг роли, авторитети; ўқитувчи билан ўқувчи ўртасидаги муносабат; ўзаро ишонч, юқори даражадаги мотивация, шахсининг ички

резерв имкониятларини очиш. Олимлардан Гегечкори Л.Ш. ва Леонтев А.А. эътироф қилишларича Лозанов методикаси юқоридагиларни ўз ичига олади:

- 1) кўп сонли нутқ бирликларини ўрганишда;
- 2) ўқувчиларни чет тил нутқ жараёнида тил, луғат бойлигини ишлатишни, ўрганилган нутқ бирлигини бошқа бир ситуацияда қўллаш малакаларини ҳосил қилишда;
- 3) ўқишга ўрганишда юқори мотивацияни ҳосил қилишда;
- 4) психологик тўсиқлар бўлиши (уятчаангликни, кўрқинчни, одамовиликни) олиб ташлашда жуда яхши натижалар беради.

Шуниси характерлики Лозанов ўз олдига чет тил ўқитиш методикасини ишлаб чиқишни вазифа қилиб қўйгани йўқ. 60-70 йиллар Лозанов методикаси чет тил ўрганишда қўллашга ҳаракат қилиб кўрилди. Ҳозирги вақтда олимлар ва методистлар интенсив методикани мамлакатимизда қўлланилаётган "Ўнгли - амалий" метод билан мужассамлашган ҳолда йўллари ишлаб чиқишди. Бу методнинг (Лозанов) фақат айрим принципларини қўллаш мақсадга мувофиқ деган.

1. Эмоционально – смысловой метод (И. Ю. Шехтер) ролли ўйинлар жараёнида мазмунли ўзгартиришга асосий эътиборни жалб қилиш.

Бундай қараш кишининг шахсий фикрлаши қандайдир тил бирликларининг мажмуасидан келиб чиқмайди, деган қарашга асосланади. Бу методдаги асосий восита - коммуникатив вазифалар системасида. Бу метод бўйича ўқитиш 3 шаклга (давра) бўлинади:

- а) Ҳаётда энг кўп учрайдиган ситуациялар асосида гапиришга ўрганиш. Грамматика органилмайди, уй вазифаси ҳам йўқ. Бу давр охирига келиб 1200-1400 лексик бирликни ўз ичига олган ўқув матнларини ўқиш мумкин.
- б) Бирор касб-корга таълуқли нутқий жараёнга ўтиш. Манологик нутқ ҳар томонлама кенг ривожланади. Аста-секин таржима асарларидан кўчирма олиш ёзув ва грамматика ўрганишга ўтилади. Илмий - хиссий

характерга эга бўлган матнлардан фойдаланиб, касбга таълуқли муаммоли ситуациялардан ташкил топган турли ўйинлар асосида чет тил ўргатиш.

с) Нутқ тобора маълум касб бўйича шакллантирила борилади. Махсус матнлар, ишга таълуқли хужжатлар, касб бўйича хат ёзишувлар ўқув материални ташкил қилади.

2. Л Гегечкори таклиф қилган интенсив курс катта ёшдагиларни ўқитишга мўлжалланган. Бунда ҳам 3 давр ажратилади.

Даврлар ўртасидаги этап (яъни тил таёргарлиги этапи) бу методни бошқа методлар билан фарқлашдаги асосий хусусиятдир. Бунда тил materiali онгли ўзлаштирилади.

3. Петрограддаги ўрмончилик академиясида талабаларни чет тили ўқитишни integrative метод асосида олиб бориш юзасидан эксперимент ўтказилди. Бунда ўқув жараёни қуйидагича ташкил қилинди:

1 семестр - чет тилини онгли ўрганишга асосланган нутққа тайёрлов машқларини бажариш;

2 семестр - Г.Лозанов методикаси асосида диалогик нутқни ўстириш;

3 семестр - тил материални онгли ўрганиш асосида кенг профилли ўқишга ўргатиш

4 семестр - Г.Лозанов методи асосида монологик нутқ ўстириш;

5 семестр - мутахассислик бўйича матнларни ўрганиш;

4. "Курс погружения"- Ухлатиб қўйиб ўқитиш курси (Плесневич А. С. Инглиз тили ўқитишда синаб кўрган) 10 кунга мўлжалланган.

Мақсад: Илмий ходимларни чет эллик ҳамкасблари билан илмий-касбий мулоқотларни амалга оширишга мўлжалланган. Бу метод талабаларни ўқитишнинг якуний босқичида қўлланилиши мумкин. Ўтилган мавзуларни қайтариш сифатида.

5. Суггестокрибернетик интеграл метод. (Петрусинский В.В.) (катта ёшлилар учун)

Суггестив бошқаришни "крибернетизациялаш" бу методни асосини ташкил қилади. Ўқитиш автоматлашган техник воситалар орқали олиб борилади.

Ўқитувчи иштирок этмайди. У фақат материал танлаш ва билим, малака ва кўникмаларни назорат қилади холос. Бу метод асосан бошланч методни автоматлаштиришга ёрдам беради ва лексик материални хотирада сақлаб қолишни танлайди.

Хулоса қилиб айтганда, у ёки бу intensive курсни баъзи бир хусусиятини чет тил олий таълим системасида олий ўқув юртларида ўқитиш жараёнида қўллаш мумкин. У шахсни ўқув жараёнида ҳар томонлама фаоллигини оширишга мўлжалланган.

"Метод" тушунчасига доир таълимшунослик ўқитишни умумий назарияси сифатида ушбу атама кенг қўлланиладиган фандир. Дидактлар "Метод" атамасини билиш, малака, кўникмани эгаллаш, ўқитувчиларда дунёқарашини шакллантириш ва билиш имкониятларини яратиш йўлидаги муаллим ва талабанинг иш усули маъносида изоҳлайдилар. Фан асосларини ўргатадигани ўқув предметлари учун мўлжалланган таълимнинг умумий методлари ишлаб чиқилган. Ўқув предметининг хусусиятлари ҳисобга олиниб, методикада чет тили ўқитиш методлари яратилган. Чет тили ўқитишда методларни тадбиқ этиш узоқ даврлардан бошланган. Чет тили ўқитиш методикасида "Метод" атамаси асосан 3 маънони билдиради.

Биринчидан, методика тарихидаги бутун бир йўналиш (таржима методи, тўғри метод, қиёсий метод, аралаш метод);

Иккинчидан, юқоридаги йўналиш таркибига кирувчи ўқитиш системаси; Учунчидан, муаллим ва ўқувчиларнинг ўзаро боғланган фаолияти усули. (Танишиш, машқ қилиш ва қўллаш методлари). Чет тил ўқитиш тарихида биринчи ва иккинчи методлар "тарихий" методлар номи билан, учинчиси "жараённи ифодалаш" методлари атамаси билан юритилади. Тарихан методлар тўрт гуруга бирлаштирилиб, уларнинг номларига "таржима", "тўғри (ёки таржимасиз)", "қиёсий", "аралаш" сўзларини аниқловчи сифатида қўшиб айтилади, шундай қилиб, чет тил ўқитишнинг бир неча асрлик тарихидаги барча методлар тўрт тоифага тўпланган. Уларнинг ҳар

бирини қисача таҳлил қилиш талаб этилади, чунки биринчи методикада уларнинг айрим хусусиятлари муайян шаклда қўлланилмоқда.

Таржима методи

Ушбу методнинг номи одатда "Таржима методлари" атамаси билан кўпликда ишлатилади. Шунга кўра маънони билиб олиш қийин эмас; чет тил материали она тилига таржима қилинади. Овропада, аввал юнон тили, кейинчалик латин тили ўргатилганда таржима тушуниш усули қилиб олинган. XVIII асрнинг иккинчи ярмида ва XIX аср давомида француз тили, XX асрда эса инглиз тили ва нихоят немис тили таржима орқали ўрганилди, мусулмон дунёсида эса асосан араб тили, исман, форс тили чет тиллар сифатида ўрганиб келинди. Ўлик ва жонли тилларни таржима методи билан ўргатилиб, бу жараён мантикий тафаккурни ривожлантириш омили ҳисоблаб келинди. Араб тили эса ислом дини асарларини ўргатиш воситаси бўлиб, уни кўпчилик талабалар урғу ёдлаш орқали ўрганишар эди. Олий, диний ўқув юртларида араб, форс, туркий тиллар атрофлича ўрганилган.

Таржима методлари орасида энг кўп тарқалганлари "Грамматика-таржима методи" ва "Матн таржима методи" номлари билан машҳур бўлган. Биринчисининг намоёндалари сўз ва ранг таржимасини грамматика қоидаларини ўргатиш учун татбиқ этганлар, иккинчисининг тарафдорлари эса матнни ўқиш ва унинг мазмунини тушунишда таржимадан фойдаланишни мақсад қилиб қўйган. Ҳар иккала таржима методини қўллашдан фақат таълимий мақсад кўзланган. Чет тил рецептив тарзда ўрганилган. Ўз даврининг тилшунослик ва рухшунослик маълумотларига асосланиб, чет тил ўқитиш методлари ишлаб чиқилган.

Айрим муаллимлар ҳозиргача таржима методлари усулларида ноўрин фойдаланишмода. Масалан: матнни оғзаки таржима қилиш айри методик усулдир. Матннинг айрим жумлалари ёки бир-икки бўлагини муайян мақсадда таржима қилиш ман этилмайди. Луғатдан фойдаланиб, янги сўзларнинг маъноларини очиш мақсадида таржима қилишга мўлжалланган

кичик матнлар берилиши мумкин, Бу ерда матнни таржима қилишдан кўзланадиган муддао луқатдан фойдаланишни ўргатиш.

Тўғри метод

Метод номининг келиб чиқишига асосий сабаб шуки, тўғри методда ўқитиш чоғида она тилини четлаб ўтиб чет тил сўзи билан предмет орасида бевосита ассоциация, яъни фикран боғланиш ўрнатишга уриниб кўрилган. Чет тил грамматикасини ўргатишда ҳам худди шундай методик йўл тутилган; грамматик маъно билан шакл ўртасида бевосита боғланиш ҳосил қилмочи бўлишган.

Тўғри методнинг дунёга келиш сабабини чет тилларни амалий ўрганиш мақсадидан кидириш жоиздир. Ўтган асрнинг охирларига келиб, Ғарбий Европа мамлакатлари ва Америка қўшма Штатларида чет тил ўқитишни ислох қилиш натижасида ушбу метод кашф этилган. Кейинчалик бу метод - Осиё, Африка ва боша юртларга ҳам тарқалган.

Она тили иштирокисиз чет тилини ўргатишга интилишларни тўғри метод, индуктив метод, табиий метод каби атамалар билан юритила бошланган. Ушбу методлардан кўзланадиган асосий мақсад чет тилни амалий жихатдан ўргатишдир. Она тилини ўрганиш шарт-шароитлари бу методда ўзгаришсиз қабул қилина берган.

Тўғри методнинг замонавий кўринишларидан иккитаси - аудиолингвал ва аудиовизуал методлари кўп тарқалган. Аудиолингвал методнинг асосчилари (машҳур Америка методистлари Чариз Карпенер Фриз ва Роберт Ладо) фикрларига биноан чет тил амалий ва таълимий мақсадда ўрганилади. Тил материалларидан чет тил жумлалари (нутқ намуналари)ни танлаш ва ўргатишга муҳим ўрин берилади. Нутқ фаолияти турларини ўрганиш тартиби қуйидагича кечади: тинглаб тушуниш, гапириш, - ўқиш - ёзув. Озаки нутқ чет тилда алоқа воситаси сифатида, ёзма нутқ эса оғзаки нутқ материали асосида ўргатилади.

Муаллимлар аудиолингвал методнинг бир қанча ижобий хоссаларини мактаб тажрибасидан биладилар. Чунончи, нутқ намуналарининг тил

ўргатиш бирлиги даражасига қўланилиши, оғзаки нутқнинг илгарилаши, озаки нутқнинг материалида ўқиш ва ёзувнинг ўргатилиши 5-7 синфларда тегишли ўзгаришлар билан қабул қилинган.

Аудиолингвал методнинг айрим қонуниятлари бизнинг шароитга тўғри келмаслиги мактаб дарсликларига ҳисобга олинган. Масалан: нутқ намуналари онг иштирокисиз ва ҳеч қандай қоидалар берилмасдан ўргатиш ундаги айри илмий кўрсатмалардир. Актив ва пассив тил материалини фарқлаган ҳолда уларнинг ўзлаштиришига, бефарқ қарашади. Бу ҳам нотўғри методик йўл-йўриқдир.

Аудиолингвал методдан қатор жиҳатлари билан фарқ қиладиган аудиовизуал метод номоёндалари (П.Губерина, П.Риван) методик кўрсатмаларига биноан лексик материални анъаналарига алоҳида эътибор берилган. Ҳаётий мавзуларда эркин фикр юритиш учун 1500 сўз танланган, турли техникавий воситаларга таълим жараёнида катта ўрин берилади.

Иккала методнинг умумийлигидан ташқари тафовутлари ҳам бор. Масалан, аудиовизуал методда оғзаки нутқ, ёзув ва охириги навбатда ўқиш ўргатилади. Ўқиш ёзувдан кейин ўргатилади, Бизнинг мактабларда ушбу методларидан ижобий фойдаланилади. Ўрта мактабда биринчи йиллари чет тили ўқитишда ёзув ўқишдан олдин, кейинчалик эса ўқиш ёзувдан олдин ва юқори синфларда ўқиш барча нутқ фаолияти турларидан олдин ўргатилади. Тўғри методларнинг репродуктив ва рецептив тарзида чет тил ўргатиш методлари ҳам методика тарихида сезиларли из қолдирган.

Аралаш метод

Ушбу метод икки катта методик йўналишларнинг илмий-амалий томонларини ўзига сингдириб олган, Аралаш методлар XIX аср охири XX аср бошларида таржима ва тўғри методлар қоришмаси сифатида вужудга келди. Аралаш метод ҳақида унинг номоёндалари Даниялик рухшунос К.Флагстад, немис тилшуноси Е.Отто, немис методисти Ф.Аронштеан, немис тилшуноси Г.Паул кабиларнинг илмий ишаридан маълумотлар олиш мумкин. Аралаш методнинг яна бир бошқача кўриниши тўғри метод ва

қиёсий метод принципларининг қоришмаси сифатида вужудга келди. Ушбу замонавий аралаш методнинг номоёндалари методистлар Америкалик ИИ Хенболд, Белгиялик Ф.Клосса, Германиялик А.Болен ва рус чет тил ўқитиш рушуноси Р.Б.Белийев тадқиқотларидан маълум ва машхурдир.

Қиёсий метод

Унинг тўлиқ номи "Онгли қиёсий метод" дейилади. Бу методниг асосчиси А.В.Шерба бўлиб, бу методни хозирги давр чет тил ўқитиш жараёнига мослаштирган. Метод асосчиси ишини самарали давом эттирган педагогика фанлари академияси мухбир аъзоси, профессор И.Б.Рахмонов бўлган. Ушбу методни қиёслаш, она тилига суяниб иш кўриш, нутқ фаолиятларини бир йўла ўргатиш сингари хусусий принциплари 40-50 йилларда шаклланади ва кенг кўламда амалий қўлланади. Чет тил ўқитишнинг амалий, таълимий ва тарбиявий мақсадлари илмий асослаб берилган бу методнинг биринчи кўриниши эди.

60-йиллардан ҳозиргача бўлган вақт ичида онгли-қиёсий метод замонавийлаштирилди. Жумладан, қиёслаш ўқувчиларнинг дарс пайтидаги юмуш тарзида эмас, балки машқлар системасини тузишда методист ва муаллим ваколатига кирадиган ишдир.

Онгли-қиёсий методнинг биринчи кўринишида қоида асосида машқ бажарилади. Замонавий кўринишда машқ жараёнида амалий рухдаги қоида умумлаштирилади. Ўқувчи қиёслаш, қоидани ёдлаш ва айтиб бериш, назарий билимлар йғиш билан махсус шуғулланмайди.

Метод атамасини ифодалашнинг яна бир тури чет тил ўқитиш жараёнида амалий фойдаланиладиган методлардир. Улар учта:

- танишиш
- машқ қилиш
- қўллаш

Ушбу уч атамани методик тадқиқотларда турли номлар билан юритиб келинди. Кўпчилик тан олган ва ўқитишда бевосита мушохада қилиш мумкин бўлган мазкур методлар ўқувчи нуктаи назаридан номланган. Ўқувчининг чет тили ўрганишдаги вазифаси ўқув материали билан танишиш, кўникма ва малака хосил қилиш мақсадида машқ қилиш ҳамда ўз фикрини баён этиш чоғида, яъни нутқий мулоқотда тилдан фойдаланишдан иборат. Хар бир методнинг ўзига хос усусиятлари бор.

Танишиш ўқув материални ўрганишдаги биринчи қоидадир. Тил бирлигини ўрганишга киришилар экан, ўқувчи унинг шаклини (товуш томонини оғзаки нутқда аниқ равшан кўрсатиш ёки график тили сонини ёзма матндан кўриб ўқий олиш), маънони (предмет ходиса ҳаракат билан фикран боғлаш) ва қўлланилиши (бошқа бирликлар билан ўқшилиши, қандай ҳолатда ишлатилиши) билан танишади. Шакл, маъно ва қўлланиш хар бир лексик ёки грамматик бирликда ўрганиладиган уч томондир. Улар билан танишиш ўқув бирлигини ўзлаштиришнинг бошланиши демакдир. Ушбу бирлик хотирада сақланишнинг асосий шартларидан бири уни эшитиш ва кўриш сезгилари ёрдамида идрок қилишдир. Шу пайтда тил бирлиги машқ қилиш босқичидан ўтади.

Машқ қилиш йўли билан ўрганилаётган тил ходисалари мустахкамланади, уларга оид динамик стереотип шаклланади. Ушбу динамик стереотип нутқ жараёнида операция мақомида ишга тушади. Машқ қилишда машқлар миқдори ва сифатига, яъни нечта ва қандай машқ бажариш масаласига алоҳида эътибор берилади.

Машқ қилиш чоғида ўқувчи ўзлаштираётган кўникма муаллим назорати остида бўлади, Назорат қилишнинг энг тежалиш усули тест ўтказишдир.

Қўллаш даврида ахборот алмашиш (яъни малака хосил қилиш) машқлари бажарилади. Ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма фикр алмашишлари жараёнида қўллаш методи қўл келада. Олдин ўрганилган материал энди ахборот етказа олиш мақсадига бўйсундирилади.

Методлар фаолият кўрсаткичи, ўз навбатида методик ҳаракатлар орқали амалиётда ишлатилади. Масалан: лексиканинг маъносини таржимасиз очиш усули, матндан ахборот олиш усули, грамматик birlikни лексик ўргатиш усули, талаффузни тақлид йўли билан ўргатиш ва хоказо. Аниқ усуллар мажмуаси жараён методини ташкил этади. Методик усул ўқув материални ўрганишда яққол кўриниб турадиган ҳаракатни билдиради.

Методик адабиётларда методларни "Намойиш этиш, тушунтириш ва машқ" номлари билан бериш ёки методлар еттигача ҳоллари учрайди, қандай номлар ёки улар нечта бўлишдан қатъий назар методлар таништириш, кўникма ҳосил қилиш ва малака беришга йўналтирилган.

Дарс жараёнини лойиҳалашда ўқитиш методларини тўғри танлаш, яъни методларни дарснинг вазифалари ва мазмунига мослиги, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг имкониятларига мувофиқ бўлиши талаб этилади. Ўқитувчи дарснинг лойиҳасини ишлаб чиқишда қуйидаги топшириқларни кетма-кет бир бутунликда амалга ошириши керак. (Ur, P. Discussions that work. Cambridge: Cambridge University Press, 2006.)

1-босқич: Ўқитувчи дастур, дарслик, методик қўлланма ва синф ўқувчиларининг умумий тавсифи билан танишиб чиқиши лозим.

2-босқич: Дарснинг асосий вазифалари мажмуасини: ўқитиш, таълимий мақсад, тарбиявий мақсад ва ривожлантирувчи мақсадларни ва вазифаларини белгилаш.

3-босқич: Дарснинг асосий босқичларини тўғри, аниқ ва изчилликда жойлаштириш.

4-босқич: Дарснинг ҳар бир босқичи мазмунидаги асосий ўринни ажратиб олиш.

5-босқич: Дарснинг ҳар бир қисми учун ўқитиш методларини, воситаларини, технологияларни танлаш.

6-босқич: Дарснинг ҳар бир қисми учун ўқитишнинг етакчи; умумсинфий, кичик гуруҳ ва индивидуал шаклини танлаб олиш.

7-босқич: Бўш ўзлаштирувчи ва тайёргарлиги кучли бўлган ўқувчилар учун тафовутланган машқ ва вазифаларни танлаш.

8-босқич: Тегишли синф ўқувчилари учун вақт меъёрларига мувофиқ уй вазифасининг мақбул хажмини танлаш.

Муаммоли таълим жараёнида кичик гуруҳлар ишини ташкил этиш учун ўқитувчи қуйидагиларни яхши тушуниб олиши лозим:

1. Ўқувчининг индивидуал ҳаракатлари билан жамоа бўлиб ишлагандаги ҳаракатлари нимаси билан фарқланади?
2. Кичик гуруҳларнинг биргаликдаги ишидан қандай натижаларни кутиш мумкин?
3. Гуруҳнинг ҳамфикрлилар жамоасига айланиши учун нималар қилиш керак?
4. Кичик гуруҳ ва унинг таркибига кирувчи ўқувчининг ишини қандай баҳолаш керак?

Гуруҳлар билан ишлаш бўйича айрим маслаҳатлар:

1. Ҳамкорлик гуруҳлари кам сонли бўлиши керак. Гуруҳ қанчалик кичик бўлса, шунчалик ҳар бир ўқувчи масъулиятлироқ бўлади.
2. Ҳар бир гуруҳ аъзосининг билимини индивидуал тартибда текшириш лозим.
3. Даврий тартибда танлаб, оғзаки сўровлар ўтказиш фойдали, бундай пайтда ўқувчилар гуруҳ аъзолари ёки бутун синф олдида гуруҳ иши ҳақида гапириб берадилар.
4. Барча гуруҳлар ишини кузатиб бориш ва гуруҳ аъзосининг умумий меҳнатда иштирок этган ҳамма ҳолатларини қайд этиш керак.
5. Ҳар бир гуруҳда «назоратчи» бўлиши керак, у ҳар бир гуруҳдошидан нима учун гуруҳ берилган саволга бошқача эмас, айнан шундай жавоб берганлигини тушунтириб беришни сўраши мумкин.

Интерфаол методлар: “Муаммоли вазият” методи

“Муаммоли вазият” методи таълим олувчиларда муаммоли вазиятларнинг сабабини ва оқибатларини таҳлил қилиш ҳамда уларнинг ечимларини топиш бўйича кўникма ва малакаларни шакллантиришга қаратилган метод.

“Муаммоли вазият” методининг таркибий тузилиши қуйидагича:

- муаммоли вазият тавсифини келтириш;
- ўқувчиларни гуруҳларга бўлиш;
- гуруҳлар муаммоли вазиятнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаши;
- гуруҳларнинг муаммоли вазиятни оқибатлари тўғрисидаги фикрларини жамланиш босичи;
- гуруҳларни муаммоли вазиятни ечимини ишлаб чиқиш босқичи;
- тўғри ечимларни танлаш босқичи;

“Муаммоли вазият” методи учун танланган муаммонинг мураккаблиги ўқувчиларнинг билим даражаларига мос келиши керак. Ўқувчилар қўйилган муаммонинг ечимини топишга қодир бўлиши керак, чунки муаммони ечимини топа олмаса ўқувчиларнинг қизиқишлари сўниши ва болалар ўзига бўлган ишончини йўқотиши мумкин. Дарс жараёнида ушбу методдан фойдаланганда ўқувчилар мустақил фикр юритишга, муаммонинг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилишга, унинг ечимини топишга ўрганадилар.

Қуйида янги педтехнологиялар ва таълим воситалари илғор тадбиқ қилинган дарс ишланмаларидан наъмуналар:

1. Ўқув материални муаммоли баён этиш – маърузавий машғулотларда монолог тарзда, семинар машғулотларида эса диалог тарзда олиб борилади. Маърузачи маъруза пайтида ўқув материални баён этаётганида муаммоли масалалар тузади ва уларни ўзи ечади, тингловчилар эса ечимларни излаш жараёнига фақат ҳаёлан қўшиладилар. Масалан, «Ўсимликлар ҳаёти ҳақида» мавзусидаги маърузанинг бошида «Нега илдиз ва тана қарама - қарши томонларга ўсади?» деган муаммо қўйилади, аммо маърузачи тайёр жавобни бермайди, у фаннинг бу ҳақиқатга қандай етиб келгани, бу ходиса сабаблари ҳақидаги фаразларни текшириш бўйича ўтказилган тажрибалар ҳақида ҳикоя қилади.

2. Қисман изланувчан фаолият тажрибалар, лаборатория ишларини бажаришда муаммоли семинарлар, евристик суҳбатлар давомида намоён бўлади. Маърузачи муаммоли саволлар тизимини тузади, бу саволларга жавоблар олинган билимлар базасига таянади, аммо улар олдинги билимларда мавжуд эмас, яъни саволлар тақсил олувчиларга интеллектуал қийинчиликлар туғдиради ва мақсадга йўналтирилган ижодий изланишга ундайди. Маърузачи имкони борича «бошқача жавоблар» йўналтирувчи саволларни тайёрлаб қўйиши лозим, у тақсил олувчилар жавобларига таяниб, якуний хулоса қилади. Қисман изланиш усули, 3 ва 4-даражали масулдорлик фаолиятини (фойдаланиш, ижод) ва билимларни 3 ва 4-даражасини билим-қўникма, билим-трансформация (қайта шаклланиш) таъминлайди. Анъанавий тушунтириш ва репродуктив ўқитишга эса, билим-таниши ва билим-нусха шаклланади, холос.

3. Мустақил тадқиқот фаолиятида тақсил олувчилар мустақил равишда муаммони ифода этадилар ва уни ечадилар (курс ёки битирув ишларида, илмий тадқиқот ишларида) ва маърузачи назорати билан якунланади, бу эса 4-даражали махсулдорлик фаолиятини (ижод) ва 4-даражали энг самарали, мустахкам билимни эгаллашни таъминлайди.

Табақалаштириб ўқитиш технологияси ҳақида

Табақалаштириб ўқитиш ўқув жараёнини ташкил этишнинг шакли сифатида умумий дидактика принципларига асосланган бўлиб, махсус ташкил этирилган тақсил олувчиларнинг гомоген гуруҳларида, ўқув жараёнини ихтисослаштиришни таъминлайди

Ўқитишни табақалаштириш – услубий, психологик-педагогик ва ташкилий-бошқарув тадбирлар мажмуаси асосида тузилган турли хилдаги гомоген гуруҳларда ўқитиш учун турли хил шарт-шароитларни яратиш демакдир.

Ўқитишнинг энг юқори олий поғонаси индивидуал ўқитиш ҳисобланади.

Тақсил олувчининг мавжуд шахсий имкониятларни рўёбга чиқаришини таъминлаш, замонавий ўқув жараёнига қўйиладиган жадаллашган илмий-техникавий тараққиётининг талабидир. Бунга индивидуал ва индивидуаллаштирилган ўқитиш орқали эришиш мумкин.

Индивидуал ўқитиш – бу ўқув жараёнининг ташкил этишнинг шакли бўлиб, бунда педагог тақсил олувчилар билан яккама-якка шуғулланади, тақсил олувчи ўқув воситалари ёрдамида узлуксиз мустақил таълим олади.

Индивидуал ўқитишнинг афзалликлари: педагогик жараённинг тақсил олувчи қобилиятларига мослашувчанлиги имкониятидир. Бунда тақсил олувчининг билим олиш даражаси доимий мониторингини амалга ошириш ва зарурий тузатишлар киритиш натижасида мақбул педагогик жараён ташкил этилади.

Индивидуал ёндашиш – бу педагогик принципга кўра, педагогик жараёнда педагогнинг тақсил олувчилар билан ўзаро муносабати, уларнинг шахсий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда курилади ва бутун гуруҳ ҳамда ҳар бир алоҳида тақсил олувчининг ривожини учун психологик-педагогик муҳит яратилади.

Индивидуаллаштирилган ўқитиш бундай ўқув жараёнини ташкил этишда индивидуал ёндашиш асосида ўқитиш йўллари, усуллари, суръати танланади ва турли ўқув-услугий психологик-педагогик ҳамда ташкилий бошқарув тадбирлари орқали таъминланади.

Якка тартибда ўқитиш технологияси – бунда ўқув жараёнини ташкил этишда индивидуал ёндашиш ва ўқитишнинг индивидуал шакли устувор ҳисобланади. Ўқитишнинг барча шахсга йўналтирилган технологияларида у ёки бу даражада индивидуал ёндашиш қўлланилади. Индивидуаллаштирилган ўқитишнинг асоси, тақсил олувчининг индивидуал-педагогик хусусиятларини ўрнатиш ҳисобланади. Олинган натижалар асосида, ўқитиш усули танланади. Қабул қилинган технологиялар, қоидалар ва принципларга кўра ўқитиш жараёни амалга оширилади.

Ўқишнинг асосан 2 тури фарқланади: овоз чиқариб ўқиш ва овоз чиқармай ўқиш.

Овов чиқариб ўқишга ўргатишда 3 метод кузатилади:

- Товуш методи (товушларни -фонемаларни ва харфларни бир-бирига қўшилиб ўқилиши ўргатилади).
- Сўзларни бир-бирларига қўшиб гаплар ҳосил қилиш ўргатилади.
- Гап, гапларни ўқиш ўргатилади.

Бу уччала методнинг бирикиши яъни, биргаликда ишлатилиши ўқиш малакасини ҳосил қилади.

А.П.Старков ўқишга ўргатишнинг 3 босқичини фарқлайди:

- Босқич: ўқиш механизми ҳосил қилинади. Бу эса аввал оғзаки ўрганилган лексик-грамматик материал асосида амалга оширилмоғи шарт. Бу этапда тил ҳодисаларининг кўриш график, товуш образлари ўртасида ассоциация (боғланиш) ҳосил қилинади.
- Босқич: ҳосил қилинган ўқиш механизми асосида овозсиз ўқиш малакалари ўстирилади. Бу босқичда ҳам ўқиш босқичидагидек ўқув (ўрганиш) характерида кечади. Ўқиш учун ажратилган матнларда айрим нотаниш сўзлар учрайди. Ўқувчиларда уларнинг маъносини топиб олиш малакалари ўстирилади. Сўз бойлиги ортиб боради. (5-7 синф).
- Босқич: Бу босқичда турли стилга таълуқли матнлар ўқилади. (бадий, сиёсий, илмий). Ўқувчилар луғат билан ишлашни ўрганишади. Айрим нотаниш сўзларни луғатсиз билиб олиш (маъносини топиб олиш) малакалари ўстирилади. Шундан янги ахборот олиш манбаи сифатида фойдаланилади, овозсиз ўқиш янги ахборот олиш воситаси ҳисобланади. Ўқишдан таълимий ва тарбиявий мақсадда фойдаланилади. (7-10 синф).

Ўқишга ўргатишда ўқувчиларга матнни ўзлари ўқишларига имкон бериш керак. Фақат ўқиш техникаси ўстирилаётганда ўқитувчи аввал ўзи ўқиб бериши мумкин, лекин бунда график эмас, балки кинестетик образ

ўрганилади. Ўқишга ўргатиш ўқувчиларга харфларни таништириш билан бошланади. Бунда карточкалардан фойдаланиш мумкин.

1) ўқувчиларга г, п, е харфлари туширилган карточкаларни тарқатиб улардан "гер" сўзини хосил қилиш машқлари;

2) ўқувчиларни харф ва харф бирикмаларини ўқилишини текшириб кўриш;

3) "г" харфига мисоллар топиш, яъни "г" харфи билан бошланувчи сўзларни ёзиш;

4) ўқувчиларга товушларни кўрсатиб (масалан: [ou] [0]) улар англатган харфларни ёзишни сўраш

Сўзларни ўқишга ўргатишда ҳам ана шу каби машқлардан фойдаланиш мумкин:

1) have, take, lake, give ... каби сўзлар ичидан қоидадан ташқари ўқилувчи сўзларни топиш.

2) ўқувчилардан улар кўпинча хатога йўл қўядиган яъни талаффуз қилганда фарқламайдиган сўзларни контрастив усулда ўқишни сўраш.

Масалан: yet – let; cold – could; come – tome; called - cold

3) ўқувчилардан сўзларни бир-бирларидан фарқловчи харфларни айтишни сўраш.

Масалан: hear – near; since – science; hear – hare; with - which

4) ўқувчилардан маълум диграфларни ўз ичига олган сўзларни матндан топишни сўраш. Масалан: oo, ow, igh, sa, th

График образи билан талаффуз образи мос келмайдиган сўзларни ўқишни ўргатишда транскрипциядан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Транскрипция 5 синфдан бошлаб ўргатилиши мумкин, бошланғич этапда матн ўқитувчи томонидан ўқилади. Бундай ўқиш маълум дарсларгагина таълуқли. Кейинчалик эса хор билан ўқиш қисқартирилади, лекин йўқотиб юборилмайди. Овоз чиқариб ўқиш барча синфларда чет тил ўрганиш воситаси сифатида қаралмоғи ва ўқиш техникасини ўстириш билан боғлиқ кўникмаларни ўстиришга қаратилиши лозим. Шу мақсадда ўқитувчи қуйидаги ўқув турларидан фойдаланади:

- Диагностик ўқиш -ўқувчилар ўқийди, ўқитувчи уларнинг хатосини кузатиб боради;
- Инструктив ўқиш -ўқувчилар ўқитувчи томонидан кўрсатилган наъмунага мувофиқ ўқишади;
- Назорат ўқиш (тест реадинг) ўқувчилар ўқитувчига тақлид қилиб ўқийдилар;

Инглиз тилида ўқишга ўргатишда ўқувчилар йўл қойган хатоларни аниқлаш ва тузатиш масаласи ҳам муҳим масалалардан бири. Хўш, уларни қим тузатиши ва қандай тузатиши керак? Г.В.Рогованинг фикрича ўқувчи йўл қўйган хатосини ўзи тузатиши керак. Агар ўзи билмаса, у ҳолда ўқитувчи тўғрилаши керак. Ўқишга ўргатишда ва ўқувчиларни йўл қўйган хатоларини тўғрилашда қуйидаги маслаҳатга риоя қилиш мақсадга мувофиқ: Ўқитувчи доскага инглиз тилида сўз ёзиб (black) ундаги "ck" ҳарф бирикмасининг ўқилишини ўқувчилардан сўрайди.

Ўқувчилардан бири ўқувчи хатога йўл қойган сўзни ўзбек тилида сўрайди. Масалан: What is the English for “ишламоқ”?

Ўқувчилардан бири (ёки ўқитувчи ўзи) текстни ўқиган ўқувчига шундай топшириқ бериши мумкин: Find the word “сайр қилмоқ” and read it.

(Brumfit, C. Communicative Methodology in Language Teaching, the role of accuracy and fluency. Cambridge: Cambridge University Press, 1992.)

Ўқитувчи ўзи ўқувчи йўл қойган хатони тўғрилайди, ўқувчи эса қайтаради. Ўқитувчи ўқувчи хатога йўл қойган сўзни доскага ёзишни ва хато ўқилган ҳарф бирикмасини остига чизишни ва уни ўқилиш қондасини сўрайди. Хатони тўғрилашдаги тортишувга сабаб бўлган масалалардан бири: "Ўқитувчи ўқувчининг хатосини у текстни ўқиб бўлгандан кейин тузатиш керакми ёки хатога йўл қўйилган пайтдами?" деган масаладир. Бунда иккала йўл ҳам тўғри. Агар сўз текстда кўпроқ учраса, уни хатога йўл қўйилган пайтда тўғрилаш керак (ўқитувчининг ўзи).

Овозсиз ўқиш (Silent reading)

- Гаплардаги янги ахборотни тушиниб олиш;

- "Маънони топиб олиш" малакасини ўстириш.

Машқлар: қуйидаги гапларни ўқинг ва ўзингиз тушинмаган, билмаган сўзларни маъносини тушинишга ҳаракат қилинг.

- “ A man came into the room ” гапини ўқинг ва ноаниқ артиклни ишлатилишини тушинтиринг.
- Матнни ўқинг, ундаги янги ахборотни ажратиб кўрсатинг - I have a bag. The bag is black. It's a new bag. I like my new bag.
- Қуйидаги гапларни қисароқ гапларга айлантиринг.

Матнни ўқишдан олдин саволлар берилиши мумкин. Бу ўқувчиларни диққатини матндаги асосий ахборотга қаратади:

Read and tell why Ben doesn't go with Bill. Read and find answer to the questions.

Read the text and find the words which describe the room. Read the text and prove that a kind woman.

Ўқувчиларни текстни қанчалик тушинганлигини қуйидагича текшириб кўриш мумкин:

Find the following sentences in the text, (ўзбек тилида гаплар берилади);

Correct, the following statements which are not true to the fact;

Recite the text. Answer the questions (why questions are desirable); Translate the text (orally or in the written form);

Write short annotation of the text, (инглизча ёки ўзбекча бўлиши мумкин).

Ўқувчилардан бири матнни хикоя қилади, қолганлари навбат билан давом этади. Матнни турли абзацларини алохида-алохида сўраш мумкин.

Иккинчи боб юзасидан хулоса

Тил воситасида ўзаро фикр алмашинади, хиссиётлар намоён бўлади, инсоният ҳаёти давомида тўплаган тажрибалар билан танишиш имконияти яратилади.

Мулоқот воситалари кўп, бироқ фқаат тил орқалигина фикрингизни, кувонч ва ташвишларингизни, хиссиётларингизни ифодалаш мумкин. Бошқа воситалар инсон рухиятини, хиссиётларини тилчалик ифодалай олмайди. Дарҳақиқат, кишилиқ жамиятида бирор - бир жараён йўқки, тил иштирок этмаган бўлсин.

Зеро, тилнинг ана шундай бекиёс имкониятларидан ўқувчи – ёшларни бахраманд этиш, она тилимиз билан бир қаторда чет тилларга ҳурмат – эҳтиром туйғуларини тарбиялаш ушбу соҳа мутахассислари зиммасидадир. Ҳозирги кун таълими педагоглар олдида ўқувчи – ёшларга фақат билим бериш эмас, билим олиш йўллариини ўргатиш талабини қўймода. Бундай талабнинг моҳияти шундаки, ўқувчини мактабдан кейинги ҳаётга тайёрлаб, ўз устида мунтазам ишлаш, билим доирасини кенгайтириб бориш кўникмаларини шакллантиради. Билим олиш эса, ўқувчининг мустақил фаолияти орқали амалга ошади. Айнан шу масала, яъни ўқувчиларда мустақил ва ижодий фикрлаш кўникмаларини таркиб топтириш масаласи таълимда энг асосий ва муҳим вазифасидир. Ижодий тафаккур, меҳнатга ижодий муносабатда бўлиш – ана шу таълим ислохотидаги ва шахсни ҳар томонлама камол топтиришдаги муҳим жихатлардандир.

Битирув малакавий ишимда 5-9 синфларда хорижий тилларни ўқитишда замонавий педагогик технологиялар ва интерфаол усулублардан фойдаланиш тўғрисида батафсил маълумот беришга ва замонавий педагогик технологияларни таълимга тадбиқ этишнинг афзалликлари, 5-9 синфларда хорижий тилларни ўқитишда янги педагогик технологияларнинг ва интерфаол усулларнинг турлари, таълим жараёнида уларнинг қўлланилиши, дарсларни режалаштириш ҳамда машғулотнинг технологик харитасини

тузиш масалаларини тўлиқроқ таҳлил қилишга, шу билан бирга битирув малакавий ишим давомида бу мавзунини тўла ёритишга ҳаракат қилдим.

Асосий қисмининг II бобида 5-9 синфларда хорижий тилларни ўқитиш хусусиятлари, мақсади, таълим технологиялари ҳамда уларни чет тилларни ўқитишда қўллашнинг самарадорлиги, ақамияти ҳамда уларни таълимга тадбиқ этиш афзалликлари ҳақида маълумотлар берилади.

II бобида 5-9 синфларда хорижий тилларни ўқитишда интерактив методлар ва таълим технологиялари тўғрисида маълумотлар ҳамда уларни чет тилларни ўқитишда қўллашнинг самарадорлиги, дарс жараёнида лексик, грамматик, фонетик материалларни ўқитишда замонавий педагогик технологиялар ва интерфаол услублардан фойдаланишнинг долзарблиги, амалий ақамияти ҳамда уларни таълимга тадбиқ этиш афзалликлари ҳақида маълумот берилади. Инглиз тилида ўқитишни ўргатишда интерфаол усуллардан фойдаланиш масалалари ва уларнинг турлари мисоллар билан ёритилади ва таҳлил қилинади. Таҳлил қилиш давомида технологияларни ва интерфаол усулларни яратилиш тарзи, мазмуни, қўлланилиши ва ўзига хос жихатларига эътибор берилади, инглиз тили дарсларини режалаштириш ва технологик харита, яъни дарс лойихаси, уни тузиш тўғрисида маълумот берилади.

III БОБ. 5-9 СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ИНГЛИЗ ТИЛИДА ЎҚИШ МАЛАКАЛАРИНИ ШАКЛЛАНГАНЛИГИНИ ТАЖРИБА-СИНОВ ОРҚАЛИ ТЕКШИРИШ

III.1. Тажриба-синов ишларининг мақсад ва вазифалари

Мактабда кичик мутахассислар тайёрлаш мураккаб, айти пайтда, маъсулиятли ишдир. Мактабларда барча фан(соха)лар бўлажак кичик мутахассислар меҳнатининг узига хос хусусиятларини инобатга олган холда ўқитилишини талаб этади. Бинобарин, инглиз тилининг ўрганилиши ҳамда ягона мақсад - халқаро стандартларга мос келадиган малакали кичик мутахассислар етиштиришга қаратилгандир. Бугунги тезкор давр ёш авлодни хар томонлама билимдон, зукко килиб тарбиялаш каби вазифаларни кун тартибига қуймокда.

Мустақил Республикамиз сиёсий ва иктисодий, маънавий-маърифий равнақида чет тилларни мукамал билиш давримизнинг устувор вазифасига айланди. Шу боис, чет тилларни ўрганиш ва ўргатишда илғор технологиялардан фойдаланиш зарурияти пайдо бўлди. Айтиқса, чет тилларда ўқиш катта аҳамиятга эгадир. Илмий-тадқиқотимизда мактаб ўқувчиларининг инглиз тилида ўқиш малакаларини шакллантириш мақсадида тажриба-синов ишларини ўтказдик. Илғари сурган илмий фаразларимизни далилаш йўлида, аввало, тажриба мактабларини танлаб олдик.

Тажриба-синов ишлари Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги №208 мактабда 2015-2016 ўқув йиллари давомида ўтказилди.

Чет тил ўқитиш методикаси масалаларига бағишланган илмий манбалар, мактаблар учун чиқарилган қўлланма, дастур ва ўқув режаларни ўрганиш орқали мактабда чет тил, жумладан, инглиз тили ўқитиш жараёни таҳлил этилди.Шу билан бирга, юқорида кўрсатилган мактабнинг инглиз тили ўқитувчилари билан инглиз тили таълимини ташкил этиш мавзусида суҳбатлар ўтказилди.

Инглиз тили дарсларини мақсадли кузатиш билан бир пайтда, тадқиқот мавзуси юзасидан муаллим ва ўқувчилар ўртасида сўровнома ҳам ўтказдик. Муаллимлар фаолиятини кузатиш ва улар билан суҳбат чоғида эътиборни асосан қуйидагиларга қаратдик:

ўқув материални дидактик назария асосида танланиши;

ўқитишнинг қулай услуб ва воситаларининг қўлланиши;

ўқувчиларнинг аудитория машғулоти ва мустақил ишларини режалаштирилиши;

ўқувчилар нутқий фаолиятини назорат қилиниши;

ўқувчиларнинг билиш фаолиятини ривожлантиришга қаратилган муаммоли-изланувчан характердаги топшириқларнинг ва касбий фаолиятларига оид билим, кўникма ва малакаларни шакллантирувчи машқларнинг бажарилиши; она тили, иккинчи тил, инглиз тили орасида боғланишнинг таъминланиши;

тиллар ва касбий фанлар ўртасидаги алоқанинг мавжудлиги;

ўқувчиларнинг реал имкониятлари доирасида таълим-тарбия берилиши.

Инглиз тили муаллимлари педагогик фаолиятини кузатиш бу қатор ютуқлар мавжудлигини кўрсатди. Тажрибали муаллимлар мактабда инглиз тили дарсларида замонавий педагогик технологиялар уйин-топширик, стратегиялар, интерактив методлар, компьютер техникаси ва тестдан фойдаланиб дарс ўтишмоқда.

Ўйин-топширик ва турли стратегиялардан фойдаланиб ўтилган инглиз тили дарсларида ўқувчиларнинг сўз бойлиги ва билиш фаоллигини ошириш, сўзлардаги ассоциацияни тушуниб етишда дуч келаётганлигига гувоҳ, бўлдик. Интерактив методлар билан ўтилган дарсларда ўқувчиларнинг тилга бўлган қизиқишлари кучайиши, хотира мустаҳкамланиши, ўқувчилар нутқидаги хатоларни бартараф этишда қўшимча имкониятлар пайдо бўлди. Таълим жараёнида ўйин-топширик ва стратегиялардан фойдаланиш ўқувчини зерикишдан сақлади, мустақил тарзда эркин фикр юритиш ва ўқитувчи билан ҳамкор сифатида ишлашига йўлга қўйилди.

Мактабда замонавий компьютер техникасидан фойдаланиш инглиз тили таълими самарадорлигини оширишда кенг имкониятлар очмоқда. Баъзи тажрибали инглиз тили муаллимлари мазкур техник воситадан дарсларда унумли фойдаланмоқдалар.

Фанда ишлаб чиқилган педагогик воситалардан тест нафақат ўқувчилар билимини текшириш, балки уни шакллантириш ва мустахкамлашда катта ўрин эгаллайди. Тест жараёнида ўқувчилар мустақил ишлайдилар, ўзини баҳолай оладилар. Тестнинг компьютер ёрдамида ўтказилиши мактаб инглиз тили таълимида ижобий натижалар бериши яна бир бор ўз тасдиғини топди. Айниқса, ўқувчиларнинг инглизча нутқий кўникма ва малакаларини компьютер ёрдамида тест орқали назорат қилиниши вақтни тежаш ва ҳолисликни таъминлашда ёрдам берди.

Тажрибали муаллимлар фаолиятида инглиз тилида касбий йуналтириш тамойилига риоя қилиниши кузатилди. Бунда ўрта таълим йўналиши буйича мутахассисликка оид инглизча матнларни ўқиш самарадорлиги кўтарилди.

Мактабда инглиз тили муаллимлари фаолиятида қайд этилган қатор ютуқлар билан бирга жиддий камчиликлар ҳам аниқланди. Дарсларни кузатиш жараёнида шунинг гувоҳи бўлдики, фақат баъзи муаллимларгина инглиз тили ўқув материални синчковлик билан танлайдилар.

Дарс конспектларини таҳлил қилиш муаллимларнинг ўқув жараёнини режалаштиришга етарли эътибор бермасликларини кўрсатди. Хусусан, ўқув машғулотининг мақсад ва вазифаларини аниқ белгилашмайди. Маълумки, дарс режасини тузиш шунчаки расмийлик эмас, балки ижодий педагогик меҳнатдир. Турли режалар қўлланилади, дарснинг босқичлари турлича белгиланади ва ҳ.к. Баъзи режаларда дарс мавзуси ва унинг ўтказилиш санасини белгилаш билан чекланилса, айримларида дарснинг жихозланиши кўрсатилмаган, яна бошқаларида ўқувчилар мустақил ишининг ҳажми ва унинг ташкил этилишида ўтилган дарсни ҳисобга олиш ҳамда назорат қилиш белгиланмаган. Кўп ҳолатларда гуруҳлар янгиланиши муносабати билан режага ўзгартириш киритилмайди, таълимнинг айна ҳозирги шароити

хисобга олинмайди. Пухта тайёргарлик кўрилмаганлиги сабабли таълимнинг техник воситалари қўлланилган дарслар хамиша ҳам кутилган натижаларни беравермайди.

Ўқувчилар фаолиятини назорат қилиш усуллариининг таҳлили курсатишича, инглиз тили дарсларида муаллимлар таълимнинг назорат турлари ва мазмунини яхши билмаслик, назоратнинг ўз-ўзини бошқариш каби фойдали турларини инкор этиш, назоратнинг тест услубидан фойдаланмаслик холлари кенг таркалган.

Ўқувчилар фаолиятини мунтазам ва асосли равишда назорат қилиб бориш уларга қийинчиликларни енгилда ўз вақтида ёрдам бериш учун зарурдир, акс холда ўқувчиларда салбий хис-туйғулар пайдо бўлади, яъни тил ўрганишдан кунгил совиши, ўз имкониятларига ишонмаслик, охир- оқибатда тил ўрганишга бўлган қизиқишнинг сўниб бориши кабиларга дуч келинади.

Мактабда инглиз тили таълимининг ҳозирги ҳолатини ўрганиш, таҳлил этиш ва умумлаштириш қуйидаги хулосаларни чиқаришимизга асос бўлди:

Инглиз тили муаллимларининг аксарияти ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини олдиндан режалаштириш тажрибасига тўла эга эмаслар.

Мактаб инглиз тили муаллимларининг қупчилиги ҳар бир ўқувчининг реал имкониятларини ўрганиш бўйича махсус иш олиб боришмайди.

Муаллимларнинг ўқув материали устида олиб борадиган ишнинг шакли, тури ва услублари - анъанавий (ўқиш, таржима, гапириб бериш, дуч келган саволга жавоб бериш ва ҳ.к.) характерга эгадир. Илғор тажрибали муаллимлар дарсда ижодий, муаммоли-изланиш характеридаги услуб(инглиз тилида ихтисосликка оид матнларни ўқитиш, соҳавий йуналишда фойдали ахборот бериш)лардан фойдаланадилар.

Мактабда таълимнинг техник воситаларидан кам фойдаланиш ёки мақсадга мувофиқ фойдаланмаслик туфайли таълимнинг сифати, ўқувчиларга пухта билим, кўникма ва малакалар бериш ҳозирги талаблар даражасида эмаслиги ачинарли ҳолдир. Ваҳоланки, таълимнинг техник воситалари тил ўрганувчиларга магнит тасмасига ёзилган диктор нутқини

тинглаб тушуниш, фикрни оғзаки баён қилиш, ўқиш ва қисман ёзув машқларида кўл келадиган аудиовизуал воситалардир, улардан мактабда кенг кўламда фойдаланиш таълим жараёнини жадаллаштиришга хизмат қилиши далилталаб эмасдир. Таълимнинг техник воситалари ёрдамида тест ўтказишга, муаммоли ўқитишга, афсуски, етарли даражада эътибор берилмай келиняпти.

Мактабдада инглиз тили таълимининг дастлабки кунлариданок муаллим раҳбарлигида, мазкур фанни ўрганиш усулларини ўқувчиларга ўқитиб, уларга ақлий меҳнат малакасини сингдириб бориш зарур. Лекин, кузатишнинг турли усулларини қўллаш натижасида ўқувчиларнинг мустақил ишлашлари илмий асосда ташкил қилинмайди.

Муаллимлар кундалик педагогик фаолиятларида инглиз тилининг она тили ва иккинчи тил ва соҳавий фанлар билан предметлараро боғланишга аҳамият бермайдилар. Фикримизча, ўқувчиларга она тили, иккинчи тил ва инглиз тилини ўқитишда предметлараро боғланишдан фойдаланиш тил таълимини такомиллаштиришнинг энг муҳим омиллари қаторида туради. Тадқиқот натижалари таҳлилига асосланиб лисоний таълимни такомиллаштириш бўйича қуйидаги таклиф ва мулоҳазаларни ҳавола этамиз: (1) мактабда чет тил соатлари миқдорини кўпайтириш, (2) оригинал дарсликлар яратиш, (3) чет тиллар ўқитиш борасида ўрта мактаблар ўртасида изчилликни йулга қўйиш кабилар.

Мактабда инглиз тилини умумтаълимий предмет сифатида ўқитишнинг ҳозирги аҳволдан аён бўлган камчиликлар ва ижобий томонлар тадқиқотни давом эттириш учун самарали тўртки бўлди.

Мақсадли кузатувлардан ташқари мактаб ўқувчиларига эгаллаётган касб-корларида инглиз тилининг аҳамиятига доир анкета саволларини бериш ва уларга жавоб олиш орқали, мазкур фанга бўлган уларнинг муносабатларини аниқлашга эришдик. Анкета саволлари икки босқичда ўтказилди. Биринчи босқичда фақат ўқувчиларнинг инглиз тилига бўлган қизиқиш ва

муносабатлари аниқланди. Анкета сўровномасида 30 нафар мактаб ўқувчилари иштирок этдилар. Қуйида ушбу саволларни келтирамиз:

1. Хорижий тилларни ўрганиш зарур, деб ҳисоблайсизми?
А. ҳа Б. унчалик эмас В. Йўқ
2. Малакали мутахассис бўлиб етишишингизда инглиз тилининг ўрнига бўлган муносабатингиз?
А. яхши Б. унчалик эмас В. жавоб бериш қийин
3. Мутахассислигингиз буйича хорижий тажрибани ўрганишга булган муносабатингиз?
А. яхши Б. унчалик эмас В. жавоб бериш қийин
4. Мутахассисликка доир инглиз тилидаги қўшимча фойдали ахборотларни ўрганиб боришни ҳаётий зарурият, деб ҳисоблайсизми?
А. ҳа Б. унчалик эмас В. Йўқ
5. Инглиз тилидаги қўшимча фойдали адабиётларни ўқиб тушуна оласизми?
А. Ҳа Б. унчалик эмас В. Йўқ

Анкета суровномаларига берилган жавобларни мухтасар таҳлил қиламиз. Биринчи саволга 40 ўқувчи (92 %) “Хорижий тилларни урганиш зарур”, деб ҳисоблаган бўлсалар, 13 ўқувчи (11%) мазкур саволга “Унчалик эмас”, деб жавоб берганлар. Уқувчиларнинг озчилик қисми 7 ўқувчи (3 %) мазкур саволга “Йўқ” жавобини берганлар.

“Малакали мутахассис бўлиб етишишингизда инглиз тилининг ўрнига бўлган муносабатингиз?”, суровномасига 33 ўқувчи (85 %) “Яхши”, 25 ўқувчи (10 %) “Унчалик эмас”, 12 ўқувчи (5%) “Жавоб бериш қийин”, деган фикр билдирганлар.

“Мутахассислигингиз буйича хорижий тажрибани ўрганишга муносабатингиз?”, деб сўралганда, ўқувчиларнинг 37 таси (87 %) “Яхши”, 8 ўқувчи (11 %) “Унчалик эмас”, 5 ўқувчи (2 %) “Жавоб бериш қийин” эканлигини ифода қилишган.

“Мутахассисликка доир инглиз тилидаги қўшимча фойдали ахборотларни ўрганиб боришни ҳаётий зарурият, деб ҳисоблайсизми” саволига, ўқувчиларнинг 43 таси (75 %) “Ҳа”, 23 (17 %) “Унчалик эмас”, 8 таси (8 %) “Йўқ” жавобини берганлар.

Охирги - “Инглиз тилидаги қўшимча фойдали ахборотларни ўқиб тушуна оласизми” саволига 40 ўқувчи (60 %) “Ҳа”, 20 таси (30 %) “Унчалик эмас”, 15 таси (10 %) “Йўқ”, деб жавоб беришган.

Юқоридаги биринчи босқич анкета сўровномаси бўйича олинган жавоблардан шуларни хулоса қилиш мумкинки, ижобий жавоблар сони 87%ни ташкил қилади. Уларнинг курслар бўйича ўсиб боришини кузатиш мумкин. Бундан шу нарса аён бўладики, ўқувчилар коллежнинг юқори босқичига утган сари чет тил, жумладан, инглиз тилига муносабатларининг ижобийлашганлиги кузатилди, яъни коллежларнинг юқори босқич аксарият ўқувчилари ўзларининг келгуси касбий фаолиятларида “Инглиз тили таълимини муҳим эканлиги”ни таъкидлашади.

Анкета сўровномасининг иккинчи босқичи мактабларда ўқитиладиган инглиз тилининг хусусиятлари билан боғлиқ бўлиб, нутқ фаолияти турлари ва тил материаллини эгаллашда ўқувчилар дуч келаётган қийинчиликларни аниқлашга мўлжалланган. Мазкур сўровнома саволлари қуйидагилардан иборат эди:

1. Инглиз тилининг зарурлиги нимада ифодаланади?
 - а) келажакда хорижий мамлакатлар билан алоқалар ўрнатиш учун;
 - б) касбга боғлиқ бўлган хорижий адабиётларни ўқиб бориш учун;
 - в) инглиз тилидаги вақтли матбуот ва теледастурларни тушуниш учун.
2. Нима учун инглиз тилини ўрганмоқчисиз?
 - а) инглиз тилидаги адабиётлардан хабардор бўлиб бориш учун;
 - б) хорижлик кишилар билан мулоқот қилиш учун;
 - в) ихтисосликдан олий ўқув юртида ўқишни давом эттириш учун.
3. Инглиз тилидаги қандай адабиётларни мунтазам ўқиб борасиз?
 - а) адаптация қилинган бадиий адабиётларни;

- б) адаптация қилинган саргузаштга бой адабиётларни;
- в) мутахассисликка оид адаптация қилинган илмий-оммабоп адабиётларни.

4. Инглиз тили билан шуғулланишга вақт ажратасизми? Вактингизни кўпроқ нималарга сарфлайсиз?

- а) инглиз тили грамматик ходисаларини ўрганишга;
- б) инглиз тили лексика материалига;
- в) инглиз тили талаффузини ўрганишга.

5. Инглиз тили тўғаракларида фаол қатнашасизми?

- а) мунтазам қатнашишга ҳаракат қиламан;
- б) баъзан қатнашаман, айрим пайтда қолдираман;
- в) қатнаша олмайман, чунки инглиз тилини яхши билмайман.

6. Инглизча адабиётларни ўқишингизга нималар тусқинлик қилади?

- а) инглиз тили грамматикасидан етарли билимга эга эмаслик;
- б) луғат захирасининг етарли эмаслиги;
- в) инглиз тилидаги луғатлардан фойдалана билмаслик.

7. Инглиз тили дарсларида нималарни ўргандингиз?

- а) инглиз тилидаги матнларни луғат ёрдамида ёки луғатсиз ўқишни;
- б) ўқилган матнлар бўйича суҳбат қилишни;
- в) инглизча грамматик ва лексик материалларни.

Иккинчи босқичнинг “Инглиз тилининг зарурлиги нимада ифодаланади?”, деган биринчи саволига 35 ўқувчи (58 %) “Келажакда хорижий мамлакатлар билан алоқалар ўрнатиш учун”, 23 таси (22 %) “Касбга боғлиқ бўлган хорижий адабиётларни ўқиб бориш учун”, 20 ўқувчи (20%) “Инглиз тилидаги вақтли матбуот ва теледастурларни тушуниш учун”, деб жавоб берганлар.

“Нима учун инглиз тилини ўрганмоқчисиз?” саволига 30та ўқувчи (50 %) “Инглиз тилидаги адабиётлардан хабардор бўлиб бориш учун”, 10та ўқувчи (10 %) “Хорижлик кишилар билан мулоқот қилиш учун”, 20таси (40

%) ўқувчи “Ихтисосликдан олий ўқув юртида ўқишни давом эттириш учун”, деб муносабат билдирдилар.

“Инглиз тилидаги кандай адабиётларни мунтазам ўқиб борасиз?” деган саволга: 12 ўқувчи (25 %) “Адаптация қилинган бадиий адабиётларни”, 8 ўқувчи (15 %) “Адаптация қилинган саргузаштга бой адабиётларни”, 40 ўқувчи (60 %) “Мутахассисликка оид адаптация қилинган илмий-оммабоп адабиётларни ўқиб бориш”ларини билдирдилар.

Туртинчи “Инглиз тили билан шуғулланишга вақт ажратасизми? Вақтингизни кўпроқ нималарга сарфлайсиз? саволига 20 ўқувчи (40 %) “Инглиз тили грамматикасини ўрганишга”, 23 ўқувчи (45 %) “Инглиз тили лексик материалига, 7 ўқувчи (15 %) “Инглиз тили талаффузини ўрганишга”, деб муносабат билдиришган.

“Инглиз тили тугаракларида фаол қатнашасизми? саволига 48 ўқувчи (72 %) “Мунтазам қатнашишга ҳаракат қиламан”, 15 таси (30 %) “Баъзан қатнашаман, айрим пайтда қолдираман”, 8 ўқувчи (8%) “Қатнаша олмайман, чунки инглиз тилини яхши билмайман”, деб жавоб беришган.

Навбатдаги “Инглизча адабиётларни ўқишингизга нималар тусқинлик қилади?” саволига 15 ўқувчи (30 %) инглиз тили грамматикасидан етарли билимга эга эмасликлари, 37 ўқувчи (42 %) луғат заҳираларининг етарли эмаслиги”, 20 таси (28 %) инглиз тилидаги луғатлардан фойдалана билмасликлари” ҳақида жавоб қилишди.

Охирги “Инглиз тили дарсларида нималарни ўргандингиз?” саволига 29 ўқувчи (44 %) инглиз тилидаги матнларни луғат ёрдамида ёки луғатсиз ўқишни, 15 ўқувчи (30 %) ўқилган матнлар буйича суҳбат қилишни, 11 ўқувчи (26 %) инглизча грамматик ва лексик материалларни ўрганганликларини баён қилишди.

Юқорида келтирилган микдорий кўрсаткичлардан кўриниб турибдики, мактаб ўқувчиларининг кўпчилик қисми инглиз тилини бугунги кунги ҳаётларида ва келажакдаги касбий фаолиятларида тутган ўрнини етарли

миқдорда баҳолай олганлар. Шу билан бирга, инглиз тили таълимида дуч келаётган қийинчиликларни ҳам объектив кўрсатиб ўтганлар.

3.2. Тажриба-синов ишларининг миқдорий ва сифат кўрсаткичлари

Махсус ташкил этилган тажриба-синов ишлари муаллим ва ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини ҳар томонлама ўрганиш ҳамда лисоний таълим самарадорлигини ошириш бўйича илмий хулосалар чиқаришни назарда тутди. Тажриба-синов ишлари табиий шароитда ўтказилди. Тажрибада қатнашувчи гуруҳлар таркиби (тажриба ва назорат гуруҳи) белгиланди. Тажриба-синов ўтказиш учун юқорида кўрсатилган мактаблардан тажриба гуруҳида 30та ва назорат гуруҳида 30та ўқувчи иштирок этди. Шунинг таъкидлаб ўтиш лозимки, ҳар иккала гуруҳда ҳам соатлар миқдори тенг, инглиз тили ўрганиш дастури, ўқувчиларнинг лисоний жихатдан тайёргарлиги, гуруҳдаги ўқувчилар сони ҳамда ўқиш материалларига ўзгариш киритилмади. Ўқувчиларнинг инглиз тили бўйича билим даражасининг нисбатан тенглиги бизни қизиқтираётган саволларга объектив кўрсаткичлар олишимизга имкон берди.

Мактаб ўқувчиларининг инглизча ўқиш малакаларининг қай даражада шакллانганлиги бўйича эксперимент ишлари ўтказилди. Ўқиш бўйича кўйидаги кўникма ва малакалар текширилди: тўғри ўқиш кўникмасини(инглиз тилида талаффуз ва ўқиш техникаси)ни эгаллаш; матнни ўқиб, унинг мазмунини луғат ёрдамида ва луғатсиз тушуниш малакалари.

Ҳозирда жорий қўлланманинг турли йуналиш(профил)даги мактаблар учун мўлжалланганлигини ҳисобга олиб, соҳавий матнларни биз ўқувчиларга қўшимча тарзда бериб бордик. Educational System of Uzbekistan, Preschool Education in Uzbekistan, Teachers' Training in Uzbekistan, Educational System of Great Britain and the USA ва ҳ.к. Енгил-саноат Ю(К учун: Mechanism of Market, Success in Business, Uzbekistan – Highly Developed Light-industrial Country, Fabrics for Footwear, Leather and Fur Manufacture ва ҳ.к. Соҳавий матнлар дарсда ва уйда ўқиш учун бериб борилди. Уларни ўқишни

ўргатишда чет тил ўқитиш амалиётида қабул қилинган матн билан ишлаш тамойилларига амал қилинди. Матн билан ишлашнинг уч босқичи амалиётга татбиқ қилинган: (1) тайёрлов, (2) ўқиб тушуниш, (3) матндан кейинги босқич.

Биринчи босқич матн олди тайёрлов машқларида лексика, грамматика ва талаффуз материали ва ўқиш техникасига оид машқларни бажаришга эътибор қаратилди.

Талаффуз бирликлари бўйича машқлар: 1. Товушни ёлғиз сўзда ва гапда айтиш. 2. Товуш бирикмаларини талаффуз қилиш. 3. Фарқлаш мақсадида товушларни қайтариш (чўзиқ ва қисқа унлилар юзасидан). 4. Муайян товуш бирикмаларини ўз ичига олган сўзларни айтиб, гаплар тузиш ва ҳк.

Лексик бирликлар бўйича машқлар: 1. Предметлар ёки уларнинг тасвири номларини инглизча айтиш. 2. Муаллимга/дикторга янги сўз ёки сўз бирикмасини такрорлаш. 3. Сўзни тинглаш ва товуш таркибини ўрганиш (суз гапда ёки ёлғиз такдим этилади). 4. Сўз/сўзларни ҳарфий таҳил қилиш. 5. Муайян ўқилиш қоидасини намойиш қилувчи сўзларни ўқиш. 6. Мустасно сузларни ўқиш. 7. Суз ясаш элементларини таҳил қилиш орқали янги сўз маъносини очиш. 8. Сўзни қўллаб оғзаки гаплар тузиш. 9. Муаллим айтган янги сўзни сўз бирикмасида/гапда қўллаш ва ҳ.,к.

Грамматик бирликлар бўйича машқлар: 1. Янги грамматикани бошқа таниш ходисалардан фарқлаш. 2. Тинглаб/ўқиб идрок этилган грамматик ходисанинг номини айтиш. 3. Муаллим ҳикоясини тегишли грамматик ходисани ишлатиб давом эттириш. 4. Ўқувчи ёки муаллим айтган грамматик ходисани гапда қўллаш. 5. Нутқий вазиятда грамматик ходисани қўллаш. 6. Тегишли грамматик ҳдисани қўллаб, савол-жавоб қилиш ва ҳ.,к.

Иккинчи босқич, матнни ўқиб тушунишга қаратилган бўлиб, ахборот олиш ва тушунганликни текшириш машқларини ўз ичига олади: 1. Матн мазмуни билан танишиш. 2. Берилган саволларга жавоб қидириш. 3. Муаллим фикрини исботловчи далилларни матндан топиш. 4. Турли топшириқларни

бажариш учун матнни қайта ўқиш. 5. Муаллим матндаги айрим ахборотларни атайлаб ўзгартириб айтади, ўқувчилар матндаги туғри маълумотни топадилар.

Матн устида ишлашнинг учинчи босқичида унинг лексикаси ва ахбороти асосида гапириш, тинглаб тушуниш ва ёзув малакаларини ўстириш бўйича машқлар бажарилди: 1. Якка нутқ ёки жуфт нутқда гапириш машқ қилинди. 2. Берилган матндан фойдаланиб гапириш. 3. Матн хусусиятига кўра тушунганликни текшириш учун матнни ёзма ёки айрим қисмларини оғзаки таржима қилиш. 4. Матн мазмунини навбатма-навбат айтиш. 5. Матн мазмунини режа асосида гапириб бериш ва х.к.

Дарсда соҳавий матнларни ўқишни ўргатиш билан бирга уйга ҳам ўқиш учун матнлар бериб борилди. Уйда ўқилган матнларни тушунганликни синфда оғзаки ва ёзма усулда текшириб борилди. Суффиксларни умумлаштириш машқига мисол:

Read the new words and pay attention to the suffixes

vocation, profession, technic, tradition, pedagogic/, educatio/,psychologic, physic, ment, mor, speci, gener, theoretic, experiment

education, matriculation, foundation, emotion, generation,

secondary, elementary, necessary, primary

higher, teacher, longer, poorer, leader

harmoniously, differently, potentially, fully

aesthetic, economic, arithmetic, academic, public, democratic

creative, comprehensive, selective, progressive

supplement, development, employment, department

Суз ясаш элементларини фарқлаш орқали янги сўз маъносини очиш ва уларни таҳлил этишга доир машқларда мисол келтирамиз.

Read and try to understand the meaning of the new words experiment-
experimental-experimentally specific-special-specially

physics-physical-physically theoretic-theoretical-theoretically

profession-professional-professionally vocation-vocational-vocationally

Соҳавий матнларда учрайдиган янги сўзларни бирикма тарзида тинглаш ва муайян ўқилиш қоидаларини намойиш этувчи сўз бирикмаларини ўқиш машқи.

Read and translate the new words

public education, preschool education, primary education, secondary education, higher education

secondary school education, secondary modern school, numerous pedagogical schools, specialized secondary schools

vocational college, teachers' training colleges, separate professional college, academic lyceums, educational institutions, pedagogical educational institutions, general education subjects, skilful teachers, matriculation certificate physical, mental, moral and aesthetic education, psychological and physical peculiarities of the children

Юқоридаги машқлар соҳавий матнларни ўқишда ўқувчиларнинг тил материали ва ўқиш техникасига оид кўникмаларини матн олди тайёрлов машқларида мустаҳкамлашни кўзда тутди.

Иккинчи босқич, матнни ўқиб тушунишга қартилган бўлиб, ахборот олиш ва тушунганликни текшириш машқларини ўз ичига олади. Дарсда “Educational System of Uzbekistan” матни мактаб ўқувчиларига тарқатилди ва матн мазмунини мустақил тушуниш топшириғи билан ўқиш учун берилди.

Read and try to understand the text

Educational System of Uzbekistan

The educational system of Uzbekistan consists of preschool education, general secondary education, secondary special education (professional colleges and lyceums) and higher education. Preschool education includes creches and nursery schools (or kindergadens). Children under three are taken to the creches. The kindergadens accept children between the ages from three to six. Primary school consists of a three-year course for children at the age of six years old.

The system of public education in Uzbekistan is based on compulsory 9-year school for all citizens. General secondary schools all are the most widespread educational institutions for all children.

After completing the 9th form some pupils enter professional colleges and academic lyceums which give secondary education and matriculation certificates. After leaving professional colleges and academic lyceums young people may continue their education in higher institutions (universities and institutes) and they can get any profession.

Ўқувчилар матнни ўқиб тугатганларидан сўнг, ўқув топшириғи ўзгартирилган тарзда яна бир бор нотаниш ва потенциал лексикани мустақил фахмлаш учун матн иккинчи марта ўқиш учун берилди. Матн иккинчи бор ўқувчилар томонидан ўқилгандан сўнг, уни қандай тушунганликни текшириш бошланди. Бунда ўқувчиларга матн бўйича саволлар тузиш топшириғи берилди. Ўқувчилар томонидан тузилган саволлар қуйидаги тарзда умумлаштирилди:

Answer the following questions:

1. What parts does the educational system of Uzbekistan consist of?
2. What schools does the primary education of Uzbekistan include?
3. What age do the children go the nursery schools?
4. How many courses does the primary school consist of?
5. When do the pupils enter professional colleges and academic lyceums?
6. Why do the young people continue the higher education?

Тузилган саволлар асосида матн бўйича муҳокама ўтказилди. Шундан сўнг муаллим матннинг баъзи қисмларидан намуналар келтирди, ўқувчилар уларни давом эттирдилар.

Continue the given statements:

1. The educational system of Uzbekistan consists of ...
2. Preschool education includes ...
3. After completing the 9 th form ...

4. After leaving professional colleges and academic lyceums young people ...
ва Х.к.

Мазкур машқдан кейин муаллим мазкур матннинг айрим қисмларини атайлаб ўзгартириб айтди. Ўқувчилар эса ўзгартирилган қисмларни туғри шаклда айтиб бердилар. Баъзи ўқувчиларнинг нотуғри жавоблари мазкур юмушни бажариш жараёнида тузатиб борилди.

Correct the given statements:

Children under six are taken to the creches.

Primary school consists of a five-year course for children at the age of seven years old.

The system of public education in Uzbekistan is based on compulsory 10 year or 12 year school for all citizens.

After completing the 9th form some pupils enter higher institutions (universities and institutes) and they can get any profession ва х,.к.

Матн устида ишлашнинг учинчи босқичида унинг лексикаси ва ахбороти асосида ўқувчиларнинг нутқий малакаларини ўстириш буйича машқлар бажарилди. Ўқувчилар матнни қандай тушунганликларини гапириб бердилар. Сохавий матнларни мустақил гапириб беришда иккинчи босқичда тузилган саволлар асос бўлиб хизмат қилди. Сохавий матнларни ўқиш ва тушунганликни текширишда ўқувчилар нутқида учраган лисоний хатолар, қийинчилик келтириб чиқарган тил ҳодисалари қўшимча машқларда бартараф этилди.

Тажриба-синов ишлари жараёнида сохавий матнларни ўқишни ўргатиш нафақат дарсда балки уйда ҳам бажарилди. Матннинг асосий мазмунини мустақил тушуниш, қийинчилик туғдирадиган лексикани луғат ёрдамида аниқлаш топшириқ қилиб берилди.

Educational System of Great Britain

The system of education in Great Britain includes preschool education, primary education, secondary education and higher education. The primary education in Great Britain includes infant school (ages 5-7) and junior schools (ages 7-11/12).

In infant schools children are encouraged to read, write, count and develop their creative abilities. The junior stage extends over 4 years. Children are taught Arithmetic, Reading, History, Geography, Nature study, and other subjects.

Secondary education continues from the age of 11 to the age of 15 or longer. Secondary education comprises grammar schools, technical schools and secondary modern schools. Grammar schools provide mainly academic course for selected pupils from the age 11 to 18. The education of grammar schools lead the pupils to the university.

Technical schools offer general education with a technical bias and serve those pupils who are more mechanically inclined. Secondary modern schools provide a non-academic education for children of less attainment.

After leaving grammar, technical, secondary modern schools, they may continue their education in higher schools. The structure of higher education in Great Britain is very complex. It includes Universities and different types of colleges. After graduating the higher education students get science degrees.

Уйда ўқилган сохавий матнларни тушунганликни дарсда оғзаки ва ёзма усулда текшириб борилди. Бунда асосан уйда ўқилган матн бўйича ўқувчилар дарсда саволлар туздилар ва уларга оғзаки жавоб бердилар.

Answer the following questions:

1. What educational systems are there in Great Britain?
2. What schools does the primary education of Great Britain include?
3. What are taught in infant school and junior schools?
4. What types are there in secondary education in Great Britain?
5. What kind of institution is the technical school?
6. What types of institutions are there in higher education in Great Britain?

Биз дарсда сохавий матнларни ўқишни давом эттирган холда

“Educational System in the USA” матнини ҳам ўқувчиларга ўқиш учун тавсия этдик.

Read and try to understand the text.

Educational System of the USA

In the United States of America each state of the country has its own educational system. They are elementary schools, secondary schools, separate professional colleges and universities.

A school system in the USA may be organized according to a 6-3-3 pattern, that is a six-year elementary school programme, a three-year junior programme and a three-year high school programme.

The elementary school of the USA is common school and is attended by all groups of the population.

The system of secondary school education in the USA includes different kinds of school - public and private, large and small, urban and rural, traditional and experimental.

Higher education in the USA is organized differently from that in Europe. There are public and private universities and colleges in the USA.

Мазкур матн бўйича ўқувчиларга саволлар тузиш ва уларга жавоб қайтариш топширик; қилиб берилди.

Ask and answer.

1. What types of schools are there in the USA?
2. What can you say about the elementary schools in America?
3. What character has the modern educational system of the USA?
4. In what ways are the higher education organized in Europe and the USA?

Энди матнни қандай тушунганлик текшириб кўрилди. Бунда ўқувчиларга ўрганилган янги лексик бирликлар иштирокида гаплар тузиш, бўш қолдирилган ўринларни тўлдириш каби топшириқлар берилди.

Make up sentences with the given words and word combinations:

the educational system, in the USA, includes, elementary schools, secondary schools, separate professional colleges and universities.

the elementary school, common school, to be attended, by, groups of the population.

the system, secondary school, education, the USA, includes, public, private, large, small, urban, rural, traditional, experimental.

higher education, to be organized, differently, Europe.

Fill the missed parts of the text.

Each state has its (ўзининг) educational system: (бошлангич мактаблар), separate professional colleges and universities.


A school system in the USA (ташқил қилиниши мумкин) a six-year elementary school programme, a three-year junior programme and a three-year (юкори мактаб программаси).

The system of secondary school education in the USA (уз ичига олади) public and private, large and small, (шахдр) and (кишлок), traditional and experimental.

Higher education in the USA is organized (турлича) from that in Europe.

Сохавий матнларни ўқишни тушунганликни текширишда биз яна турли стратегиялардан ҳам фойдаландик. Бунда учала ўқилган сохавий матнлар бўйича сўзларни ўқувчиларга оғзаки айтиш тавсия қилинди. Ўқувчилар томонидан айтилган барча сўзлар доскада қайд этиб борилди.

The game “Cluster”.



Ушбу сўзлар билан танишилгандан сўнг уларни муайян гуруҳларга тасниф этилди ва изоҳланди.

Preschool education	Primary education	Secondary education	Secondary special education	Higher education
Creches	Junior	elementary	professional	University
nursery	Infant	compulsory	college	Institute
kindergarten	Pupil	grammar	Profession	student
Music	arithmetic	school	Lyceum	dimloma


Preschool education is the first stage of educational system which the foundation for child's character, habits and emotions.

Secondary special education is the pupils get any profession and give matriculation certificate.

Higher education is the students get any profession and give diploma.

Шундан сўнг, **ўтилган** дарсларда ўқилган “Educational System of Uzbekistan” ва “Educational System of the USA”, уйда ўқилган “Educational System of Great Britain” матнларининг мазмуни бўйича қиёсий савол-жавоб машқларидан фойдаланилди. Бунда биз “Венн доираси”дан фойдаландик. Ўқувчилар учала давлат таълим тизими орасидаги ўхшашлик ва фарқларни аниқладилар. Доираларнинг штрихланган қисмлари таълим тизимидаги ўхшашликларни ифодалайди.

The game "Circle Venn"



1. What kinds of differences are there in the educational systems of Great Britain and Uzbekistan?

2. What kinds of peculiarities are there in the educational systems of the USA and Uzbekistan?

3. What kind of peculiarities is there in educational systems of Great Britain and the USA?

Учала таълим тизимининг таҳлили бўйича ўқувчилар қиёсий тарзда матнни қандай тушунганликларини яқка нутқда гапириб бердилар. Юқоридаги топшириқларни бажариш жараёнида ўқувчиларнинг инглиз тилида ўқиш малакаларини қай даражада шаклланганлигини мунтазам равишда назорат қилиб борилди.

Амалга оширилган тажриба-синов ишлари давомида ўқувчиларнинг ўқиш малакалари шаклланганлик даражаси аниқланди. Ўқувчиларнинг ўқиш малакалари кўрсаткичлари қуйидаги жадвалларда келтирилади.

III. 1 -жадвал. Ўқувчиларининг тажриба-синов олди ўзлаштириш кўрсаткичлари

Топширик тури	Баҳо	1-курс уқувчи сони	%	2-курс уқувчи сони	%	3-курс уқувчи сони	%
Уқиш мала- калари бўйича	5	11	25,5	13	31,8	11	26,8
	4	13	30,2	15	36,4	14	34,1
	3	19	44,3	13	31,8	16	39,1
Жами:		43		41		41	

**III. 2-жадвал. Ўқувчиларининг тажриба-синов олди
ўзлаштириш кўрсаткичлари**

Топширик тури	Бах,о	1-курс уқувчи сони	%	2-курс уқувчи сони	%	3-курс уқувчи сони	%
Ўқиш мала- калари буйича	5	11	25,5	11	26,8	11	26,8
	4	14	32,5	13	31,8	14	34,1
	3	18	42	17	41,4	16	39,1
Жами:		43		41		41	

III. 1 ва III.2 жадвалларги кўрсаткичлардан хулоса қилиш мумкинки, тажриба-синов олди натижалари деярли бир хил миқдорий кўрсаткичларга эгадир.

**III. 3-жадвал. Ўқувчиларининг тажриба-синов ишларидан
кейинги ўзлаштириш кўрсаткичлари**

Топширик тури	Бахо	1-курс уқувчи сони	%	2-курс уқувчи сони	%	3-курс уқувчи сони	%
Ўқиш мала- калари буйича	5	12	28	13	31,8	12	29,3
	4	14	32,5	14	34,1	15	36,6
	3	17	39,5	14	34,1	14	34,1
Жами:		43		41		41	

**III. 4-жадвал. Уқувчиларининг тажриба-синов ишларидан
кейинги ўзлаштириш кўрсаткичлари**

Топшириқ тури	Баҳо	1-курс уқувчи сони	%	2-курс уқувчи сони	%	3-курс уқувчи сони	%
Ўқиш мала- калари буйича	5	13	30,2	15	36,6	14	34,1
	4	20	46,6	15	36,6	17	41,4
	3	10	23,2	11	26,8	10	24,5
Жами:		43		41		41	

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

Ўқувчиларнинг инглиз тилида ўқиш малакаларининг шаклланишини текшириш тажриба-синов ишларида ўз ифодасини топди. Бўлажак кичик мутахассислар касбий малакаларини шаклланишида умумтаълимий ва касбий фанлар ўзига хос улуш қўшади. Она тили, иккинчи тил ва чет тилда ихтисослик бўйича матнлар ўқиш ўқувчиларнинг дастурий билимларини янада бойитиши, шу жумладан, илмий атамаларни пухта ўзлаштиришларига ижобий таъсир кўрсатади.

Илмий-педагогик ва методик адабиётларнинг таҳлили, тил муаллимларининг илғор иш тажрибасини ўрганиш, умумлаштириш ҳамда ушбу тадқиқот илмий натижаларига таяниб, умумий лингводидактик тавсиялар ишлаб чиқилди: муаллимлар педагогик фаолиятини режалаштириш ва ташкил этишга системали ёндашиш; ўқув жараёнини замонавий дидактик материал билан таъминлаш; таълимда предметларaro боғланиш тамойилига изчил амал қилиш; инглиз тили ўқитишнинг асосий мақсад ва вазифаларига мос усулларни қўллаш; ўқувчилар билим, кўникма ва малакаларини мунтазам назорат қилиб бориш; таълимда индивидуал ёндашиш тамойилига риоя қилиш.

5-9 синфларда инглиз тили ўқитишнинг лингводидактик асосларини яратишга қаратилган илмий изланишларимиз қуйидаги хусусий методик тавсияларни бериш имкониятини яратди:

1. Ўқитувчи фаолиятига оид:

5-9 синф ўқувчиларининг инглиз тили муаллимлари педагогик фаолиятини пухта режалаштириш, инглиз тили дарсларида ҳар бир ўқувчининг реал имкониятларини ҳисобга олиш, дарсларда ижодий, муаммоли-изланиш характеридаги ва касбий фаолиятига оид билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш (инглиз тилида ихтисосликка оид матнларни ўқитиш) зарурий методик тадбир саналади.

Инглиз тили дарсларида тилга оид предметлараро ўзаро ички,шунингдек,улар билан бошқа соҳавий фанлар орасидаги боғланишнинг таъминланишига аҳамият бериш лозим. Ўқувчиларга тилларни ўқитишда предметлараро боғланишдан фойдаланиш тил таълимини такомиллаштиришнинг муҳим омилларидан ҳисобланиши тажриба-синов орқали исботланди.

Ўқувчиларнинг инглиз тили ўрганишига бўлган мотивациясини мунтазам рағбатлантириб бориш тавсия этилади.

2.Ўқувчи фаолиятига оид:

Таълим фақат ўқитувчи томонидан бошқариладиган жараён эмас,у ўқувчилар фаолияти билан ҳам чамбарчас боғлиқдир.Инглиз тили дарсларида ўқувчининг ўз нутқини назорат қилиши,йўл қўйган хатоларини аниқлаши, бартараф этиши, мустақил ҳолда ҳулосалар чиқариши, қисман изланувчанлик ва ижодий топшириқларни бажаришда иштирок этиши инглиз тили ўрганишда яхши самара беради.

3.Таълим мазмунига оид:

Дарсликларни яратишда мактаб ва коллеж орасидаги изчилликка риоя қилиш. мактаб инглиз таълимининг амалий мақсадига биноан ўқиб ахборот олиш учун ижтимоий-маиший, бадиий, сиёсий, ўқув-таълимий мавзудаги матнлардан ташқари касбий йўналишдаги соҳавий матнларни кўпроқ бериш мақсадга мувофиқдир.

5-9 синф ўқувчиларининг инглиз тилида ўқиш малакаларини шаклланганлиги тажриба-синов ишларида текшириш қуйидаги қийинчиликларнинг мавжудлигини кўрсатди:

Ўқувчиларнинг инглиз тилидан ўқиш малакаларининг шаклланганлик аҳволи яхши эмас.

Ўқувчиларнинг аксарияти инглиз тилида ўзлари мустақил ўқиб ахборот олиш қобилиятига эга эмаслар.

Ўқувчиларнинг кўпчилиги ўқиш малакаларини шакллантиришда замонавий усулларни қўлламайдилар.

Тадқиқотда қуйидаги вазифалар хал этилди:

5-9 синф ўқувчиларининг инглиз тилида ўқиш малакаларининг шаклланганлигини текшириш тажриба-синов ишларида ўз ифодасини топди. Ўқувчиларнинг эгаллаётган касб-корларида инглиз тилининг тутган ўрни ва аҳамиятига бўлган муносабатларини билиш мақсадида анкета ўтказилди. Ўқувчиларнинг ўн иккита савол бўйича фикр ва мулоҳазалари аниқланди. Шу билан бирга, инглиз тили таълимида дуч келинаётган қийинчиликларни объектив кўрсатганлар.

Тавсиялар

Инглиз тилида гапириш, тил грамматикаси, умуман инглиз тилига таълуқли бўлган ҳар қандай билим ва кўникмаларингизни ривожлантиришнинг энг ишончли усули ўқиш ҳамда тинимсиз равишда ўз устида ишлаш эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Аммо булардан ташқари ҳам инглиз тилидаги билим ва кўникмаларингизни янада ривожлантиришнинг бир неча усуллари мавжуд. Хозирда Сизда мавжуд бўлган инглиз тили билимларингизни бир неча ўн бараваргача ривожлантириш мумкин. Бунга эришиш йўлида қуйидаги тавсияларнинг бирига ёки бир нечтасига амал қилишингиз мумкин:

1. ИНГЛИЗ ТИЛИНИ ЎРГАТАДИГАН САЙТ ОЧИНГ. Ўзингиз ёлғиз ўрганганингиздан кўра бошқаларга ҳам ўргатишингиз билимингизнинг ошишида катта фойда беради. Билимингиз саёз, фақат бошланғич, содда тушунчаларга эга бўлсангиз ҳам майли. **Ziyo net** сайтидан бепул блог очинг ва билганингизча инглиз тилини ўргатинг. Шу Сиз учун анча фойдали бўлади. Шахсан ўзим шу усулдан фойдаланаман – Сиз кўриб турган ушбу сайт аслида ўзим устимда ишлаш, инглиз тилини янада чусурроқ ўрганишим ва турли сўшимча соҳаларда билимимни оширишим учун имконият сифатида ташкил этилган. Ўзим учун янги бўлган билимларни ўзлаштираман, такрорлаш учун

уларни мақола сифатида сайтга чиқараман. Олган билимларим ўзимга фойда бўлса, жараён махсулидан эса бутун дунё **Azamat.uz** сайтига ташриф буюрган холда фойдаланиши мумкин. Сиз ҳам шундай қилинг!

2. ИНГЛИЗ ТИЛИДА КУНДАЛИК ТУТИНГ. Кундалик турмушингизда бўлаётган воқеалар, ходисалар, қизиқарли тасодифлар ҳақида **ФАҚАТ ИНГЛИЗ ТИЛИДА (!!!)** ёзиб боринг. Бу машғулоти кундалик тутишни ёқтирувчилар учун айниқса қизиқарли бўлиши тайин. Менимча, бу соҳада қизлар илғорлик қилишса керак. Инглиз тилидаги билимларини ривожлантириш ҳақида гапирилганда эса, йигитлар ҳам шу турдаги кундаликни тутишга уриниб кўришса, фойдадан холи бўлмайди.

3. ИНГЛИЗ ТИЛИДАГИ МАСЛАХАТЛАРГА ОБУНА БЎЛИНГ. Менимча, бу замонавий тил ўрганиш дунёсидаги тенгсиз усул! Бугунги кунда инглиз тилини ўрганиш, уни осон ўзлаштириш бўйича маслаҳатларнинг бепул хатларига обуна бўлиш жуда осон. Хаммаси жуда оддий: Сиз обуна қилиш сайтига кириб, е mail манзилингиз билан хатларга обуна бўласиз ва ҳар куни биттадан ёки бир нечтадан инглиз тили грамматикасини ўрганишга оид маслаҳатларни электрон почта манзилингизга қабул қилиб олаверасиз! Обуна сайтлари жуда кўп, шахсан мен Сизга [Effortless English](#) сайтини тавсия этаман.

4. ИНГЛИЗЧА ҚЎШИҚ ЭШИТИНГ. Мен қўшишлар эшитишни севаман. Ишонаманки, ўзига ёққан хонанда ижросидаги қўшиқларни тинглашдан завқ оладиган абитуриентлар ҳам талайгина. Инглиз тилидаги қўшиқларни кўпроқ эшитишга ҳаракат қилинг. Бу орқали Сиз ҳам маданий хордиқ чиқарасиз, ҳам қўшиқда айтилаётган инглиз тилидаги янги сўзлар, ибораларни ёдлаб оласиз. Ўзингиз ёқтирган инглиз тилидаги қўшиқнинг матнини топиб, қўшиқ айтилаётган вақтда матнни кузатиб боришингиз ҳам ўрганишда яхши натижа бериши мумкин. Қўшиқ матнларининг энг катта жамланмаси [AZlyrics.com](#) сайтида

5. ИНГЛИЗЧА ҚЎШИҚ КУЙЛАНГ. Хаммада ҳам қўшиқ айтиш даражасидаги баланд, сифатли овоз бўлмаслиги мумкин, аммо уй ишларини қилаётганда, бўш вақтда, кўчада юрганда фақат ўзи учун қўшиқ хиргоя қилиб юришни деярли хамма уддалай олади. Инглиз тилини яхшироқ ўрганиш учун ўзингизга ёққан бирор қўшини ёдлаб олиб, хиргоя қилиб юринг. Бу усул кўпроқ сўз ёдлашингиз ва инглиз тилидаги талаффузингизни яхшилашингизда катта ёрдам беради.

6. ИНГЛИЗЧА ҚЎШИҚЛАРНИ ТАРЖИМА ҚИЛИНГ. Қўшиқларга жуда қизиасизми? Бу қизиқишингиздан инглиз тилини ўрганишда ва билимларингизни мустаҳкамлашда фойдаланинг! Интернетда шахсий блог ёки Одноклассники сайтида «Инглизча қўшиқларнинг ўзбекча таржимаси» деган гуруҳ очинг. Инглиз тилида куйланадиган машхур қўшиқларнинг ўзбек тилидаги маъноларини билишни холовчилар жуда кўп. Шахсан мендан Еминем қўшиқларининг маъноларини кўп сўрашган. Сиз ҳам ўзингизга ёққан қўшиқларни ўзбек тилига таржима қилиб, уни хамма билан ўртолашсангиз, инглиз тилидаги сўз бойлигингизнинг ошиши, таржима махоратингизнинг ривожланишига жуда катта хисса қўшган бўласиз!

7. ИНГЛИЗЧА ҚЎШИҚЛАР КАРАОКЕСИНИ КУЙЛАНГ. Бу менинг сеvimли машғулотларимдан бири! Инглиз тилидаги энг сеvimли қўшиингизнинг минус версияси (қўшиқсиз, фақат мусиқаси бор файл)ни топинг ва уйда, компьютерингиз микрофони ёрдамида қўшиқни ўзингиз ижро этинг! Бу билан дунёга машхур қўшиқчи бўлиб кетмаслигингиз мумкин, аммо бир нарса аниқки, инглиз тилидаги сўзларнинг талаффузи сизда сезиларли даражада яхшиланади.

8. ФИЛМ, МУСИҚА, МЕМОНХОНА ЁКИ КИТОБГА АТАБ ТАҚРИЗ ЁЗИНГ. Мисол учун, сиз сериаллардан бирини кўраяпсиз, Сиз сериалларга жуда қизиасиз ва сериаллар хақида соатлаб гапиришингиз мумкин. Нега энди бу қизиқиш шижоатингизни тил ўрганиш томон йўналтирмайсиз? Ўзингизга ёққан сериалга тақриз ёзинг. Фақат инглиз тилида!!! Шундай ёзингки, ўқиган киши сериални кўргандек бўлсин. Албатта, хар ким ўзига ёққан, ўзи завқланадиган нарса

хақида ёзса, ҳам фойдали, ҳам зериктирмайдиган иш билан шуғулланган бўлади.

9. ФАҚАТ ИНГЛИЗ ТИЛИДА ҚИДИРИНГ. Кўпчилигимиз интернетда маълумот қидирамиз. Компьютер ва интернет технологиялари ривожланиб кетди. Хозирда ҳатто 80 ёшли бувилар ҳам ўзларининг севимли қўймоларини пишириш учун интернетдан масаллиқлар рўйхатини қидираяпти. Сизга қачондир интернетдан маълумот керак бўлиб қолса, уни Google, Yahoo, Mail.ru ёки боша қидирув машинасидан фойдаланишингиздан қатъий назар фақат инглиз тилида қидиришга ҳаракат қилинг. Шундай қилсангиз, ҳам кўпроқ маълумот топасиз, ҳам инглиз тилини ўрганасиз.

10. ЎҚИГАН КИТОБИНГИЗ ЁКИ КЎРГАН ФИЛМИНГИЗНИНГ ИНГЛИЗ ТИЛИДАГИСИНИ ҚАЙТА ЎҚИНГ ЁКИ КЎРИНГ. Мисол учун, Алекс Дюманинг «Уч мушкетёр» асарини ўзбек тилида ўйган бўлишингиз, ёки «Титаник» филминининг ўзбекча таржимасини кўрган бўлишингиз мумкин. Сиз бу китоб ёки филмнинг барча тавсилотларини биласиз. Нега энди китобнинг ёки филмнинг инглиз тилидаги версиясини топишга ҳаракат қилмайсиз? Ҳозир интернетда ҳар қандай филм ва китобни топса бўлади. Ўзингизга ёққан асар ёки филмнинг инглиз тилидаги версиясидан баҳраманд бўлишга ҳаракат қилинг.

11. КИТОБ ТАРЖИМА ҚИЛИНГ. Биламан, бу жуда машаққатли иш. Аммо уриниб кўришга арзийди. Бошланишига оддий, содда, кичик ҳажмда бўлган, инглиз тилида ёзилган китобни таржима қилишга уриниб кўринг. Муваффақиятли чиққан таржимангизни танишларингизга ёки интернет фойдаланувчиларига тақдим этишингиз мумкин. Уларнинг сизнинг қилган ишингизга баҳо беришади.

12. БИРИНЧИ 20 ТА САХИФАНИ ҚОЛДИРИБ КЕТИНГ. Инглиз тилида ёзилган асарни олинг ва илк 20 саҳифасини ташлаб кетган ҳолда китобни ўқишни бошланг. Бир томондан бу усул 20-саҳифадан кейин бўлаётган воқеалар ҳақида ўқиш жараёнида кўпроқ фикрлашга, ҳикоя қилинаётган жараёнларни тушуниб

олишга ундаса, иккинчи томондан хикоянинг давоми ва боши қандай бўлиши ҳақидаги қизиқишингизни алангалатиб юборади. Афсуски, бугунги кун ёшларининг жуда кўпчилиги китоблардан бегоналашиб кетган. Умид қиламанки, китоб билан боғлиқ тавсияларимга амал қилишга ҳеч бўлмаганда уриниб кўрадиган ёшлар ҳам топилиб қолади.

13. ДИАЛОГЛИ КИТОБ ЎҚИШ. Икки киши ўртасидаги суҳбатда турли оғзаки нутқда ишлатиладиган иборалар, идиомалар, ҳолатга мос атамалар ишлатилиши мумкин. Бундай китобларни ўқиш оғзаки нутқингизнинг ривожланишига яхши таъсир кўрсатади. Айнан қайси китобни ўқишни билмай турганлар оддий, «Инглизча-ўзбекча сўзлашгич» китобларидан фойдаланса ҳам бўлади.

14. ИНГЛИЗЧА КОМИК КИТОБЛАР ЎҚИШ. Комикларни ўқишнинг яхши томони – расмларга бой, қизиқарли хикояларни ўқиб, ҳеч қачон зерикмайсиз. Хикоя қилинаётган воқеалар расмларда ҳам кўрсатилган бўлади, шунинг учун унда берилган гапларни тушуниб олиш ҳам осон кечади.

15. ИНГЛИЗ ТИЛИДАГИ ШАҲАР ЙЎЛ КЎРСАТКИСЛАРИНИ ЎҚИШ. Бошқа шаҳарларда шахсан гувоҳи бўлмаганман, аммо Термиз шаҳрининг хорижлик меҳмонлар учун расмий йўл кўрсаткич йўриқномаси бор. У кичик китобча шаклида бўлиб, унда шаҳарнинг диққатга сазовор жойлари, меҳмонхоналари, бозорлари ва бошқа меҳмонлар учун керакли бўлган жихатлари ҳақида инглиз тилида маълумотлар берилган. Ўз шаҳрингиз, ёки Лондон, Нью Ёрк, Париж каби катта шаҳарларнинг йўл кўрсаткич йўриқномаларини топиб ўқишга ҳаракат қилинг.

16. ИНГЛИЗЧА ГАЗЕТА ВА ЖУРНАЛЛАРНИ ЎҚИШ. Сотувда баъзи машҳур хориж газета ва журналларини топишингиз мумкин. Ҳеч қайердан топишнинг иложи бўлмаганда эса, ҳар доим интернет орқали Тиме, Форбес, Вашингтон Пост каби газета ва журналларнинг электрон вариантини ўқишингиз мумкин.

17.ИНГЛИЗ ТИЛИДА ЎҚИШ ТЕЗЛИГИНГИЗНИ ОШИРИНГ. Бир дақиқада нечта сўз ўқий оласиз? Кўп ва имкон қадар тез ўқишни машқ қилиш орқали инглиз тилида тез ўқий олиш кўникмасини шакллантиришингиз мумкин.

18. КИМГАДИР ЎҚИБ БЕРИНГ. Инглиз тилини яхши тушунадиган ёки ўрта даражада биладиган кишига инглиз тилида хикоя, қисса ёки шунга ўхшаш қизик нарса ўқиб беришга ҳаракат қилинг. Машқлар натижасида Сизнинг ўқишингиз, инглиз тилида хикоя қилишингиз ҳаммага тушунарли даражада раво ва аниқ бўлишига эришингиз мумкин.

19. ЁРДАМСИЗ ЎҚИШГА УРИНИБ КЎРИНГ. Катта, мураккаб матнни ҳеч қандай луғат ёки бошқа ёрдамчи воситаларсиз, мустақил равишда ўқишга ҳаракат қилиб кўринг. Матнда учраган нотаниш сўз ва ибораларнинг маъноларини матн асосида ўйлаб топишга, билиб олишга ҳаракат қилинг.

20. ЎҚИНГ ВА ХАММАСИНИ ЁДЛАНГ. Ўзингизга ёққан матн ёки кичик хикоянинг барча сўзларини, ҳар бир сўзини ёдлаб олишга қарор қилинг ва бунга қаттиқ киришинг. Бошланишида қийналишингиз мумкин, аммо мақсадга эришганингизда ўзингиз ҳам ишонмайдиган даражада кўп сўз ёдлаб олганингизга амин бўласиз.

21. КИМГАДИР ЎҚИБ БЕРИНГ. Инглиз тилини яхши тушунадиган ёки ўрта даражада биладиган кишига инглиз тилида хикоя, қисса ёки шунга ўхшаш қизик нарса ўқиб беришга ҳаракат қилинг. Машқлар натижасида Сизнинг ўқишингиз, инглиз тилида хикоя қилишингиз ҳаммага тушунарли даражада раво ва аниқ бўлишига эришингиз мумкин.

BIBLIOGRAPHY

1. Каримов И.А. "Таълим тўғрисида" ги Қонуни. 1997 йил. 29 август. олий таълим меъёрий хужжатлар тўплами
2. Бабанский Ю.К. Хозирги замон умумий таълим мактабида ўқитиш методлари. -Т.:1990.-320б.
3. Бўтаев Ш.Т. Инглиз тили. -Т.,2001.
4. Жалолов Ж.Ж. Инглиз тили. 9-синф. -Т.:Ўқитувчи,1998
5. Набиева К. Замонавий чет тили ўқитишининг лингвопсихологик асослари. 2003. 2-сон
6. Общая методика обучения иностранным языкам в средней школе/Под ред. А. А. Миролюбова, И. В. Рахманова-М.:Просвещение, 1967
7. Ҳошимов Ў., Ёқубов И. Инглиз тили ўқитиш методдиқаси. -Т.:Шарқ 2003.
8. Allwright, D., and K.M. Bailey. Focus on the Language Classroom. Cambridge: Cambridge University Press, 1996.
9. Brown, D.H. Teaching by Principles – An Interactive Approach to Language Pedagogy. London: Addison Wesley Longman, 2000.
10. Brown, G., and G. Yule. Teaching the Spoken Language. Cambridge: Cambridge University Press, 1991.
11. Brumfit, C. Communicative Methodology in Language Teaching, the role of accuracy and fluency. Cambridge: Cambridge University Press, 1992.
12. Brumfit, C.J., and K. Johnson. The Communicative Approach to Language Teaching. Oxford: Oxford University Press, 1987.
13. Burns, A., and H. Joyce. Focus on Speaking. Sydney: NCELTR, 1997. Bygate, M. Speaking. Oxford: Oxford University Press, 1991.
14. Byrne, D. Techniques for Classroom Interaction. New York: Longman, 1990. Cook, G. Discourse. Oxford: Oxford University Press, 1996.
15. Council of Europe: Council for Cultural Co-operation, Education Committee and Modern Languages Division: Společný evropský referenční rámec pro jazyky. Olomouc: Univerzita Palackého, 2002. Translation: Mgr. Jaroslava Ivanová, M.A.; Doc. Alena Lenočková, CSc.; Mgr. Jana Linková, Mgr. Šárka Šimáčková, PhD.

16. Golebiowska, A. *Getting Learners to Talk*. Hemel Hempstead: Prentice Hall International (UK) Ltd., 1990.
17. Grice, P. "Logic and conversation". In Cole, P., and J. Morgan. *Syntax and Semantics, 3: Speech Acts*. New York: Academic Press, 1975.
18. Ellis, R. *Instructed second language acquisition*. Oxford: Basil Blackwell, 1990.
Ellis, R. *Second Language Acquisition*. Oxford: Oxford University Press, 1997.
19. Ellis, R. *Understanding Second Language Acquisition*. Oxford: Oxford University Press, 1991.
20. Faerch, C., and G. Kasper. *Strategies in Interlanguage Communication*. London: Longman, 1983.
21. Hadfield, J., and Ch. Hadfield. *Simple Speaking Activities*. Oxford: Oxford University Press, 1999.
22. Harmer, J. *How to teach English*. Harlow: Longman House, 2004.
23. Harmer, J. *The Practice of English Language Teaching*. London: Pearson Education Ltd., 2001.
24. Harmer, J. *The Practice of English Language Teaching*. Harlow: Longman Group UK Ltd., 1991.
25. Hedge, T. *Teaching and Learning in the Language Classroom*. Oxford: Oxford University Press, 2000.
26. Fillmore, C.J. "On fluency". In Fillmore, C.J., Kempler, D., and W. Wang. (eds.): *Individual Differences in Language Ability and Language Behaviour*. New York: Academic Press, 1979.
27. Keller, E., and S. Warner. *Conversation Gambits*. Hove: Language Teaching Publications, 1988.
28. Klippel, F. *Keep Talking*. Cambridge: Cambridge University Press, 2000.
29. Krashen, S. *Principles and Practice in Second Language Acquisition*. Hemel Hempstead: Prentice Hall International (UK) Ltd., 1987.

30. Littlewood, W. *Communicative Language Teaching*. Cambridge: Cambridge University Press, 1994.
31. Littlewood, W. *Foreign and Second Language Learning*. Cambridge: Cambridge University Press, 1990.
32. McKay, S.L. *Teaching English as an International Language: Rethinking Goals and Approaches*. Oxford: Oxford University Press, 2002.
33. Nolasco, R., and L. Arthur. *Conversation*. Oxford: Oxford University Press, 1993. Nunan, D. "Communicative language teaching: making it work". In *English Language Teaching Journal*, 41/2, p.136-145, 1987.
34. Nunan, D. *Designing Tasks for the Communicative Classroom*. Cambridge: Cambridge University Press, 1990.
35. Nunan, D. *Second Language Teaching & Learning*. Boston: Heinle & Heinle Publishers, 1999.
36. Richards, J., Platt, J., and H. Weber. *Longman Dictionary of Applied Linguistics*. London: Longman, 1985.
37. Richards J.C., and T.S. Rogers. *Approaches and Methods in Language Teaching*. Cambridge: Cambridge University Press, 1986.
38. Rivers, W. M. *Interactive Language Teaching*. Cambridge: Cambridge University Press, 1996.
39. Rivers, W., and M. Temperley. *A Practical Guide to the Teaching of English as a Second or Foreign Language*. New York: Oxford University Press, 1978.
40. Savignon, S. *Communicative Competence: Theory and Classroom Practice*. Reading, Mass: Addison Wesley, 1983.
41. Scrivener, J. *Learning Teaching*. Oxford: Macmillan Publishers Ltd., 2005. Sinclair, J., and D. Brazil. *Teacher talk*. Oxford: Oxford University Press, 1982.
42. Skehan, P. *Individual differences in second-language learning*. Sevenoaks: Edward Arnold, A division of Hodder & Stoughton Limited, 1990.

44. Šimoník, O. Úvod do školní didaktiky . Brno: MSD Brno, 2003.
45. Thornbury, S. "Speaking to learn". In Hanušová, S., ed. ELT Signposts 2005
46. Tsui, A. "Reticence and anxiety in second language learning". In Bailey, K. M. & Nunan, D. (eds.): Voices from the Language Classroom. Cambridge: Cambridge University Press, 1996.
47. Tsui, A. English Conversation. Oxford: Oxford University Press, 1994.
48. Ur, P. A Course in Language Teaching. Cambridge: Cambridge University Press, 1997. Ur, P. A Course in Language Teaching - Trainee book. Cambridge: Cambridge University Press, 1999.
49. Ur, P. Discussions that work. Cambridge: Cambridge University Press, 2006. Watcyn-Jones, P. Act English - A Book of Role-plays. London: Penguin Books Ltd., 1978. Widdowson, H.G. Teaching Language as Communication. Oxford: Oxford University Press, 1990.
50. Wilkins, D. Second Language Learning and Teaching. London: Edward Arnold, 1974.

ONLINE SOURCES

1. "The Audio-lingual Method". SIL International. 15 Jan. 2007. [www.sil.org/lingualinks/ LANGUAGELEARNING/Ways To Approach Language Learning/TheAudioLingualMethod.htm](http://www.sil.org/lingualinks/LANGUAGELEARNING/Ways%20To%20Approach%20Language%20Learning/TheAudioLingualMethod.htm)>
2. Bean, S. "Classroom Management to Promote Learning" . ETR Associates. 19 March 2007. <www.etr.org/recap/practice/edskills200109.htm>
3. Bradwell, S. "Dealing with the complexity in Part 2 of the speaking exam at CAE level".
4. Developing Teachers.com. 19 March 2007. [evelopingteachers.net/articles_tchtraining/speaking_sandra1.htm](http://developingteachers.net/articles_tchtraining/speaking_sandra1.htm)>

5. "CEF". Council of Europe. 11 Jan. 2007.
www.coe.int/t/dg4/linguistic/Source/Framework_EN.pdf>
6. "CEF". Council of Europe. 11 Jan. 2007.
www.coe.int/t/dg4/linguistic/CADRE_EN.asp> Chaudron, C. "Second Language Classrooms. Research on teaching and learning."
7. "Communicating inside and outside the classroom". Oxford University Press. 15 Jan. 2007. <fds.oup.com/www.oup.com/pdf/elt/catalogue/0-19-433522-4-a.pdf>
8. "Communicative Language Teaching". SIL International. 15 Jan. 2007.
 <[www.pnglanguages.org/lingualinks/LANGUAGELEARNING/WaysToApproachLanguage Learning/CommunicativeLanguageTeaching.htm](http://www.pnglanguages.org/lingualinks/LANGUAGELEARNING/WaysToApproachLanguageLearning/CommunicativeLanguageTeaching.htm)>
9. Couhglin, M. "Speaking". UsingEnglish.com. 19 March 2007.
10. <www.usingenglish.com/articles/speaking.htm>
11. "Dell Hymes". Wikipedia. The Free Encyclopedia. 15 Jan. 2007.
12. <en.wikipedia.org/wiki/Dell_Hymes#Influences_on_his_work>
13. Flick. 10 Jan. 2007. <www.ed.psu.edu/CI/Journals/1998AETS/f5_8_flick.rtf>
 "The Four Stages of the ZPD". University of Miami. 10 Jan. 2007.
14. <[www.education.miami.edu/blantonw/mainsite/Componentsfromclmer/Components5/ ZPDModelTharpandGallimore.html](http://www.education.miami.edu/blantonw/mainsite/Componentsfromclmer/Components5/ZPDModelTharpandGallimore.html)>
15. "Goal: Communicative Competence". NCLRC. The essentials of language teaching. www.nclrc.org/essentials/goalsmethods/goal.htm
16. Hall, T. "Differentiated Instruction". CAST. Universal Design for Learning. 19 March 2007. <www.cast.org/publications/ncac/ncac_diffinstruc.html>
17. Mariani, L. "Developing Strategic Competence." Learning Paths. 19 March 2007.
18. <www.learningpaths.org/papers/papercommunication.htm>
19. Martyniuk, W. "CEF". Cornell University. 11 Jan. 2007.
 <www.lrc.cornell.edu/events/past/2005-2006/martyniuk.doc>

20. Nunan, D. "Second Language Classroom Research". ERICDIGESTS.ORG. 10 Jan. 2007. <www.ericdigests.org/pre-9216/second.htm>
21. Tharp and Gallimore. "The Instructional Conversation: Teaching and Learning in Social Activity". CDL. University of California. 15 Jan. 2007. <repositories.cdlib.org/cgi/viewcontent.cgi?article=1094&content=crede>
22. Trim, J.L. "Modern Languages: Learning, Teaching, Assessment." *Lingua-European Languages*. 11 Jan. 2007. <lingua.fc-tic.net/languagepolicies.pdf>
23. van Lier, L. "Analysing Interaction in Second Language Classrooms". 15 Jan. 2007. <elt.oxfordjournals.org/cgi/content/abstract/38/3/160>
24. van Lier, L. "The Ecology of Language Learning". UCDAVIS. University of California. 15 Jan. 2007. <ucclit.ucdavis.edu/leo.cfm>
25. van Lier, L. "The Ecology of Language Learning & Classroom Research". UTC. 19 March 2007. <www.utc.fr/~untele/2004ppt/vanlier_2004.ppt>
26. Zhao, S.Y. "Incidental focus on form in teacher-learner interaction and learner-learner interaction". ScholarlyCommons@AUT. 20 Jan. 2007. <repositoryaut.lconz.ac.nz/theses/275>